БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 ЙИЛ

9 НОЯБРЬ
№ 45 (3097)
ЖУМА

Октябрь инқилобининг 73 йиллиги

ВАҚТ — УЛУҒ ҲАКАМ

Совет кишилари Октябрь инқилобининг 73 йиллигини нишонладилар.

Эътироф этиш керак, байрам бу гал ўзига хос кайфиятда ўтди. Шаҳар кўчалари, майдону хиёбонлар дабдабали чақириқлар, бахт ва шодлик шиорларига кўмилиб кетгани йўқ. Намойишчиларнинг «Ура» садоларидан чоратроф ларзага келгани ҳам йўқ.

Бу йилги Октябрь ортиқча безаклардан, сохта улуғворликлардан оз бўлса-да халос бўлгандай бўлди. Ўзлигини англаётган халқ бефойда хитобларни мўминлик билан такрорлашдан кўра бугунги кун муаммолари тўғрисида ўйлашни, фикр юритишни афзал кўрди. Чунки байрам ўтади, муаммолар эса ўз-ўзидан ҳал бўлмайди.

Хўш, бу нима? Октябрь ғояларидан чекиншими, ё шунча йил улуғланиб келган буюк инқилобга нисбатан ҳурматсизликми?

Марказда ўн еттинчи йил кузидаги тарихий бурилишни мутлақо хато, тарихий янглишиш деб ҳам ҳисобламоқдалар, уни 70 йил ичида йўл қўйилган жамики хатоликлар, юз берган ўпирилишларнинг бош гуноҳкори сифатида айбламоқдалар. Бундай баҳо инобатга олингудек бўлса, биз деярли ҳамма нарсадан воз кечишимизга, Совет кишиларининг бир неча авлоди беҳуда яшаб ўтганларини тан олишимизга тўғри келади.

Бундай эмас. Тарихий бурилиш чорраҳасида қабул қилинган қарор ўзига хос мураккабликларга, зиддиятларга эга эканлигини тан олган ҳолда ҳам Октябрдан бутунлай воз кечиш чақириғини қабул қилиш қийин. Кўпгина инқилобий шиорлар эскиб қолгани, айримлари азал бошданоқ нотўғри талқин этилгани ҳам сир эмас. Аммо инқилоб аҳамиятини рад этиш даъвати остида янги бир инқилобий хато учун замин мавжудлигини ҳам унутмаслик лозим.

Ўн еттинчи йили дунё ўзгача, одамлар ўзгача эди. Бугун — беполён мамлакатимизнинг деярли барча минтақаларида миллий уйғониш, ўзлигини англаш руҳи кучаяётган экан, миллий қадриятлар тикланиб, биз яна ўзлигимизга қайтаётган эканмиз, бу янгиланишни ҳам Октябрь номи билан бевосита боғлаш мумкин.

Хатоларни тарих содир этмайди.

Тарих янглишмайди ҳам.

Айни пайтда, тарих хатолар, айнишлар, янглишишлар билан тўлиб-тошиб ётибди.

Ёмон халқ, ёмон тарих йўқ. Ёмон ижрочилар, ёмон талқинчилар мавжуд.

ОКТЯБРЬ — БУ БИЗНИНГ ТАРИХИМИЗ. ВАҚТ ЭСА — УЛУҒ ҲАКАМ!

КОЛЛЕГИЯ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг навбатдаги коллегия йиғилиши 1988 йил 2 августда коллегия томонидан қабул қилинган «Рус ёш томошабинлар театри ҳақида»ги қарорнинг қандай бажарилаётганлигини муфассал кўриб чиқди.

Сўнгги йилларда республика ёш томошабинлар театри ижодий коллективи ўртасидаги аҳвол бирмунча ўзгарди. 1989 — 90 йилларда бўлиб ўтган ёш томошабинларнинг регионал фестивалларида театр ниҳоятда муваффақиятсиз қатнашди. Чунки бу ердаги ижодий муҳит сўниб, коллектив қатор хатоларга йўл қўя бошлаган эди. Айниқса, театрга А. Найденов бош режиссёр этиб тайинлангач, ижодий коллективда иш ўрнига ғийбат, гуруҳбозлик, шикоятбозлик сингари иллатлар авж олди. Бу масала Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги, республика Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорликда ўтказган йиғилишларда бир неча бор жиддий муҳокама қилинди. Ҳатто театр ҳақида махсус қарор қабул этилди. Лекин булардан на театр раҳбарлари, на актёрлар хулоса чиқардилар. Аксинча, бир-бирлари билан гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора олишув давом этаверди. Натижада кўп спектакллар ўз вақтида саҳналаштирилмади. Болалар театри репертуарига мутлақо тўғри келмайдиган айрим спектакллар эса, А. Найденов томонидан катта маблағлар эвазига саҳналаштирилди. Умуман, театрдаги ижодий муҳитни бузишда, носоғлом вазиятни вужудга келтиришда бош режиссёрнинг айби катталиги коллегияда сўзга чиққанлар томонидан қайта-қайта таъкидланди.

Коллегия қарорига мувофиқ театр бош режиссёри А. Найденов ишдаги хато ва камчиликлари учун вазифасидан бўшатилди. Коллегия қарорига асосан театрдаги ижодий муҳитни яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

МУЗЕЙ ОЧИЛАДИ

Ўзбек совет ғазалчилигига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон ССР халқ шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шоир туғилиб ўсган Андижон вилояти Пахтаобод районида Ҳабибий номидаги адабиёт ва санъат музейи биноси қад кўтарди.

Бинони тиклашда Абдуқаҳҳор Исматуллаев бошлиқ «Қурувчи» кооперативи бинокорлари алоҳида шижоат кўрсатишди. Бинонинг арки, ёғоч ўймакорлиги ишларини амалга оширишда жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими, уста Теша Исмоилов раҳбарлигидаги наққошлар, шоир Ҳабибий бюстини яратишда маҳаллий ҳайкалтарош, вилоят Ленин комсомоли мукофоти совриндори Исмонжон Юсупов, музей ичларини жиҳозлаш ва безашда вилоят музейи директори Баҳодир Супургибеков ва бир группа ходимлар, маҳаллий ижодкорлардан Мирзаҳамдам Убайдуллаев, Асрориддин Ҳамдамов ва бошқалар фаолияти ибратли бўлди. Шунингдек, бу кутлуғ зиёратгоҳнинг барпо этилишида «Москва» жамоа хўжалиги, район механизациялашган кўчма колоннаси, 4-қурилиш участкаси, район матлубот жамиятлари уюшмасининг ҳиссалари катта.

Меҳнаткашлар Пахтаобод шаҳрини шоир номи билан юритиш юзасидан таклиф билдирмоқдалар. Вилоят адабиёт ва санъат музейи ходимлари жиҳозлаб ниҳоясига етказаётган бу даргоҳда яқин кунларда шоир Ҳабибийнинг бир асрлик тўйи кенг нишонланади. Шу муносабат билан бу ерга вилоят партия қўмитаси котиби М. Юсупов, жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби Қ. Кенжа, вилоят музейи директори Б. Супургибеков, район партия қўмитасининг биринчи котиби М. Эргашев, ижроия қўмитасининг раиси У. Иноминдинов ўртоқлар келиб, музейнинг ташкил этиш ва юбилейни ўтказиш комиссияси фаолияти билан танишдилар.

Музей пахтаободликлар ва меҳмонларнинг мўътабар зиёратгоҳларидан бири бўлиб қолишга шак-шубҳа йўқ.

Камолиддин ҲОМИДОВ

РАҲБАР БЎЛИШДАН КЎРА..

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Расулов Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқа театрига директор этиб тайинланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин театр коллективининг ундан, унинг коллективдан умиди катта. Шу муносабат билан мухбиримиз Ш. РАСУЛОВ ҳузурида бўлиб, бир неча саволлар билан мурожаат қилди.



— Шуҳрат ака, аввало, сизни театрга директор этиб тайинланганингиз билан қутлайман. Айтинг-чи, бу лавозимда ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Раҳмат. Очиғини айтиш керак, елкамга оғир, масъулиятли меҳнат юклатилди, назаримда. Устозларимиздан бири шундай дерди: «Тўртта артистга раҳбар бўлишдан кўра, армияни бошқариш осонроқ». Энди шу сўзларнинг амалдаги исботини кўриб турибман.

Ўзим илгари шу театрда актёр бўлганман, кейинчалик Абдулла Қаҳҳор номидаги Сатира театри ташкил этилгач, у ерда ишладим. Кейин Киночилар уйида «Ижод» деб номланган музикали театр-студия ташкил қилдим. Студияда Фарҳод Мусажонов билан ҳамкорликда «Во ажабо», «Шум бола», қайта қуради» номли асарларни саҳналаштирдим. Бироқ ҳали бу ердан тузнасибам узилмаган экан, кўриб турганингиздек, театр коллективи талаби билан директор бўлиб қайтиб келдим.

— Театр олдинги обрў-эътиборини тиклаши учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Албатта, театр бундай аҳволга тўсатдан тушиб қолмаган, бу аста-секинлик билан юз берган. Шарт-шароит ёмонлигидан, маош камлигидан кадрлар қўнимсизлиги юзага келган. Бу эса ўз навбатида спектакллар савиясига таъсир кўрсатган.

Аввало, актёрларнинг маошини ошириш, улар яхши ижод қилишлари учун шарт-шароит яратиш керак. Кейин эса репертуарни яхши саҳна асарлари ҳисобига бойитиш хусусида жиддий бош қотириш лозим. Мана, ўтган ғалги бадиий кенгаш йиғилишида ўзаро маслаҳатлашиб тўққизта енгил-елпи асарни репертуаримиздан чиқариб ташладик. Ўйлайманки, коллектив бундан фақат ютади.

Яқинда ҳукумат раҳбарларидан бир гуруҳи келиб, театримизнинг аҳволи билан яқиндан танишиб кетишди. Театрни таъмирлаш, актёрларимизга яхши шарт-шароит яратиш учун ҳукумат томонидан 200 минг сўм ажратилди. Ҳозир таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Ижодий коллективимиз эса бугунги кунда янги саҳна асарлари устида иш олиб бормоқда.

Умуман, олдиндан мақтанишим ноқулай, яхшиси, насиб этса, яна олти ой-бир йилдан сўнг бир учрашсак...

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

ФАРМОН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?

СУВ ТАШИГАН БЕМОРЛАР

Халқимиз азалдан эл-юртга сув келтирган кишиларни улуғлаган. «Сув келтирган элда азиз», «Сувдай сероб бўл» каби ҳикматли ибораларнинг пайдо бўлиши ҳам ана шундан.

Лекин бугунги кунга келиб сув келтирадиган одамларнинг ўзлари қолмади, айни пайтда сув ҳам сероблик рамзи бўлмай қолди. Айниқса, қишлоқ аҳолиси учун сув муаммоси кун сайин кескинлашиб бораётир. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган фармонини қишлоқ кишилари зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Одатда, жумҳуриятимизда ичимлик суви ёки табиий газнинг йўқлиги ҳақида гап кетса кўпинча чекка қишлоқлар тилга олинади. Аслида эса, муаммонинг кўлами кенгроқ, илдизлари чуқур. Масалан, энг «кекса», энг йирик ва аҳолиси кўп район ҳисобланган Жиззахда ҳам одамлар ичимлик сувга ёлчимайдилар. Жиззахнинг шундоққина ёнида жойлашган район маркази Учтепада аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиши ғоят оғир аҳволда. Ёзнинг айни жазирама кунларида бу ерда иккиуч кунлаб сув бўлмай қолиши одамларни жуда ранжитди. Боз устига бу ерда ичимлик сувининг шўрлигини айтмайсизми?

— Учтепада тез-тез сув бўлмай қолиши натижасида мазкур аҳоли пунктининг санитария аҳволи чидаб бўлмас даражага келиб қолаётир, — дейди район марказий касалхонаси бош врачи муовини Равшан Ҳазратқулов. Бу эса юқумли хасталикларнинг кўпайишига олиб келаётир. Сувнинг шўрлиги эса, ўт пуфаги, буйрак, сийдик йўлларида тош йиғилиши каби оғир касалликларни келтириб чиқариши кўпчиликка аён.

Ана шу мўъжаз посёлкада учта йирик даволаш муассасаси жойлашган. Вилоят болалар юқумли касалликлар хастахонаси, район юқумли касалликлар хастахонаси ва район касалхонасида юзлаб беморлар даволанишмоқда. Ичимлик суви муаммоси айниқса, ана шу касалхоналардаги аҳволни оғирлаштираётир.

— Шундай кунлар бўладики, касалхонада умуман сув бўлмай қолади, — дейди куюниб бош врач Пўлат Бобоев. — Беморлар эса шўр сувни истеъмол қилишни истамасдан уйларидан сув келтириб ичишади. Касал кўргани келганлар ўзлари билан ичимлик сув ҳам олиб келишга мажбур бўлишаётир.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Зоминнинг мазали суви қувурлар ёрдамида қўшни Сирдарё вилоятининг кўпгина қўриқ районларига етиб борган. Жиззахнинг довруғи олам ошган тотли суви Арнасой, Октябрь районлари чўлқуварларининг ҳам чанқоғини қондирмоқда. Нега энди Жиззах шаҳридан 10 чақирим масофада жойлашган Учтепа посёлкасига ана шу сувдан олиб бориш мумкин эмас? Агар район раҳбарлари одамлар соғлиғини ўйлашганда аллақачон муаммо ҳал бўлган бўлур эди. Ҳечдан кўра, кеч ҳам маъқул. Зора жумҳуриятимиз президентининг Фармони сабаб бўлиб, ижроқўмдаги масъул ўртоқлар бу муаммога эътиборни қаратсалар.

Ичимлик сувга ташна кишилар фақатгина Учтепа посёлкасидагина яшамайдилар. Кўпгина қишлоқларимизда сув муаммоси кескин бўлиб турибди. «Ўзбекистон» давлат хўжалигининг «Қаҳрамон» қишлоғи шаҳар билан чегарадош. Лекин ана шу қишлоқда ҳам одамлар сув етишмаслигидан озор чекмоқдалар. Қишлоқ кўчаларида челак кўтариб сув ахтариб юрган кишиларни тез-тез учратиш мумкин. Баъзан қишлоқ аҳолисини тракторга тиркалган цистернали тележка ёрдамида сув билан таъминлашга тўғри келади. Лекин эрталабдан кечгача сув ташиса ҳам тракторчи ҳаммани сув билан таъминлай олмайди. Чунки аҳоли кўп, бир-икки челак сув билан ҳаммани сув танқислигидан халос қилиб бўлмайди.

«76 — От заводи» хўжалигининг бир қанча тоғли қишлоқларига умуман водопровод етиб бормаган. Одамлар артезиан сувидан фойдаланадилар. Лекин бу туяни чўмич билан суғоргандай гап. Аҳоли сув масаласида юқори идораларга кўп бор мурожаат қилган. Лекин ҳамон уларни қониқтирадиган даражада чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Хуллас, президентимиз Фармони жиззахликларда умид учқунларини пайдо қилди. Энди ҳамма гап, Фармоннинг ижросига боғлиқ.

Ҳ. ҲОТАМҚУЛОВ

Мавзуга қайтиб

ЯНА НАВОИЙ ЁДГОРЛИГИ ХУСУСИДА

Маълумки, келгуси йилнинг февраль ойида буюк шоир, мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан жумҳуриятимизда мазкур табаррук санани муносиб нишонлаш тараддуди кетмоқда. Лекин бир нарса — Алишер Навоийга ўрнатиладиган ёдгорлик масаласи ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси бу борада махсус кўрик эълон қилиб, бир қатор эътиборга молик таклифларни танлаб олган эди. Таклиф муаллифларидан бири — ёзувчи, Тошкент давлат дорилфунунининг доценти Мухтор Худойқулов газетамизнинг шу йил 23 март сонида босилган «Навоий ёдгорлиги қандай бўлиши керак?» сарлавҳали мақоласида бу борадаги фикр-мулоҳазаларини баён қилгани газетхонлар ёдида бўлса керак. Ёзувчи Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб Тошкентда боғ ва сарой барпо этишни, бунинг учун Навоий кўчасига туташ, Абай, Ўзбекистон 50 йиллиги ва Фурқат кўчалари билан ўралган, ҳозирда хароба, эски уйлар қалашиб ётган чорсигина майдонни танлашни таклиф этган эди.

Афсуски, ёзувчининг таклифлари қоғозда қолиб кетди. Бу ишга алоқадор бўлган бирорта расмий ташкилот газетамизда босилган мазкур мақолага «ҳа» ёки «йўқ» деб ўз муносабатини ҳам билдирмади. Куюнчак ёзувчимизнинг шоҳидлигича у мазкур таклифи хусусида «бормаган идораси, учрашмаган одами» қолмаган. Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси, Тошкент бош меъморчилик бошқармаси, жумҳурият Маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти ва бошқаларга мурожаат этиб, улардан бирорта жўяли жавоб ололмабди. Шаҳар ижроқўмидагилар эса «бунинг учун пулимиз йўқ», дейишибди, холос. Ҳолбуки, Алишер Навоий асарларининг ҳар бир нашридан давлат хазинасига келиб тушадиган маблағ бунақа ёдгорликлардан бир қанчасига етиб-ортиши ҳақиқатдир. Аммо мутасадди идоралар бошқача йўл тутишди ва бу муаммони «ўзларича» ҳал этишди. Тошкент шаҳар ижроқўмининг қарорига биноан Навоий кўчаси ёдгорликка айлантирилади ва Навоий номидаги театр олдига шоир ҳайкали тикланади. Ахир, кўча қанақасига ёдгорликка айлантирилиши мумкину, аллақачон шаклланиб бўлган, торгина театр майдонига шоир ҳайкали қандай жойлашади? Даҳшатлиси шундаки, мазкур буйруқ натижасида шоирлар хиёбонидаги Бобур, Зебуннисо, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, А. С. Пушкин, М. Горький ҳайкаллари кўпориб ташланди.

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон телеграф агентлигининг «Навоий юбилейи яқинлашмоқда» деган хабари тарқатилди. Унда «ёдгорликни бунёд этишга доир бирорта ҳам эътиборга молик лойиҳа таклиф этилмади», дейилади. Бизнингча Мухтор Худойқуловнинг таклифи ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ эди. У меъморий лойиҳа бўлмаса-да, ўрганилса, жамоатчилик билан маслаҳатлашилса ёмон бўлмасди.

Эзгуликнинг кечи йўқ, дейишади. Ўйлаб кўришга ҳали ҳам вақт бор.

БУГУНГИ СОНДА:

К. ЮСУПОВ: Миллий мактаб зарурми?

К. НАЗАРОВ: Алифбо ҳам миллий бўлсин.

2-БЕТ

Н. ЖУМАЕВ: «То тузди Навойи ояти ишқ...»

3-БЕТ

Анна АХМАТОВА ҳақида хотиралар.

4-БЕТ

Муфти Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ: Аввал ўзимизни англайлик.

5-БЕТ

МИЛЛИЙ МАКТАБ ЗАРУРМИ?

ҲАЗРАТ НАВОИЙ «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «Мударрис — дин илмидан аниқ масалаларни билмоғи керак, кўпчиликка дунёвий билимлардан таълим бермоғи лозим; у ярамасликлардан ҳазар қилмоғи ва нопок одамлардан узоқ юрмоғи; ўзини олим ва билармон деб кўрсатмаслиги; турли-туман ахлоққа хилоф ишларни «қилса ҳам бўлади» деб ҳалолни ҳаромга чиқармаслиги; жойиз бўлмаган ишлар билан машғул бўлиб одамларни ёмонликка ўргатмаслиги; қилиш керак бўлган ишларни қилмасликни ҳам одамлар ундан ўрганмаслиги керак», деган фикрни илгари суради.

Бу, албатта, мактабнинг қадим-қадимдан муқаддас даргоҳ, мударрис, муаллим эса ибрат кўрсатувчи, намуна бўлувчи инсон сифатида улуғланганидан далолат беради. Ўтмишда мактаб ва мадрасалар таълим ва тарбия бирлигига асосланган ҳолда ўқувчига маданиятни, одоб-ахлоқ ва меҳр-шафқат каби юксак инсоний фазилатларни сингдирувчи маърифат масканлари сифатида машҳур бўлган. Биз эса инқилобдан кейинги йилларда ташкил топган янги мактабларнинг аҳамиятини атайин бўрттириб кўрсатмоқ учун эски мактабларга бир томонлама ёндашдик. Уларда фақат диний илмлар ўқитилган, деб риёкорлик қилдик. Ахир инқилобгача мавжуд бўлган мактаб ва мадрасаларда диний илмлар билан бирга дунёвий илмлар ҳам ўқитилмаса, буюк алломаларимиз қандай муҳитда етишиб чиққанлар? Инқилобдан аввалги «калтак билан уриб ўқитадиган» мактаблар жаҳон фанига кимларни етказиб бердию, бизнинг мактабларимизда қандай «буюк»лар етишиб чиқди? Нега бугун Улуғбек, Навоий каби жаҳон фани ва маданиятининг ёрқин юлдузлари етишиб чиқмаяпти?

Майли, буларни ҳам қўя турайлик. Ўз ўтмишини, миллий қиёфасини унутган, маърифатдан, маънавий етукликдан йироқ фарзандлар қай заминда униб ўсмоқдалар? Жиноятчилар, фирибгар ўғрилар қаёқдан пайдо бўляпти? Биз етмиш йилдан буён мактаб келган янги мактаблар бераётган юксак маънавий тарбия қаёқда қолди?

Баъзи бировлар нега энди бу гапларни келиб-келиб халқ таълими нозири айтаяпти, ҳозирги мактабларимиз бераётган таълим-тарбияга унинг ўзи биринчи масъул шахс-ку, деб ўйлашлари мумкин. Яшириб нима қилдик, ошкоралик бераётган маънавий ҳуқуқлар бизни ҳам муайян қолиплар асосида шаклланган фикрлардан воз кечишга даъват этаётир. Мен халқ таълими нозири сифатида бугунги мактабларимиз, ўқитиш усулларимиз кириб қолган боши берк кўча ҳақида ошкора фикр юритишдан чўчимайман. Қолаверса, эндиликда, Москва ҳам андозага тушган, сийқаси чиққан усулларга ёпишиб олинглар, деяётгани йўқ. Жумҳуриятларнинг халқ таълими системасини қайта қуришда ҳар бир минтақанинг, ўша ерда истиқомат қилаётган халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилмоқда. Менинг мактабларни миллий заминда қайта қуриш юзасидан ўз шахсий мулоҳазаларимни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» орқали кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этаётганимнинг боиси ҳам шунда. Зеро, мактабларни миллий заминда қайта қуриш масаласи илк бор шу ҳафталик саҳифаларида илгари сурилган эди. Авваллари кенг жамоатчиликнинг фикри халқ маорифи нозирлигининг маъмурий тўсиқларини ошиб ўтолмай, газеталар саҳифаларида қолиб кетарди. Бугун эса бизнинг ўзимиз маслаҳат билан кенг жамоатчиликка мурожаат қилишни лозим топдик. Чунки бу борада чинакамига ҳамкорлик, кенг жамоатчиликнинг мадади зарур. Негаки, миллий мактаб яратиш осон кўчадиган иш эмас.

Хўш, мактабларимизни миллий заминда қайта қуриш нега зарур бўлиб қолди? Бунга бир жиҳатдан ўтмишни фақат дин ботқоғига ботиб қолган зулмат деб талқин этганимиз ва бунинг оқибатида маънавий-ахлоқий тарбияда катта хатоларга йўл қўйганимиз, бугунги авлоднинг маънавий тарбиясидаги нуқсонликлардан ташвишга тушаётганимиз ҳам сабаб бўлмоқда. Иккинчидан эса, таълим-тарбия жараёнларини маъмурий буйруқбозлик асосида ташкил этиш етказган зиёнларни ошкора тан олишнинг вақти етди.

Расул Ҳамзатов, агар сен ўтмишни тўппонча билан отсанг, келажак сени тўп билан отади, дейди. Тўп ўқига рўпара бўлиб қолганимизни эса анча кеч англадик. Биз тўхтовсиз ўққа тутаётган ўтмишдан улкан тафаккур, маънавият нур сочиб турибди. Ислом таълимоти бўйича Қуръондан кейин иккинчи муқаддас манба ҳисобланган ҳадисларда мана нималар дейилган: «Гарчи Хитойда бўлса ҳам, илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир», «Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўза (рамазон ойидан бошқа ойда тутилган)дан афзалдир», «Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир».

Ҳадисларда миллатидан, динидан, кимлигидан қатъи назар кишилар бир-бирларига меҳр-шафқатли, мурувватли бўлмоқлари зарурлиги қайта-қайта таъкидланади: «Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади».

Ўтмишидан аждодларининг урф-одатларидан, миллий маданий анъаналаридан ажраб қолган авлод ота-боболарининг нурли йўлларини давом эттира олмайди, тарихдай холис, аммо шафқатсиз жараёнда қиёфасизлик намунаси бўлиб қолади. Ўзлигини англаган, идрок эта олган кишигина жамият тараққиётига улуш қўшиши, бошқаларга мурувватли бўлиши мумкин. Доно халқимиз айтганидек, ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини на билсин?

Ўз қадрини англашнинг йўли чинакам миллий мактаб яратиш, дедик. Хўш, миллий мактаб қандай бўлиши керак? У нимага асосланиши лозим? Бизнингча, ҳар бир халқнинг ўз миллий мактаби — бир-биридан тили, мазмуни, ўқитиш шакли, усуллари, айрим фанлар ва муайян таълим-тарбия йўллари билан ажралиб туриши керак. Ўзбек миллий мактабининг қиёфаси эса она тилини ўрганиш, уни севиш ва эъзозлаш асосида шаклланиши лозим. Яъни, ўқувчи биринчи синфдан бошлаб то мактабни битиргунча ўзбек тилининг қонун-қоидалари, тарихи, ундан санъаткорона фойдаланиш усуллари ҳақида чуқур билим олиши керак.

ТУРЛИ ДАВРЛАРДА ўзбек тилига турлича муносабатларда бўлингани, гоҳ юқори синфларнинг ўқув планларида пайдо бўлиб, гоҳ олиб ташланиши умумий саводхонлик, савиянинг пасайишига, мактабларимизнинг эса қиёфасиз бўлишига олиб келди. Миллий заминга асосланган мактабларда ўқувчилар она тилини ўргана бориб, ўзбек халқининг турли ижтимоий даврлардаги тарихини, буюк шахсларнинг ибратомуз ҳаёт йўлларини, адабиёт, санъат, маданиятнинг миллий ўзига хосликларини, қўшни ва жаҳон халқлари билан маданий-иқтисодий алоқаларни билишлари лозим. Она юртнинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий бойликлари, конлари, ер, сув, қуёш ва ҳатто шамол қувватидан фойдаланиш имкониятларини ўрганишлари зарур. Шундан кейин уларга бошқа ўлка ҳақидаги билимларни қиёсий ўрганиш имконияти яратилади. Бундай қиёсий ўрганиш бошқа мамлакатлар, ўлкалар, давлатлар, сиёсий тузумлар хусусидаги тушунчаларни чуқурлаштириб, таълим жараёнини мақсадга мувофиқ шакллантиради.

Албатта, миллий мактабда дарс тузилишининг алмисоқдан қолган усулларидан ҳам воз кечилади. Шунинг учун миллий-тарихий ва замонавий усулларни уйғун қўллаш билан бирга бугунги ноёб техника воситаларидан, қардош халқлар, жаҳон халқларининг таълим-тарбия соҳасидаги илғор усулларидан фойдаланиш зарур бўлади. Бусиз тараққиёт бўлмайди.

Мен эски мактабларимизни идеаллаштирмоқчи эмасман. Бугунги мактабларимиздаги каби уларда ҳам муайян камчиликлар бўлган. Аммо улардан мақбул жиҳатларни ўзлаштириш шубҳасиз фойдали. Масалан, уларда қадимдан одоб дарслари ўқитилган ва яхши самара берган. Ҳозир ҳам ўқув дастурига шу дарсни киритиш мақсадга мувофиқдир. Биз нозирлигимизда бу масалани кўриб чиқмоқдамиз.

Ҳозирги ёшларимизда фанга қизиқиш суст. Она тилимизнинг гўзал имкониятларидан тўла баҳраманд бўла билмаслик, бой миллий тарихимиздан хабарсизлик барчамизни ташвишга солаётир. Ёшлар орасида тобора авж олаётган жиноятчилик, бемеҳрлик, маънавий қашшоқлик илдизи жуда чуқур. Мактаб муайян қолиплар асосида билим берган, ёш авлод миллий анъаналардан узилиб қолган мактабдан ҳеч нарса ололмаган. Ота-она эса иш билан банд. Бундай шароитда улғайган ўсмир кўчадаги машмашалар, кинолардаги ғайриахлоқий воқеалар таъсирида шаклланади. Маънавий кўрлик, даҳшатли шафқатсизликнинг келиб чиқиши ана шулар билан боғлиқ. Тарихий осори атиқаларга, моддий маданиятимизга нисбатан нописандлик миллий ахлоқий меъёрларнинг инқирозига олиб келди. Миллий мактаб концепциясини ишлаб чиқишда мазкур анъаналарни қай йўсинда тиклаш масалалари чуқур ўйланиши керак. Энг аввало, мураббий, ўқитувчи шахси, унинг маънавий камолоти ҳақида жон куйдириш зарур бўлади. Маънавий комил кишиларгина зарур фазилатларни шакллантира олади. Миллий тарбия ўз ўрнига тушмас экан, ҳеч қачон байналмилал руҳни шакллантириб бўлмайди. Шу сабабли миллий мактаб яратиш ишида ҳам бор оғирлик ўқитувчи зиммасига тушади. Аммо очиғини айтиш керакки, бу мураккаб ва нозик ишни амалга оширишга муаллимларимиз етарли даражада тайёр эмаслар. Улар қайта тайёрланиши керак.

Ҳозир жумҳуриятда ўқиш фақат турли тилларда олиб бориладиган ягона шаклдаги мактаблар мавжуд. Улар ўзбек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ тилларига рус тилидан таржима (паст савияда) қилинган дарсликлар асосида иш юритади. Ўқитиш усуллари бир қолипга тушган, миллий хусусиятлар мутлақо ҳисобга олинмаган. Ҳатто дарсдан ташқари ва мактабдан ташқари ишлари ҳам Рязану Фарғонада, Туркманистону Тожикистоннинг чекка қишлоғида ҳам бир хил.

Миллийлик ҳақида гап кетса, уни миллатчиликка йўйдиганлар дарров топилади. Аслида, халқ таълимидаги «бир хиллик» касали шу тарзда келиб чиққан. Ҳақиқий ўзбек миллий мактаби қандай бўлиши керак? Бу борада анча-мунча лойиҳалар бор. Уларда Шарқ услубидаги ғаройиб қасрлар барпо қилишдан тортиб, ўқитувчилар сонини икки баробар ошириш, йигит ва қизларни ажратиб ўқитишгача таклиф қилинмоқда. Бу ўринда ҳозирги мавжуд вазиятни ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди. Жумҳуриятимизда аҳоли ҳар йили 700 минг кишига кўпаяди. Ҳозирнинг ўзида олти ёшлиларни ўқувчи ўрни билан тўлиқ таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Бироқ бу қийинчиликлардан қатъи назар, мактабдаги тарбия ишини миллий анъаналар руҳида тубдан ўзгартириш зарур. Мактабни маданий-маърифий марказга айлантириш осон бўлмаса-да, ҳарқалай амалга оширса бўладиган иш.

Миллий мактаб ҳар бир ўқувчининг қалби ва шуурига ўзбек халқи маданий меросининг бутун улуғворлиги ҳамда гўзаллигини олиб кирмоғи лозим. Фақат шугина эмас, у миллий-анъанавий ахлоқ қоидаларини ўқувчи ҳаётининг мазмунига айлантирмоғи керак. Бу эса мактабдаги жуда кўплаб қоида ва мезонларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ўқув дастурлари, ўқитиш усуллари, дарсликлар мазмуни ва бошқа жуда кўп нарсалар ўзгариши керак. Масалан, жисмоний тарбия дарсида болалар ўз миллий ўйинлари билан машғул бўлмоқлари зарур. Ҳар бир миллат, халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи мавжуд. Ҳар бир тил вакили дунёни ўзича кўради. Шундай экан, фақат она тили, адабиёт ва тарихдангина эмас, балки табиий фанлардан ҳам умуминсоният ютуқларига асосланган она тилидаги оригинал дарсликлар яратиш зарур.

МИЛЛИЙ МАКТАБНИНГ ўқув режалари, дастурлари тўлиқ қайта кўрилиши, янгидан яратилмоғи лозим. Жумладан, меҳнат дарслари замонавий ихтисосликлар билан бирга кулолчилик, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, наққошлик, заргарлик, каштачилик каби миллий касб-ҳунарларга асосланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аниқ табиий фанлардан дарсликлар, адабиётлар, ўқув дастурлари Шарқнинг буюк алломалари кашфиётлари, бадиий ҳамда илмий асарлари асосида яратилган бўлиши зарур. Навоий, Беруний, Ал-Хоразмий ва Мирзо Улуғбек каби олиму фозилларнинг асарлари мактабдаёқ кенг ўрганилиши керак.

Миллий мактабда бир қанча янги фанларни ҳам жорий этиш мумкин. Хусусан, ислом тарихи умумий маданиятимизнинг узвий бир қисми. Унда одоб, ахлоқ, тарбия тўғрисида жуда ибратли фикрлар бор. Шунга кўра, «Ислом тарихи» фанини мактаб дастурига киритиш юзасидан нозирлигимиз ҳозирдан иш олиб бормоқда. Она тили ва адабиётини ўқитиш ҳам тубдан ўзгартирилади. Мактаб иш режаларига «Наврўз», «Ҳосил байрами» каби анъанавий байрамларни нишонлаш ҳам киритилади.

«Динлар тарихи ва дунёқарашни шакллантириш асослари», «Шарқ педагогикаси тарихи» олий педагогика ўқув юртларида ҳам ўқитилиши керак. Қисқаси, биз янги миллий мактаб яратиш учун бор имкониятларни сафарбар этамиз. Бу сафарбарлик педагог мутахассисларнинг билим савиясини оширишни, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг дастур ва режаларини тубдан ўзгартиришни шарт қилиб қўяди. Мактабгача болалар муассасаларининг иш режалари ҳам шу асосда қайта кўриб чиқилиши керак.

Ҳозир нозирлигимиз айнан мана шу муаммоларни ҳал этиш юзасидан муайян иш олиб бормоқда. Бироқ масаланинг муҳимлиги, долзарблиги уни жамоатчилик назаридан ўтказишни, кенг муҳокама қилишни, умумий дастурларни биргаликда ишлаб чиқишни тақозо этади. Биз бу борада ёзувчиларимиз, олимларимиз, ўқитувчиларимиз, барча зиёлиларимизнинг фаол кўмагига умид боғлаймиз.

Комил ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими нозири

Тошкент шаҳридаги 22-мактабда араб тилини ўқитиш намунали йўлга қўйилган. Ҳозирда мазкур билим даргоҳида уч мингта яқин ўқувчилар таҳсил кўрмоқдалар.
СУРАТЛАРДА: Ўқитувчи Фарида Мусажонова 11-синф ўқувчилари билан машғулот ўтказмоқда. Ушбу синф ўқувчилари Нодира Саидазимова ва Гулчеҳра Собирова араб тилидаги адабиётларни танламоқдалар.
Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

АЛИФБО ҲАМ МИЛЛИЙ БЎЛСИН

Карим НАЗАРОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири

САВОДХОНЛИК улкан маънавий бойлик. У инсон маънавиятини, қадриятини, қиёфасини белгиловчи омиллардан бири. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ва элат учун энг муҳим ҳаётий зарурат саводхонликдир. Кенг қамровли ва кўп қиррали бу тушунчанинг бир тармоғи халқ таълими, инсон тарбияси ва камолати муаммолари билан бевосита боғланади.

Жумҳурият президенти халқ таълимини қайта қуриш, унинг моддий-маънавий асосини яратиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув-ўқитув усулларини янада ривожлантириш борасида қатор тадбирлар белгилади. Айниқса, мактаб ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, 1—5-синф ўқувчиларини пулсиз овқатлантириш, бошланғич таълим ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақидаги Фармонлар халқ таълими равнақини таъминловчи ҳаётий омиллардан бўлди.

Жумҳуриятимизда Тил ҳақидаги қонуннинг эълон қилинганига ва ўзбек тилига давлат мақоми берилганига бир йилдан ошди. Бу борада кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Бироқ Қонунни амалга ошириш борасида халқ таълими соҳасида анча-мунча ишлар қилинаётганига қарамай, **энг муҳим** бир масала диққатдан ҳамон четда қолмоқда: қонун талаблари асосида тил таълими илмий-методик асосларини янгилаш ва такомиллаштириш соҳасида сусткашлик, лоқайдлик давом этмоқда...

Шу муносабат билан тил қонуни, тил таълимига дахлдор муҳим бир муаммо — ўта жиддий ва ўта долзарб муаммони кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этмоқчимиз. **Қонуннинг асосий талаби** ўзбек тили тараққиёти, барқарорлиги ҳамда унинг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этишни таъминлашдан иборатдир. Бу талаб бошланғич таълим эҳтиёжига, унинг мақсад ва вазифаларига айнан мос тушади: бошланғич таълимда ёзиш, ўқиш ва талаффуз (қироат) кўникмалари ҳосил қилинади; ўқувчилар билим асосларини бошланғич синфлардан эгаллайдилар. Шунинг учун бошланғич таълимга алоҳида эътибор зарур. Бу улкан вазифани адо этишда ёзувнинг (ёзма тилнинг) амалий аҳамияти ниҳоят даражада муҳимдир.

Афсуски, **ҳозирги ўзбек ёзуви, ўзбек тилининг мавжуд алифбо сираси Қонуннинг юқоридаги талабини тўла бажариш имкониятларига эга эмас: тилимизнинг тўмтоқ, нутқимизнинг нўноқ, халқимиз саводхонлик даражасининг паст, бошланғич таълимнинг камсамара бўлишининг бош сабаби, бизнингча, алифбомизнинг мажруҳлигидир. Мавжуд ўзбек алифбоси системасини инқилобий қайта қурмай, сифат ва миқдор жиҳатидан такомиллаштирмай туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.**

Ўзбек алифбосини ташкил этувчи ҳарфларни ижтимоий вазифаси жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) ўзбекча миллий товушни ифода этувчи ҳарфлар: о, а, б, в, г, ғ, д, ж (аждар), (?), з, и, й, к, қ, л, м, н, (?), у, ў, п, р, с, т, ф, х, ҳ, ч, ш;

б) умуман товушни ифодаламайдиган, аммо ўзбек ёзувида «товуш бирикмаси сифатида» қўлланиши расмийлаштирилган (мажбурланган) ҳарфлар: е, ё, ю, я, ъ (айириш белгиси);

в) ўзбек тили ва ўзбек ёзуви учун мутлақо ёт бўлган ҳарфлар: ц, ь (юмшатиш белгиси).

Кўраяпсизки, алифбомизда миллий жиҳат етишмайди, алифбо сирасида эса катта моддий ва ижтимоий-маънавий кемтик бор. Мавжуд алифбо сираси ярқсиз иш усули, қолдиқ принцип асосида тузилган — бўтқалаштирилган. Ҳолбуки, алифбо — миллий тил пойдевори. Миллий маданият, санъат, адабиёт, ёзув, тилнинг товуш ифодаси, талаффузи, грамматик қурилиши, истиқболи, нуфузи, мавқеи, муомала одоби, адабий тил меъёрлари — ҳамма-ҳаммаси биринчи бор алифбо воситасида намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда мавжуд алифбо сираси қонунда кўзда тутилган «ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларини» тўла рўёбга чиқаришдан ожиз.

Тил таълими алифбодан бошланади. Илмий-назарий, амалий-методик жиҳатдан мукаммал ишланган алифбогина тил таълими самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Тил таълими калити ҳисобланмиш «Алифбе» китоби эса миллий алифбо заминида тузилади.

Маълумки, ҳозирги алифбо системасида ўзбек миллий товушини ифодаловчи икки ҳарф — **ж,** ва **н,** етишмайди. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳарфлар «Алифбе»га ҳам киритилмаган. Оқибатда **буларнинг ёзилиши, ўқилиши, талаффузи, сўзда қўлланиш ўринлари ҳақида ўта мавҳум, она тили табиатига зид маълумотлар берилади.** Бундай сохта кўникма эса «она тилни хорижий тил заминида ўқитиш»дек ғайриметодик, антипедагогик принципга асослангандир. Шу тариқа **жийрон — жирафа** каби сўзларнинг талаффузи ва имлоси қориштирилмоқда — бузилмоқда; **тонг, кўнгил** каби сўзлардаги миллий **н,** товуши ҳатто унутилмоқда.

Ж, н, ҳарфларини алифбо сирасига киритиш ҳақидаги баҳс қарийб ўн йиллардан бери давом этади: бироқ натижаси кўринмайди, қандай самара билан тугаши ҳам номаълум.

Мазкур ҳарфларни алифбо сирасига киритиш зарурлиги борасида кўпчилик тилшуносларнинг; педагог-олимларнинг ва ўқитувчиларнинг фикрлари якдил. Бизнингча, бу муаммони адолатли ҳал қилиш учун ишни ушбу ҳарфларни «Алифбе»га киритишдан бошлаш мақбул кўринади. Агар шундай йўл маъқул топилса, биринчидан, **ж, н,** ҳарфлари тил таълими қозонида қайнайди — тажрибадан, синовдан ўтади; иккинчидан, бу соҳадаги баҳс қиёмига етади — ижобий якунланади; учинчидан, алифбони такомиллаштириш учун йўл очилади — Олий Совет Фармони учун замин ҳозирланади. Алифбога икки миллий ҳарфни киритиш учун катта ва узоқ шов-шув кўтариш шарт бўлмаса керак. **Бунинг учун Халқ таълими нозирлигидан фидойилик ва ташаббускорлик талаб этилади, холос.**

ТИЛ ТАЪЛИМИДАГИ иккинчи катта иллат **я, ю, е, ё, ъ** ҳарфларининг ўзбекча сўзларга ҳам татбиқ этилишидадир. Бу ўринда айириш белгисининг (ъ) ўзбекча сўзларда қўлланишини бир қадар маъқуллаш мумкин: апостроф алифбо сирасидан чиқарилиб, унинг ўрнига айириш белгиси киритилган. Аммо бунинг ҳам қўлланишида қатор чалкашликлар, қусурлар мавжуд бўлиб, ўзбек ёзувига путур етаётган ҳолатлар ҳам бор. Бундаги кемтикларни бир зарб (қоида) билан тузатиш мумкин.

Ўзбек тилида ўз ифодаси ва белгилари бўла туриб, хорижий **я, ю, е, ё** ҳарфларини ўзбекча сўзларда ҳам ишлатишни кўр-кўрона жорий қилиш — ўзбек ёзуви учун расмийлаштириш она тили ривожи, тил таълими ва имло учун жиддий тўғаноқ бўлмоқда. Мана бу ҳодисага эътибор беринг: **куй+а-куйа** (феъл туркумидаги сўзга -а қўшимчасини қўшиш орқали от туркумига хос янги сўз ясалган: тил тараққиётининг ички қонунияти). Бу сўзнинг **куя** шаклида ёзилиши эса **ўзбек тилининг ифода усули, товуш таркиби, ясалиш системаси** ва **талаффузининг бузилишига** сабаб бўлган; **уя** (уй+а-уйа), **қиёқ** (қий+оқ-қийоқ) каби юзлаб сўзлар ҳақида юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Энди ўзбек тилида ифодаси бўлмаган **я, ю, е, ё** ҳарфлари бўйича сабоқ чиқаришнинг қанчалик мушкуллигини бир ўйлаб кўринг?! **Я, ю, е, ё** ҳарфларининг бугунги таҳсил усули эса тиши чиқмаган болани қаттиқ нон ейишга ундаш билан баробардир!

Фикримизча, **я, ю, е, ё** ҳарфлари ҳақидаги сабоқни 2-синф «Ўзбек тили» дарслигида бериш мақсадга мувофиқ. Тажриба шуни кўрсатадики, бу ҳарфлар билан 2-синфда, яъни рус тили ўтилгач, таништириш ҳаёт мантиғига мос келади. Чунки, **я, ю, е, ё** ҳарфлари рус графикасига хос бўлиб, уларнинг **олинма сўзларда қўлланиши расмий тус олгандир. Шу йўл билан алифбо сабоғидаги жиддий чалкашликдан қутулиш мумкин.**

Ц ва **ь** (юмшатиш белгиси) ҳарфлари хусусида қуйидаги аччиқ ҳақиқатни айтиш мумкин. **Ц** ва **ь** ҳарфларининг алифбо сирасига киритилиши ва уларнинг ўзбек ёзувида расмийлаштирилиши она тили ифода усули, фонетик қурилиши — талаффузининг бузилишига, алифбо сабоғининг тубан кўчага кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Алифбо сирасидан **Ц** ва **ь** ларнинг чиқарилиши ўзбек тили учун ҳеч қандай қийинчилик келтирмайди, аксинча миллий алифбо софлиги таъминланади.

Юмшатиш белгиси — ь (ўзбекча сўзлар учун мутлақо ортиқча. Мабодо **олинма сўзларда ь** ҳарфини ишлатиш лозим бўлиб қолса, унинг ўрнида айириш белгиси (ъ)дан фойдаланиш мумкин бўлар. Бу ёзув учун ҳам қулай бўлиб, алифбонинг содда ва изчил бўлишига ёрдам беради.

Ц ҳарфи ўзбек алифбосига кўр-кўрона киритилган белгилардан. Унинг ўзбек алифбосида расмийлашувида на илмий-назарий, на амалий-методик асос бор. **Ц** ҳарфининг ўзбек алифбосида ўрнилашувига турғунлик йиллари авж олган олинма сўзлар ўз аслига кўра ёзилади, ўқилади ва айтилади», деган ғайри-илмий ақида кўпроқ сабаб бўлгандир.

Ц ҳарфини қарийб эллик йил муддат ўқитдик. **Цни** ҳатто «Алифбе»га ҳам киритиб, мурғак фарзандларимиз тилини кўп бурадик, нутқини кўп тўғриладик, аммо **ц** нинг талаффузини ўргата олмадик. Бу — табиий! Чунки ўзбек тилида **ц** ни ифодаловчи товуш йўқ! Шунинг учун **цементни семон, церкулни серкул, цитатани — ситата, церковни черков, царни чор** (чор ҳукумати) дейиш ҳамон табиий равишда давом этмоқда. Олинма сўзларнинг қайси тилдан олинишидан қатъи назар, миллий тил талаффуз ва ифода қонуниятларига уйғунлашуви объектив қонуният. **Олинма сўзлар,** аввало, фонетик ва семантик жиҳатдан ўзлаштирилади. Сўнг ўша тил грамматик қуршовига кириб, мазкур тил учун мувофиқ хизмат қилади ва унинг мулкига айланади. «Олинма сўзни аслига мувофиқ ёзиш принципи» олинма олинаётган тилнинг алифбо системаси, ёзув қоидасига нисбатандир; қабулловчи тил эса олинмани ўз товуш табиати, ўз ички имконияти, ўз ифода усули ва воситаси заминида ўзлаштиради: **мелиса** (милиционер), **мелисахона** (милиция), **серк** (цирк), **серкчи** (цирк артисти). Қиёсланг: **чўтка** (шётка) — **чўткаламоқ, чўткаланмоқ, чўткалатмоқ.**

Миллий тилнинг ички қонунияти (имконияти) барча тиллардан ўтган олинмаларнинг қўлланишида ҳисобга олинади: **қўмита, Оврупо, жўғрофийа...** каби.

Икки тилли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **ц** ҳарфи учун 49 та, «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати»да (1962) 31 та, мактаб имло луғатида эса 18 та сўз берилган (1987). Афсуски, буларнинг ичида **ц** билан бошланган биронта ўзбекча сўз йўқ; барчаси «байналмилал сўз» дея, ўз аслига мувофиқ **ц** билан ёзилган, ҳатто таржима қилиниши мумкин бўлганлари ҳам ўзбекчага ўгирилмаган: **цех** (тармоқ, шохобча), **цикл** (туркум), **цоколь** (ҳашам, пойдевор) каби.

Юқоридаги баёнламалар асосида қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Ҳозирги ўзбек алифбоси сирасини **ж, н,** миллий ҳарфлар билан тўлдириш-такомиллаштириш зарур. Ўзбекча товуш ифодасига эга бўлмаган **ц, ь** ҳарфларини эса алифбо сирасидан чиқариш мақбулдир.

2. **Я, ю, е, ё** ҳарфлари сабоғини 1-синфнинг «Алифбе»сидан эмас, 2-синфнинг «Ўзбек тили» дарслигидан бошлаш лозим. Бундай тадбир ҳам ўзбек тили, ҳам ўрис тили таълими самарадорлигини оширишда муҳим методик омил ҳисобланади: ўрис тилини ўрганиш учун амалий қулайлик, методик изчиллик вужудга келади; **я, ю, е, ё** ҳарфларининг моҳияти икки тил билимдонлари — ҳам ўрис тили, ҳам ўзбек тили ўқитувчилари томонидан тушунтирилади. Болада **я, ю, е, ё** ларнинг нима эканлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлади. Бинобарин, бу ҳарфларнинг алифбо сирасида бўлиши хорижий тилларни (ўрис тилини) ўрганишда ёрдамлашади, холос.

3. Бошланғич таълим дарслик ва қўлланмаларида, биринчи навбатда, 1-синфнинг «Алифбе», «Ўқиш китоби», «Ўзбек тили» китобларида **атамалар, исмлар, исм-шарифлар, ота исмлари** ва бошқа сўзларни ўзбек адабий тили ифода усули ва талаффуз меъёрлари заминида баёнлаш керак: **Найима, Нойила, Иброҳим, Акром, Исмоил, Исроил, Элбэк** (Элбек эмас!) **эл, йел** (шамол), **эр, йер** (тупроқ), **Элбуви** (Элбиби эмас), **эм, йэм; от йэм йэмади. Али йэлканни йэлимлади. Рэнат ака ракэта йасади** каби.

КЕЛТИРИЛГАН мисоллар «Алифбе» (1990) китобидан олинди. Фақат **ёзув усули** ўзгартирилди — ўзбекчалаштирилди, холос. Қаранг, ўзбекча ёзиш **ва** ўқиш — савод чиқариш қанчалик осон ва содда! Бунга миллий алифбони мукаммаллаштириш йўли билан эришилади. Алифбо талаби ва қонуниятига кўра, бир товуш учун бир ҳарф олиш зарур; бир товуш учун икки ҳарф белгилаш эса (**э ва е: Элбек каби**) савод чиқаришни қийинлаштиради, шунингдек, миллий тил ифода усули ва талаффуз қонуниятларини бузади!

Алифбонинг юқоридагидек кичик ислоҳи катта-катта афзалликларга, устунликларга эга: биринчидан, демократлашади, бу ўз навбатида, адабий тилнинг, адабий тил имло ва талаффуз меъёрларининг халқчиллашувига олиб келади. Ёзув тарихи ва назариясидан маълумки, адабий тил демократияси алифбодан бошланади; иккинчидан, миллий алифбога асосланувчи таянч имло назарияси яратиш имконияти туғилади: ёзувимиз силлиқлашиб, нутқимиз равонлашади, имло ва талаффузда муштараклик пайдо бўлади, тўғри имло, табиий талаффуз йўллари (принциплари)ни белгилаш учун илмий-назарий, амалий-методик замин ҳозирланади; учинчидан, амалдаги ёзув усули эски ўзбек ёзуви услига мувофиқлашади, дағалликдан фориғ бўлади, ёзувдаги тарихий анъаналар тикланади. Натижада ҳозирги ёзувни эски ўзбек ёзуви билан алмаштириш-алмаштирмаслик муаммосининг ечими осонлашади: алифбо миллий жиҳатдан мукаммаллашгач, эски ўзбек ёзувига ўтиш эҳтиёжи қолмайди.

Агар алифбомиз шу тариқа қайта қурилса, ҳарфлар миқдорида ўзгариш бўлмайди, лекин жиддий сифат ўзгариши бўлиб, мазмун ва мундарижа жиҳатидан такомиллашади — миллийлик жиҳати ортади. Шу йўл билан Тил ҳақидаги қонуннинг асосий талабларини турмушга жорий қилиш, тил таълими методи ва усулларини, бинобарин, она тилини ўқитишни миллий заминда қайта қуриш, миллий заминдаги мактаб яратиш учун дадил амалий қадам қўйилади. Бу талаб ва таклифлар халқ тақдири, келажак авлод камолатини кўзлаб қилинмоқда. Бизнингча, бу Қонунни ҳаётга олиб киришнинг энг мақбул йўлидир.

Абдуолим ИНОҚОВ

ОНА ТИЛИМ

Она тилим, оқ сут билан,
Сингигансан сен қонимга.
Сен зарурсан ҳаётимнинг
Ҳар дақиқа, ҳар онига.
Лек ўкинма илтимосим,
Баъзи ғайри кимсалар —
Ўз тилида сўзлашмоқни
Ўзга ор билсалар.
Ҳатто севган қизига ҳам
Ўзга тилда «куйди» у,
Сўнг йўргакда чақалоғин
Ўзга тилда суйди у.
Қўй ўкинма, булар бари
Ўкинчингга арзимас.
Дерлар: дарё тиниқ оқар —
Қирғоқларда қолар хас.
Орамизда бундай хаслар
Бордир ҳали оз эмас.
«Чала миллат» десанг уни
«Но» дерлару, ғам емас.

«Чалалар» бор, ўзга тилнинг —
Соясига сиғингай.
Шуҳрат учун ўша тилнинг
Ғоясига сиғингай.
Менку бундай билимни ҳеч,
Севмаганман — бу қасам!
Мақсадим шу — ҳеч бир тилнинг
Шаънига доғ солмасам.
Ердаманку ҳозир, агар —
Сайёралар кезсам ҳам
Ўз тилимда мағрур куйлаб
Ўз элимга қайтаман!
Туғилган жой — менга Ватан!
Она тилим — жонимдир!
Тил ва юртдан айрилсам гар —
Шу кун ўлган онимдир.

«ТО ТУЗДИ НАВОЙИ ОЯТИ ИШҚ...»

Нусратулло ЖУМАЕВ

ҚАЙТА ҚУРИШ сиёсатининг тенглик ва ошкоралик ақидалари маданий меросни, шу жумладан, Алишер Навойи ижодиётини қайта ўрганиш, қайта баҳолаш имкониятларини очиб берди. Бу жанговар давр улуғ мутафаккир таваллудининг 550 йиллигига тўғри келгани яралган имкониятдан оқилона фойдаланишни, муҳим илмий-амалий ишлар қилишни тақозо этади. Навойи ижодини ўрганишдаги асосий мақсадлардан бири — асарларини тўғри тушуниш, аслиятига яқинлашиб бориш эди. Аммо биз, баъзи ҳолларда, шоир асарлари моҳиятини сунъий ижтимоийлаштириш, замонавий ақидаларимизга мослаб бирёқлама талқин этиш йўлига кириб қолиб, аслиятдан анча узоқлашиб кетдик. Навойи ижодиётини янгича назар билан ўрганиш ва қайта баҳолашга шоирнинг дунёқарашини, бадиий дунёсининг фалсафий асосларини, ислом эътиқодига муносабатини тўғри, холисона ёритишдан асарлари номини, тахаллусини аслидагидек, тўғри ёзишгача бўлган улкан ҳамда мўъжаз муаммолар киради. Аввало, адабиётимизнинг энг йирик сиймоси тахаллусини аслидагидек тўғри ёзишни ўйлаб кўриб, қатъий илмий тўхтамга келишимиз керак.

Низомиддин Алишер тахаллусининг, аслида, «Навоий» эмас — «Навойи» ёзилиши тўғрисидаги муаммо энди кўтарилаётгани йўқ. Бу — исбот талаб қилмайдиган аён ҳақиқатлардан бири. «Навойи» ёзилиши тўғрилиги — жамоатчилик орасида, матбуот саҳифаларида ва айрим манбаларда тан олинган, ошкора эътироф этилган ҳақиқат. Масалан, профессор Ҳамид Сулаймон 1977 йили «Адабий мерос»нинг тўққизинчи сонидаги «Алишер Навойи номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида» мақоласида масалага манбашунос сифатида ёндашиб, тўғри ҳал этган эди.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Мерос ва ихлос» китобидаги «Текстологик хато — бош хато!» сарлавҳали мақоласида муаммога ижобий муносабат билдиради: «Навоий» тахаллуси ҳам аслида «Навойи» деб ёзилиши ва ўқилиши керак. Чунки улуғ шоир тахаллуси қўлёзмаларда шу хилда ёзилган. Масалан, Ҳусайний «Ғам ема, маҳзун кўнгулким, дилрабойинг келгуси» деб бошланган ғазалида шоир номини «ишратфизойинг», «ҳумойинг», «раҳнамойинг», «ойинг» каби сўзларга қофия қилади:

Эй Ҳусайний, қилмағил ишрат навосиникм, букун
Ким, гулистони нишотингга Навойинг келгуси.

«Навоий» деб ёзиш шоир шеърларини вазн нуқтаи назаридан тўғри ўқишни ҳам қийинлаштиради. Мазкур шеърни ҳам шоир тахаллусини «Навоийинг» деб ўқиш мумкин эмас». Бироқ, кейинги жумлалар муаммонинг натижасиз қолишига мойил: «Тўғри, баъзан сўзлар ва иборалар «ғалати машҳур» деган қоидага биноан умумий қоидадан истисно сифатида ёзилиши мумкин. Шу жумладан, Навоий тахаллуси ҳам «Навойи» деб ўқилса-да, ёзувда «Навоий» шаклида ёзилиши мумкин».

Шу қуйи тахаллуснинг тўғри талқинини амалга оширишга, йиллар мобайнида шаклланган «Навоий» деб ёзиш анъанасидан воз кечишга на навойишуносларда, на матбуот идоралари ва жамоатчиликда журъат етмаяпти. Афтидан, ғайриилмий анъананинг мустаҳкам ўрнашгани, халқ «Навоий» атамасига жуда кўникиб кетгани аён ҳақиқатни исботлашни талаб қилаётганга ўхшайди. Анъанага садоқат ва уни бузиш ўринли-ўринсизлиги масаласида шуни айтиш керакки, минг йиллик тўғри ва муқаддас анъана олдида классикларимиз тахаллусларини «ий»лаштириб ёзиш анъанасининг умри қисқа. Аслида, қадимий анъана ноўрин бузилган. Шунинг учун бугунги омонат анъанадан воз кечиб, ота-боболаримиз анъанасини тикласак, хатони тузатган бўламиз, холос.

Низомиддин Алишер тахаллусининг «Навоий» шаклини инкор этиб, «Навойи» деб ёзишимизга қуйидагича асослар бор:

Адабий тахаллус халқнинг миллий, маданий, лисоний бойлиги ҳисобланади ва унинг қисмати ҳуқуқий жиҳатдан ўша халқнинг Давлат тили тўғрисидаги қонуни ихтиёри ҳамда муҳофазасидадир. «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» қонунининг 24-, 25-моддаларига биноан, тарихий исмлар, маданий обидалар, асарлар номлари, адабий тахаллуслар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, миллий-тарихий анъаналарига мувофиқлаштириб, аслидагидек, ёзилади. Бу қонун, бевосита, Навойи ва бошқа классик адибларимиз тахаллусларига ҳам тегишли.

ЎЗБЕК КЛАССИК ёзувида тахаллус «Навойи» тарзида ёзилади «ҳамза» билан ёзилиши айрим ҳолларда гина учрайди. «Ҳамза» белгисидан «Навойи» ёзилгани англашилмайди. «Наво» сўзи унли билан тугаллангани учун, «ё»-йи нисбат» олдидан яна бир «ё» орттирилган ва ёзувда иккита «ё» ёнма-ён тушиб қолган. Имло қоидасига мувофиқ, шу икки «ё»дан бири «ҳамза» орқали қисқартириб ифодаланган. Профессор Алибек Рустамов тахаллуснинг тамоман янги бир шаклини тавсия этадилар. Эҳтимол, бу фикрни назарий жиҳатдан асослаш мумкиндир. Лекин амалда бирор қўлёзма манбада тахаллус қўшимчасининг сукун ва зер билан ёзилган шаклини учратмадик. Агар асли «Навойий» бўлиб, қўшимча сукун ва зер билан ифодаланганда, бирор манбада котиб бу муҳим муаммога ишора қилиши керак эди. Тарихий қўлёзма ва босма манбаларда «Навойи» шакли қўлланиб келган. Аслиятга энг яқин манбалар — шоирнинг ўз дастхати, деб тан олинган қўлёзма девонда ва унинг «Илк девон»ида ҳам тахаллус «Навойи» тарзида қўлланган.

Шоир тахаллусининг «Навоий» шакли ўзбек тилининг талаффуз қоидалари талабларига тўғри келмайди. Ўзбек тили талаффузи табиатига «Навоий»даги сингари икки унли ёнма-ён келиши [ои] хос эмас. Тахаллуснинг «Навоий» шакли — сунъий ва китобий. Шунинг учун ҳам, шоир тахаллусини китобдан ўзлаштирган ўқимишли кишилар уни «Навойи» тарзида бемалол талаффуз қиладилар. Китобга суянмаган оддий халқ вакилларининг эса бундай талаффузга тиллари қовушмайди. Табиий равишда улуғ шоирни «Навойи» деб атайдилар ва бунинг учун биз баъзан уларни саводсизликда айблашдек жоҳилликка борамиз.

Туркий тилда сўзлашувчи иттифоқдош халқлар ва бошқа эллар, жумладан, тожиклар, шоир таваллуд топган тупроқда истиқомат қилувчи Афғонистон ўзбеклари, афғонлар ҳам Низомиддин Алишерни «Навойи» деб улуғлайдилар. Бобокалонимиз Навойи тахаллусини айтиш ва ёзишда биз — унинг ворислари — ҳозир наинки туркийлар, балки бутун дунёга қарши мавқеда турибмиз.

Тахаллуснинг «Навойи» имлосини шоир асарларининг бадиияти қонунлари, жумладан, вазн тақозо этади. Масалан, «Навоий» деб ёзиш тажрибаси баъзи ҳолларда асарлар вазни бузилиб кетишига сабаб бўлган:

Дедим: «Эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди:
«Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай».

Ушбу байт «Бадойиъ ул-васат» девонидаги 616-ғазалнинг мақтаъи бўлиб, ғазал «Ражази мусаммани матвийи маҳбун» вазнида битилган. Мазкур вазннинг оҳанг тасвири қуйидагича бўлади:

Муфтаилўн мафоилўн муфтаилўн мафоилўн
— VV — V — V — — VV — V — V —

Бундай оҳанг байтдаги тахаллус қисқа — узун — узун эмас, балки, қисқа — узун— қисқа бўғинлардан иборат бўлишини — Навойи ёзилишини тақозо этади. Вазн талабига риоя этсак, матннинг нуқсонсиз кўриниши мана бу ҳолатга келади:

Дедим: «Эрур Навойи ўз дардиға чорасиз», деди:
— VV — V — V — — VV — V — V —
«Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай».

Бунда оҳанг тўсиқдан фориғ бўлган сувдай ўйноқлаб оқади, ғазалхон ҳам мисранинг бирор жойида қадалиб қолмайди. Тахаллус ўзининг табиий оҳанги ва имлосига муяссар бўлади.

Қофия қонуниятлари ҳам тахаллуснинг «Навойи» шаклида ёзилишини тақозо қилади. Бироқ, бахтга қарши, «Хазойин ул-маоний»даги 2600 ғазалнинг бирортаси мақтаъида Навойи ўз тахаллусини қофия ўрнида қўллаганини учратмадик. Аммо шоирнинг бошқа асарлари, жумладан, «Бадойиъ ул-бидоя» девони дебочасида ёрқин далилга дуч келдик.

Вафо бўстонининг достонсаройи,
Маломат булбули, яъни Навойи.

Камтарона айтилган бу фахрияда «саройи»га «Навойи» қофия қилинган.

Навойи ғазалларида қофия ўрнида қўлланган бошқа тахаллуслар борки, бу ҳам масалани равшанлаштиришга хизмат қила олади. Бундай мисолларга мурожаат этар эканмиз, сўзаро, туғилиши муқаррар бўлган мана бундай саволга ҳам жавоб юзага чиқиши табиий: «Тахаллусининг ўзаги унли товуш билан тугалланган шоирларимизни Навойи, Гадойи, Атойи тарзида ёзишни қонунлаштиришимиз мумкин, бироқ ўзаги ундош товуш билан якунланган тахаллусли адибларимиз — Кошғарий, Югнакий, Рабғузий, Хоразмий, Лутфий, Гулханий, Увайсий, Огаҳий... ни қандай ёзамиз?» Ҳақли савол, чунки бу борада номувофиқлик, ҳар хиллик келиб чиқмаслиги керак, Негаки, аслиятда — классик ўзбек ёзувида унли билан тугалланган тахаллуслар ҳам, ундош билан тугалланган тахаллуслар ҳам, бир хилда — йо ҳарфи билан якунланган. Демак, тахаллуслар имлосидаги чалкашликлар ҳам араб алифбосидан воз кечиб, аввал лотин, кейинчалик жорий (кириллица) алифбога ўтганимиз тарихига бориб тақалади. Биргина тахаллуслар имлоси муаммоси ҳам минг йиллик маданий мерос аслиятини тиклаш ва ундан тўғри, тўлиқ баҳраманд бўлиш учун классик ўзбек ёзувини сақлаб қолишимизни тақозо этади. Тожик халқи ҳозирги имлосида ҳам классиклари тахаллусларини тўғри акс эттиришга имкон топган. Уларда тахаллус қўшимчалари биргина «й» ҳарфи орқали бир хилда ифодаланади. Биз ҳам классик ўзбек ёзувига қайтмаганимиз тақдирда, тахаллусларнинг тўғри имлосига йўл топишимиз зарур.

ҚОФИЯ САНЪАТИ ва тахаллус имлосига оид мисолларга ўтайлик. «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг 650- ғазали мақтаъи:

Демангиз булбул Навойини, самандардекки бор,
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий.

Бу ғазал нашрларида тахаллус анъанага кўра «-ий» қўшимчаси билан ёзилган ва анъанага садоқат йўлида қофия бадиияти қурбон қилинган. Яъни, қофия системаси бузилган. Матлаъдаги «партави», «пайрави» қофияларидан ташқари, барча байтлардаги қофиялар «Хусравий»га мослаб «мунзавий», «монавий», «қавий», «маънавий», «мавлавий» тарзида ўзгартирилган. Асли, буларнинг ҳаммаси, жанрнинг кейинги байтлар матлаъга мувофиқ қофияланиши қоидаси ҳамда классик ўзбек ёзувидаги шаклига кўра, «и» ҳарфи билан тугалланиши керак эди.

Бир девоннинг нашрида икки хил йўл тутилган. «Наводир уш-шабоб»нинг 650-ғазалида тахаллус аслидагидек тўғри ёзилган:

Бу важҳ бирлаки, Соҳибқирон дебон лақабин
Атоди хусрави Соҳибқирон Абулғози.
Янаки, нукт илаву руҳ ила етурди анга
Фуюз орифи Жомию ринди Шерози.

Агар бу ўринда ҳам тахаллуслар «Абулғозий», «Шерозий» тарзида ёзилганида эди, бу «пардози», «эъжози», «дамсози», «парвози», «андози», «оғози», «рози» «сози» каби қофия унсурларига тўғри келмас ва ғазал бадииятига футур етарди.

Шу девоннинг 584- ғазали мақтаъида ўзгача ҳол:

Навоий назм аро тийғи забонин уйла сурдиким,
Пичоқ топмас уятдин ўзин ўлтурмакка Саккокий.

Бунда қофия бадиияти қонунларига зид иш тутилган. «Боки», «чоки», «кўлоки», «хошоки», «фитроки», «ғамноки» «идроки», «афлоки», «токи» қофияларига ҳамоҳанг тарзда тахаллус «Саккоки» ёзилиши лозим эди.

«Бадойиъ ул-васат» девонидаги 650-ғазал мақтаъи:

Навоий фарду беҳуш ўлғонин деманг қачондиндур,
Ҳамондиниким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий.

Бу ерда ҳам тахаллус анъанага кўра ёзилгани учун ғазалнинг қофия тартиби бузилган. «Доми», «роми», «гуландоми», «шоми», «пайғоми», «ошоми», «эҳроми», «гоми», «исломи» қофия унсурларига «Жомий» қофия қилинган. Бундай ҳолда, қофия бадииятини сақлаб қолиб, тахаллус «Жоми» тарзида ёзилса, асар ҳам, китобхон ҳам зарар кўрмайди.

Энг муҳими, адибнинг ўзи «Навойи» сўзини қўллар экан, ундан фақат тахаллусини билдириш учун фойдаланмайди, унга бадиий матн мазмунига мос маъно юклайди. Адабий тахаллус замирида, албатта, кўламли бадиий муддаолар ётадики, бу етакчи асосни муфассал таҳлил этиш имконияти кенг.

Навойи назмда тахаллус воситасида аксари ҳолларда тажнис яратади. Байтларда, кўпинча, шоир «наво» сўзини бир неча марта қўллаш орқали сўз ўйини қилади. Сўз ўйини жараёнида «наво» сўзлари тахаллус билан бевосита мантиқий, маънавий алоқага киришади. Тахаллус таркибидаги «наво» сўзига тахаллуслик хизматидан кўра масъулиятлироқ бадиий вазифа юкланади. «Навойи»ни «Навоий» ёзсак, сўз ана шу масъул вазифасини бажаролмай қолади, бадиий сўзнинг кўпмаънолилигига футур етади. «Навойи» калимасини фақат тахаллус хизматини ўташга мажбур этамиз, ҳаракат доирасини чеклаймиз, асардаги бошқа сўзлар билан мантиқий, маънавий, шаклий алоқаларини узиб қўямиз. Биргина «Ғаройиб ус-сиғар» девонида «Навойи» тахаллусининг тажнисга, сўз ўйинига асос бўлган кўпмаъноли қўлланишига доир йигирмадан ортиқ байт учрайди. Мақсадга мувофиқ равишда, уларнинг баъзиларини шарҳлаб ўтиш жоиз кўринади.

Кўрмасам қошинг, бўлурмен турғоним бирла фиғон,
«Войи» эрур бас, чу бўлмаса «Навойи» бирла «нун».

Ушбу байт шоирнинг ўзи тахаллусини «Навоий» эмас — «Навойи» деб юритганидан гувоҳлик берувчи энг муҳим далиллардандир. Шоир мақтаънинг биринчи мисрасида «Маҳбубанинг қошини кўрмасам, турган-битганим фиғонга айланади» лайди, чиройли асослайди. Равшанки, «Навойи» тахаллуси сўз ва ҳарф ўйини яратиш орқали шу ҳолатни бадиий шарҳлайди, чиройли асослайди. Равшанки, «Навойи» тахаллуси «нун» ҳарфи билан бошланади. «Нун» ҳарфи эса классик бадиниятда маҳбуба қошининг тимсолига айланган. Мазкур байтда маҳбуба қошини кўрмаслик — унинг висолига муяссар бўлмасликни ифодалаб турибди. Лирик қаҳрамоннинг маҳбуба қоши васлисиз ҳолати «нун»идан ажралган «Навойи» билан баробар. «Навойи» «нун»идан жудо бўлганида эса, унинг фақат «войи» қолади, яъни, лирик қаҳрамоннинг аҳволи «вой» бўлади. Энди тахаллусни «Навоий» шаклида ёзиб, байтни таҳлил этиб кўринг-чи, шоир кўзлаган маъно чиқармикан? Асло чиқмайди! Демак, тахаллуснинг «Навоий» ёзилиши хато. Байт бадиияти, ундаги шоирнинг ўз имзоси эътирофи тахаллуснинг «Навойи» ёзилишини талаб қилади.

То тузди Навойи ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

Бу ўринда ҳам тахаллуснинг «Навоий» ёзилиши вазн мезонини бузган. Ғазал «Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур» вазнида битилган:

Мафъўлў мафоилўн мафоил
— — V V — V — V —

КЎРИНИБ ТУРИБДИКИ, тахаллус иккинчи рукнга, «-йи» қўшимчаси эса қисқа бўғинга тўғри келади. Демак, шаклан тахаллуснинг «Навойи» ёзилиши қонуний. Энди масалага мазмун жиҳатидан ёндашайлик. Агар биринчи мисрадаги тахаллусни «Навоий» ёзсак, унинг иккинчи мисрадаги «наво» сўзи билан лафзий алоқадорлиги сақланади, лекин маънавий-мантиқий алоқадорлиги барҳам топади. Биринчи мисрада «Навойи» икки вазифани бажариб турибди, аввало, шоирнинг тахаллусини, иккинчидан, «ишқ оятининг оҳанги» маъносини англатаётир. «Наво»дан кейин нисбий сифат ясовчи «-йи» қўшимчаси ёзилса, шу иккинчи маъно чиқмай қолади. Мазкур маъно чиқиши учун фақат изофа талаб қилинади. Изофа эса, «Наво» сўзи унли товуш билан тугагани учун, унга «-йи» тарзида қўшилади, тахаллус «Навойи» кўринишини олади. Агар тахаллус «Навоий» ёзилса, байтдан тугал мазмун ва унинг тасаввури англашилиши учун нимадир етмайди, нимадир ўз ўрнида эмасдек туюлади. Бу тахаллусдаги «оҳанг», маъносининг бой берилгани, тахаллус ва иккинчи мисрадаги «наво» сўзи орасидаги алоқанинг узилиши оқибати. Тахаллусни «Навойи» ёзишимиз билан, ҳамма нарса жой-жойига тушади ва асл мазмун юзага чиқади. Ушбу фахрия байтдан англаб оламизки, Навойи ўзининг ишқий қисмати, маслаги, муҳаббат тарихи ва лирикаси билан ишқ эътиқодининг шундай бир нодир оятини яратди ҳамда бу оятнинг соҳир, ибратли, умумбашарий оҳангини кашф этдики, у жамики ишқи бор инсониятнинг эътиқодига, нашидаси (гимни)га айланди. Навойи тузган ишқ ояти оҳанги ишқ аҳлини ҳаракатлантирувчи, руҳлантирувчи, ҳаёт тарзини белгиловчи кучга эврилди. Буни Навойи назмини мутолаа этган ҳар бир қалб аниқ ҳис қилиши мумкин.

Навойи сури мотам бўлдиким, бор
Суруди айши афғон бирла мамзуж.

Бу байтда ҳам «-йи» қўшимчаси изофа вазифасини бажариб келган, «Навойи» сўзи, тахаллуслик вазифаси билан бирга, байт мазмунига мувофиқ наво, оҳанг, садо маъноларини ифодалайди. Тахаллуснинг «суруд» сўзи билан бақамти келиши улар орасида мустаҳкам бадиий занжир борлигидан далолат. Мана шуларнинг бари ҳисобга олиниб, тахаллус тўғри ёзилсагина, байтдан бундай мазмун англашилади: «Тўй ва мотам куйлари бир йўла чалиндиким (яъни, тўй билан аза бир бўлди), бу хурсандлик ва қайғу қўшиқлари қоришиб кетган ҳолатга ўхшарди».

Тахаллусга асос бўлган «наво» сўзининг бирламчи маънолари «оҳанг», «куй», «қўшиқ», «садо»лардан иборатки, унинг бадиий имкониятлари кўпроқ чолғувчи ва соз билан боғлиқ байтларда акс этган.

Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлиға тонг йўққим.
Навойи риштайи жонин эшиб чангига тор этмиш.

Лирик қаҳрамоннинг жон ришталаридан жонбахш наволар таралади. У жон риштаси наволаридан эшиб созанда чалаётган чангнинг торларига улаган. Демак, шунинг учун муғанний яратаётган оҳанг базм аҳлига жон бағишласа, ажабланмаслик керак.

Агар чолғучи сози «Навойи риштайи жони» билан йўғрилмаса ундан озиқланиб турмаса-чи? Унда, тирилишга тескари ҳодиса юз беради, бамисоли жон узилади:

Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилғасен, эй ишқ,
Навойи риштайи жонин муғанний удининг тори.

Ҳалокат юз бермаслиги учун, лирик қаҳрамон қудратли ишқдан «муғанний удининг тори»ни «Навойи риштайи жони»дан бунёд этишини илтижо қиляпти. Асосий мақсаддан чекиниб бўлса ҳам, қайд этиш керакки, бу фахриялар Навойи санъат оламига нақадар яқин малакали созанда ва зукко санъатшунос бўлганлигининг далили ҳамдир.

Муғанний, бир навое туз, Навойи нағмае кўргуз,
Аёқчи, томса тут тўққузни, доройи жаҳон келди.

Навойи асарлари луғатларида «нағма» сўзи — куй, Навойи замонасида чалинган куйлардан бирининг номи тарзида изоҳланган. Бунда шоир созандадан Нағма навосини чалишни сўраётган бўлади. Аммо, назаримизда, нағма сўзи, айниқса шу ўринда, ҳазиломуз, шўх, юмористик куй маъноларига ҳам эга. «Нағма» сўзига «ўйин» ва «томоша» маънолари ҳам дахлдор. Шоир бу байтда чолғувчидан ҳазиломуз, шўх бир куй чалишни сўраётир. Агар тахаллус «Навоий» ёзилса, тахаллус ва нағма сўзлари ўртасида изофа қўлланмаса, лирик қаҳрамон чолғувчидан бир куй, Навойидан яна бир куй чалишни сўрагандай бўлиб чиқадики, бу бадиий мантиққа тўғри келмайди.

Камдан-кам ҳолларда бўлса ҳам, бадиий мазмунга мутаносиб, шартли равишда, Навойи тахаллуси «Навое» шаклида ёзилади. Бунда «наво» сўзидан кейинги қўшимча изофа вазифасини эмас, **«ё»-йи ваҳдат ва «ё»-йи накаре»** — бирлик ва ноаниқлик **«ё»-йи** вазифасини бажаради ҳамда **«е»** ёзилади. Тахаллуснинг классик ўзбек ёзувидаги шаклида мутлақо ўзгариш бўлмайди.

Баски, Навое айлади дард сурудида наво,
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси.

Бу байтда «Навое» сўзи тахаллусликдан ташқари, «шундай бир куй» маъносини ифодалаган. Бу — байтдан қуйидагича яхлит маъно чиқишини таъминлаган: «Навойи дардангез оҳангда шундай бир дардли, мунгли куй чалди, яъни шундай бир ғамгин руҳдаги назм яратдики, унинг теграсида бутун дард аҳли тўпланди, яъни Навойининг дардкаш назмига дард аҳли акс-садо бера бошлади. Ўзаро дардлашаётганлар мажлисининг мунгли навоси айш-ишратда, шод-хурсанд кун кечираётганларни ҳам йиғлатиб юборди».

«Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ», деб ёзишдан тайинли бир мазмун чиқмайди. Чунки бу сатрдаги икки **«ё»-йи ваҳдат...»** ўз ўрнида ёзилмаган, бир қўшма сўз ажратиб ёзилган. «Е» лардан бирининг ўрни тахаллусда. Матн аслияти мана бундай ёзилиши лозим:

Йўқ Навое бедилороме ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг, дилороминга айт.

«Ғам ичра» қолган лирик қаҳрамон ғазал ихлосманди билан дардлашяпти. У айтяптики, «Инсон қайғу-алам қуршовида қолганида, дилоромсиз, яъни дилга яқин, дўстсиз бирор-бир наво — ҳаётдан бирор-бир баҳра, умид, илинж, роҳат-фароғат, таскин-тасалли тополмайди. Бедилором киши — бенаво. Агар бирор тасодиф билан дилоромимни кўриб қолсанг, уни, албатта, ушбу ҳолимдан хабардор эт». Демак, бундай далиллар ҳам Навойи тахаллусини аслига тўғри ёзишимизни талаб қилади.

ЮҚОРИДАГИ СИНГАРИ далилларни кўплаб келтириб таҳлил этиш мумкин. Лекин исбот талаб қилмайдиган фикрни асослаш учун шу далиллар етарли деб, сўзни мухтасар этдик. Эҳтимол, илгари сурилган фикрни тил илми, фалсафий, тарихий нуқтаи назардан янада кенгроқ асослаш имкони бордир. Умидвормизки, мазкур муаммо юзасидан жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навойи таваллудининг 550 йиллик тўйи тадориги кўрилаётган айни замонда жуда кўп қутлуғ ишлар режалаштирилган, нашриётларда кўплаб китоблар олам юзини кўришга муштоқ турибди. Бу ишларнинг амалга ошиши Навойи ва унинг ижодини инкишоф этишда алоҳида, янги босқич бўлади, албатта. Ниятимиз шуки, шояд мана шу босқичда юзага чиқадиган барча ишларда севимли шоиримизнинг муборак тахаллуслари аслича — «Навойи» тарзида муҳр этилса.

ИЗОҲ: ҳафталикнинг техник имкониятлари кўтармагани туфайли араб имлосидаги ёзувлар изоҳ тарзида берилмоқда:

نوا - "наво","Навойи" тахаллусининг ўзаги

يي - "йи",тахаллус қўшимчаси

نوايي - "Навойи",тахаллуснинг асл ва тўғри шакли

نوائي - "Навойи",тахаллуснинг "ҳамза" билан ёзилган шакли

يِيْ - "йий",тахаллус қўшимчасининг А.Рустамов тавсиясидаги кўриниши

ی - тахаллус қўшимчасида ёнма-ён келувчи "йо" ҳарфи

ҚЎҚОНДА МУҚИМИЙХОНЛИК КУНЛАРИ

МУҚИМИЙ ТАВАЛЛУДИГА 140 ЙИЛ ТЎЛДИ

«1943 йили, Улуғ Ватан муҳорабасининг оғир ва суронли кунларида Ўзкомпартия Марказқўмининг биринчи котиби Усмон Юсупов бошчилигида Муқимий вафотининг 40 йиллиги нишонланган эди. Ундан кейин 1953 йилда шоир вафотининг 50 йиллиги нишонланди. Адашмасам, Муқимий юбилейларининг охиргиси шу бўлди. Шундан кейин, салкам 40 йил мобайнида биз Муқимийни қайтиб йўқламадик». Бундан бир оз муддат бурун ўзбек демократик адабиётининг улуғ намояндаси Муҳаммадаминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти ҳамда шоир номи билан аталмиш Қўқон дорилмуаллимини ҳамкорлигида ташкил қилинган илмий-назарий анжуманда профессор Абдуқодир Ҳайитметов маърузасини шу сўзлар билан бошлади.

Назаримда, профессор А. Ҳайитметовнинг ҳақли эътирофи, бир томондан, анжуман руҳини белгилаб берган бўлса, иккинчидан, муқимийшунослигимизнинг бугунги кундаги аҳволини яққол кўрсатди.

— Тошкентдаги мусиқали драма ва комедия театрига Муқимий номи берилганига яқинда 50 йил тўлди, — деди яна олим. — Бироқ шу пайтгача театр биноси олдида шоирнинг ҳатто кичикроқ бир нимҳайкали (бюсти) ҳам йўқ. Бу аҳвол аслида бизнинг биргина Муқимийга эмас, балки умуман ўзбек классик адабиётига муносабатимиз қандайлигини ҳам кўрсатади. Тан олиш керакки, ҳозиргача ўзбек классик адабиётини қанчалик камситиб, ундан фақат сиёсий мақсадларимизга хизмат қиладиган сатрларнигина ахтариб ўрганган бўлсак, Муқимий ижодидан ҳам асосан ана шу хусусиятларни изладик. Унинг демократлигини ҳажвий асарларидагина кўрдик. Демак, биз Яссавий ва Бобур олдида, ижоди деярли ўрганилмаган ўзга ижодкорлар олдида қанчалик қарздор бўлсак, Муқимий олдида ҳам деярли шунчалик қарздормиз.

— Муқимий — Қўқон адабий муҳитининг вакили. Шундай экан, унинг ижодий камолотини ана шу адабий муҳитдан айри ҳолда тадқиқ этиш мумкин эмас, — деди Муқимий ижодининг синчков тадқиқотчиси, профессор Абдурашид Абдуғафуров. — Инчунин, муқимийшуносликнинг бугунги кундаги долзарб муаммоларидан бири Муқимий ва Амирий ҳамда унинг саройидаги шоирлар, айниқса ўша даврнинг улкан шоири Муҳйига муносабатларини қайта тадқиқ этишдир. Муқимий — Муҳйи муносабатларини ўрганишда, ҳеч бўлмаса, ўша воқеалар шоҳиди Фурқатдан ўрнак олайлик.

Муқимий ўз атрофига Фурқат, Завқий, Писандий, Нодим ва ҳали ижоди деярли ўрганилмаган ўзга ўнлаб шоирларни тўплади, адабий мактаб тузди. Ушбу адабий мактабнинг ўзига хосликлари, унинг қатнашчилари адабиётимизга олиб кирган янги мавзу ва образлар, янгича талқинлар тадрижини тадқиқ қилиш ҳам адабиётшунослигимизнинг навбатдаги вазифаларидандир.

Муқимийшуносликдаги яна бир камчилик — шоир асарларини қисқартириб, «таҳрир» этиб ва бежаб нашр қилишларда кўринади. Бугунги кунда Муқимий таваллудининг 150 йиллигига тараддудни бошлар эканмиз, шоирнинг тўла асарлар тўпламини босиб чиқариш юбилейга муносиб совға бўлар эди.

Ленинобод дорилмуаллимини профессори Эргашали Шодиев маърузаси Муқимий ижодининг Хўжанд, Конибодом ва Исфара шаҳарларига алоқадор томонларига бағишланди. Муқимий бу шаҳарлар ва улар атрофидаги қишлоқларга бир неча бор сафар қилган. У ерларда Муқимий излари ҳалигача мавжуд. Масалан, Кўчкак қишлоғидан, Муқимийнинг яқин ўртоғи бўлган бир одамникидан шоирнинг ўз дастхати билан битилган ўн шеъри топилди. Уларнинг, биттаси янги. Муқимий пойқадами теккан жойларни синчиклаб излаш ҳали бу сингари кўплаб янги маълумотлар бериши аниқ. Зеро, шоир бўлган жойлардан топилган турли қўлёзма ва тошбосма китоблар ҳошияларида унинг дастхати билан битилган шеърий парчалар, ғазаллар топилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Муқимий асарлари билан боғлиқ яна бир масала «Саёҳатнома»ларга тегишлидир. «Саёҳатнома»ларнинг ҳозирги нашрларида тўртликлар ўрни сезиларли даражада ўзгариб кетган, оқибатда эса жой номлари ҳам чалкашиб кетган. Кейинги нашрларда ана шу чалкашликларни бартараф қилиш керак.

Муқимий ва форсийзабон шоирларнинг ўзаро алоқалари адабиётшунослигимизда деярли ўрганилмаган. Масалан, Завқий, Муқимий ва Фахрий Рўмоний ҳамкорликда машҳур ҳофиз Муҳаммаджон Макайга бағишлаб уч қисмдан иборат каттагина қасида ёзишган экан. Бу шеър ҳам янги топилди.

Қўқон адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Аҳмад Мадаминов маърузаси Муқимий таърихлари мавзуида бўлди. Олим дастлаб шоирнинг машҳур таърихларидан бири — бешариқлик дўсти Турсунхўжа эшон вафотига бағишланган таърихга тўхталди. Таърих.

От шатта солди ноғаҳ,
дорулфанодин, афсус,
Кетти шифо тополмай
Эшони Хожи Турсун

сатрлари билан тугайди. Ғ. Каримов моддан таърихни «от шатта солди ноғаҳ» жумласидаги ҳарфлар қиймати йиғиндисидан иборат — ҳижрий 1287 йил (мелодий 1870-71 йил) деб ҳисоблайди. Аслида эса моддан таърих «Эшон Хожа Турсун» бўлиб, қиймати 1693, Ишорага кўра («кетти») «шифо» сўзидаги ҳарфлар қиймати — 381 1693 сонидан исқот қилинса (ажратилса), ҳижрий 1312 (мелодий 1894) ҳосил бўлади. Зеро, дастхат тагида Муқимий таърихни рақам билан ҳам ёзиб қўйган экан.

Иккинчи таърих Тошкент шаҳрининг Дархон маҳалласида яшовчи Убайдуллобой қурдирган ғиштин масжидга бағишланган экан. Таърих:

Муқимий, жустам аз пири хирад таърихи таъмираш,
Ба рўй ақлу дониш гуфт:
Ибодатхонаи олий

сатрлари билан тугайди. «Ибодатхонаи олий» сўзининг рақамдаги қиймати 1244, ишорага кўра «айн» ва «дол»нинг қиймати (74) қўшилса, ҳижрий 1318 (мелодий 1900) ҳосил бўлади.

Таърихнавислик шоирдан қанчалик катта маҳорат ва чуқур билим талаб қилса, унинг мазмунини чақувчидан ҳам шунчалик тайёргарлик талаб этиши аниқ. Агар таърихлар, ижодкор ҳаёти ва фаолиятининг муайян даврларига ойдинлик киритишини ҳисобга оладиган бўлсак, демак, Муқимий таърихларини тўлиғича ўрганиш ҳам нақадар эътиборга сазовор эканини қайд этиш жоиз бўларди.

Қўқон дорилмуаллимини доценти Лутфулла Зоҳидовнинг маърузаси Муқимийнинг форсий тилдаги тахмисларига бағишланди. Шу ўринда қайд этишга тўғри келадики, бизда баъзан «форс-тожик шоири» ва «форсийзабон шоир» ифодалари аралаштирилиб юборилади. Чунончи, Л. Зоҳидов Озарийни форс-тожик шоири деган эди, залда ўтирганлардан дарҳол «Сиз нима асосга кўра Озарийни форс-тожик шоири деб атадингиз, ундай бўлса Низомий Ганжавий ҳам форс-тожик шоири экан-да» деган мазмунда савол тушди. Бу саволни озарбойжонлик сайёҳ, Алишер Аҳмадзода Озарий берган экан. Дарҳақиқат, ушбу масалага бошқа ишларда ҳам ойдинлик киритишга тўғри келар экан.

Анжуман сўнгида Муқимий таваллудининг 150 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бир қанча тавсияномалар қабул қилинди. Жумладан:

1. Қўқонда Муқимийга ҳайкал ўрнатиш.
2. Шоир номидаги Қўқон дорилмуаллимини биноси олдида Муқимий нимҳайкалини ўрнатиш.
3. Қўқон дорилмуаллиминида Муқимий номида стипендия таъсис этиш.
4. Шоирнинг куллиётини — тўла асарлар тўпламини чоп этиш.

Хуллас, муқимийшуносликда бир неча ўн йиллик жимликдан кейин сезиларли жонланиш юз бераётганини анжуман яна бир карра тасдиқлади. Зеро, шоир ижоди ҳали адабиётшунослигимиз учун кўп янгиликлар бериши тайин.

Раҳматулла БАРАКАЕВ

МУҚИМИЙ

АМИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўп кездим Араб била Ажамни,
Кўрдум неча равзада ҳарамни,
Билдим, шаҳи экансиз Эрамни,
Қошингга тегузмагил қаламни,
Ул хат била бузмагил рақамни.
Ноғаҳ қадинги кўруб калисо,
Ғам уйини маскан этти маъво,
Булбул кўруб, ўлди масту шайдо,
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо
Бир кўрмади сен каби санамни.
Олмас назарим шаҳу гадони,
Йўқ сояси мўътабар ҳумони,
Манзур эмас ҳашмати каённи,
Бир коса шароби арғувонни
Бергил, йўқ этай ҳужуми ғамни.
Арзимни эшитки, санга дерман,
Ишқингда неча ғамингни ерман,
Биллоҳки, ман санга асирман,
Сен ёрдин ўзга кимга дерман
Кўнглумдаги дард ила аламни.
Даргоҳинга пургуноҳ бўлдум,
Эй войки, рўсиёҳ бўлдум,
Юсуф киши ҳибси чоҳ бўлдум,
Кўюнгда ғубори роҳ бўлдум.
Бошимга етурмадинг қадамни.
Эй тўтивашим, такаллум айла,
Чин этма қошинг, табассум айла,
Ким айтди санга тазаллум айла,
Ошиқларинга тараҳҳум айла,
Кўп айлама жавр ила ситамни.
Йўқтур қуле ман киби қадиминг,
Ағёр ҳамишадур надиминг,
Эй, ҳурмати қодири кариминг,
Кўнглум қуши тойири ҳариминг.
Сайд этма кабутари ҳарамни.
Ширинму ва ё вазиридурсан?
Ё кўкни қамар мунирдурсан?
Ёинки Муқим басиридурсан?
Иқлими вафо Амиридурсан,
Эй шоҳ, бу гадога қил карамни.

Ғазал жумҳуриятимиз марказий матбуотида биринчи марта эълон қилинмоқда.

Малика МИРЗАЕВА — 50 ёшда

Ҳурматли Малика Мирзаева! Ҳамкасб дўстларингиз Сизни 50 ёшга тўлганингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Сизнинг қаламингизга мансуб қатор шеърий тўпламлар ўқувчилар эътиборини қозонди. Уларнинг яқин ҳамроҳига айланди. Сиз ўз шеърларингизда боқий туйғулар — аёл муҳаббати, ишқ ва вафо ҳақида ёниқ дил билан куйлаб келаяпсиз.

«Саодатим», «Дилхирож», «Тонг ва қалам» каби қатор шеърий мажмуаларингиз, ўқувчини аёлнинг нозик руҳияти билан ошно этади.

Сизнинг драматургия соҳасидаги изланишларингиз ҳам ўз самарасини кўрсатди. Порахўрлик, мансабпарастлик иллатларини фош этган «Сўнгги фожиа», тарихий «Ҳужум» ҳаракати қурбонларига бағишланган «Оқбулоқ паризоди» драмаларингиз санъат муҳлисларига, кенг томошабинлар оммасига манзур бўлди.

Сиз журналистика соҳасида ҳам ўз йўлига эга бўлган ижодкорсиз. Фидойи, меҳнаткаш аёллар — Сизнинг ҳамишалик севимли қаҳрамонларингиз бўлиб келишади. Уларнинг оғир юмушини енгиллатиш, уларга маънавий кўмаклашиш ҳақида куюнчаклик билан қалам тебратяпсиз.

Сиз, халқимизнинг дилбар шоираси, жонкуяр публицистигина эмас, кўплаб ёш қаламкашларнинг меҳрибон устози ва мураббияси ҳамдирсиз.

Сиз, азиз Малика Мирзаева, умрнинг энг куч-қувватга тўлган, камолатга етган палласидасиз. Янги-янги баркамол асарлар ёзишда, узоқ умр ва баракали ҳаёт кечиришингизда Сизга мустаҳкам саломатлик ва ижодий омадлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ БОШҚАРУВ ҲАЙЪАТИ

МУШОИРА

Хонанинг эшиги қия очилиб, аввал асо кўринди, кейин муштдеккина бўлиб қолган, лекин чеҳраси ёруғ онахон. У ичкари кирди, танишдик. Онахоннинг исми Азиза опа экан. Оталарининг исмлари Муродхўжа. Азиза опа Тошкенти азимда қирқ беш йил ўқитувчилик қилибди. Қирқ беш йил одамларга илм улашган. Лекин бугунга келиб у ҳамманинг ёдидан кўтарилибди. Ҳовли-жойи қаровсиз аҳволга келиб қолибди. — Ҳаммаси ёлғизлик, — дейди Азиза опа. — Олдимда фарзандларим бўлганда эди шундай аҳволга тушиб қолмас эдим. Начора. Менинг ёлғиз юпанчим — шеър. Шеър ёзиб йиғлайман, шеър ёзиб юпанаман. Қуйидаги шеър Азиза опанинг аҳволи-руҳиятини англатади. Ва унга Ҳамза райони мутасаддилари эътибор беради, деб умид қиламиз.

Агар эл қилмаса ҳимоят сенга,
Ўзингдан керакдур шикоят сенга.

Дўстларим кўпайди фаровонликда,
Уларни синадим нотаванликда.

Бир кунлар келдики, юзим заъфарон,
Юракка қил сиғмас, дилларим вайрон.

Тинчим йўқ, меҳнатдан ҳайронадурман,
Тун узун, роҳатдан бегонадурман.

Начора, ёлғизман нажоткорим йўқ,
Яшашчун ҳавасга ихтиёрим йўқ.

Ошиқиб тошардим, гўёки филдек,
Жисми жон қолмабди бир узук қилдек.

Элданку йўқ экан ҳимоят менга,
Ўзимдан керакдур шикоят менга.

Азиза МУРОД қизи

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

КУТИБ ЯШАЯПМИЗ

Уш вилоятидаги фожиалар рўй берган кунларда мен Хўжаободда эдим.

Кутиб яшаяпмиз эртанги кунни,
Етаклаб юрибди бизни хаёллар.
Ҳеч бир жон инсондек севолмас юртни,
Қувончдан йиғлайди фақат аёллар.
Яшагиси келар чумолининг ҳам,
Ҳаммадан яхшилик кутади йўллар.
Бардоши тугаса агар аёлнинг,
Гўдаги йиғлашни унутиб қўяр.
Биз ўтган кунларга тош отиб кўрдик.
Бусиз ҳам улуснинг юраги чўғдир.
Бугуннинг кўзига қарашдан қўрқдик,
Қондан қўрқмаганнинг миллати йўқдир.
Туғилган юртидан қувилса, тонса,
Оталар йиғласа — ёмон бўларкан.
Бирор бегуноҳнинг бурни қонаса,
Тупроқнинг кўксига зардоб тўларкан.
Гўдаклар даҳшатдан тилини ютса,
Аёллар қон йиғлаб қолса зўрликдан.
Элинг ёвузларнинг йўлини тутса,
Ўз исмин унутса қалби кўрликдан.
Сойларга қарасам хўрлигим келар,
Гўёки сув эмас, қон оққан мисол,
Юлдузлар имконсиз, нурсиз кўринар,
Ўзган тоғларида ўксийди ҳилол.
Ҳеч кимса севгидан сўз очай демас,
Ҳамманинг юраги бирдек бевами!
Ошиқлар қўлидан ёвузлик келмас,
Бор кучин ўғирлаб қўяр суйгани.
Андижон тупроғи титрайди зир-зир.
Гуллар қисилади унинг бағрида.
Куйган диллар ичра дайди ел изғир,
Қушлар сукут сақлар Ўш боғларида...
Имон талашайлик ер талашгунча,
Ҳаммамиз дунёга меҳмонмиз ахир.
Қуёш кичраярмиш эл ярашгунча,
Туркистон юртининг елкаси яғир.
Ёш чиқазмай қуйган кўзлар ҳақида,
Ҳали ёзилмаган менинг достоним.
Қўлинг бунча дағал, бунчалар қисқа,
Бошинг тошдан бўлсин Ўзбекистоним!

Сурайё ШАРИПОВА

ИШҚИЙ ДАФТАР

Ҳар томон урилиб, елиб, югуриб,
Кўчада ҳуштак чалади шамол,
Туйғулардек телба шамолга боқиб
Юрагимда ишқинг кўрсатар жамол.

Самони титратиб чақмоқ чақади,
Эсиз... ширин уйқу буткул қочади.
Соғинчинг дил шаъмин ёқади аста
Ва ишқий дафтарим секин очади...

ОНА ТИЛИМ

Жон озиғи — она тилини
Жон — дилидан севади халқим.
Ўз тилида соф сўзламаса
Уни ўзбек дея олар ким?

Майли, дўстлик, ҳамкорлик тили
Ленин тили — рус тили бўлсин.
Лек, серфарзанд ўзбек халқимнинг
Ўзбек тили ўз тили бўлсин!

НЎНОҚ ДОМЛАГА

Домла, маърузангиздан мен
Безиб кетдим, безиб кетдим.
Сизга ҳам осонмаслигин
Сезиб кетдим, сезиб кетдим.
Такрор-такрор жумлаларни
Мажбур-мажбур ёзиб кетдим.
Беҳуда кетган вақтимни
Ўйлай-ўйлай озиб кетдим.
Қатор-қатор унвонингиз
Рўйхатини тузиб кетдим.
Мен ҳам гўё обрўйингиз,
Дарёсида сузиб кетдим.
Ёз, дедингиз, — нима айтсам,
Мен эса шеър тизиб кетдим,
Шеърим билан кезиб кетдим,
Дарсингизни бузиб кетдим.
Домла, маърузангиздан мен
Безиб кетдим, безиб кетдим.

Зубайда УСМОНОВА

Сабр бир ғор, мен тушиб,
Чиқолмасдан ётибман.
Сабр бир ғор, тушган
чоғим,
Қолди оғзи бекилиб.
Энди мен ўлтирибман,
Берк эшикка тикилиб.
Зиндонни тахт кўрмади.
Бу ғорни бахт кўрмади,
Қанча ою йил ўтди,
Ҳаттоки вақт кўрмади.
Армон-ўсмирлик дўстим,
Ўсиб вояга етди.
Ниҳоят бугун унинг,
Бўйи қояга етди.
Чорак аср йиғладим,
Яна минг йил йиғлайман.
Энди улкан дард билан
Бу ғорга мен сиғмайман.
Сенинг қўлларинг кучли,
Хаёл-дўстим, эшик оч.
Шамол — дўстим,
сахийим,
Шип-шийдам боққа
гул соч.

●

Боғинг шип-шийдам бўлса,
Гуноҳсизлик ҳам гуноҳ.
Эрта унга қиш келса,
Қайдан топурсан паноҳ.
Гуноҳсизлик гуноҳим,
Унга чуқур ботибман.

●

Аёлнинг ҳеч қачон кўзи нам бўлмас,
Кўкси тутун бўлмас, боши хам бўлмас,
Достондаги Қалдирғочдан кам бўлмас,
Оғаси-иниси Алпомиш бўлса.

Кўзлари қамашиб нурдан, зиёдан,
Дур тақиб чиқади барча дарёдан,
Аёл кўзи очиқ кетмас дунёдан,
Гўрўғлидай жасур бир ўғли бўлса.

Бу дунё дунёдир меҳр туфайли,
Дунё дунё эмас, муҳаббат сайли,
Аёл бўла олур ҳақиқий Лайли,
Агарда ҳақиқий Мажнуни бўлса.

Ғурур ато этгин улусга тангрим,
Сурур ато этгин аёлга мангу.
Тоққа суянгандай суянади у,
Агар юртда бирон Муқанна бўлса.

●

Орзу деган бир саждагоҳ кўринур,
Чиқсам юрагимнинг Асқартоғига.
Унда ёзилмоқда ўн минг мисра шеър.
Ўн минг мисраси ҳам поклик ҳақида.
Ёмғир ювиб берди дарахт қўйлагин,
Қуёш сувратини сувларга отди.
Чиқиб юрагимнинг Асқартоғига,
Мен кўрдим юлдузлар тонгни уйғотди.
Билмайман қайси кун, билмам қайси кун,
Бир байрам бошланди кўнгил боғимда.
Шундан буён дунё соҳир мен учун,
Чиқсам юрагимнинг Асқартоғига.
Бахт ҳақда номалар таший олмасдан,
Мендан қўлларини яширар шамол.
Чиқсам юрагимнинг Асқартоғига,
Армон деган юртга элтади хаёл.
Чиқаман юракнинг Асқартоғига
Унда ёзилмоқда ўн минг мисра шеър,
Ўн минг мисраси ҳам поклик ҳақида.
Уни ёзолсам мен ҳақиқий шоир.

Малика МИРЗАЕВА

ТЎЗИМЛАР ТИЛАЙМАН

Ҳар тун чўғда ётган мисоли нотинч
Мен томонга судрар хаёлий бир куч.
Мени ўйлай-ўйлай оромингдан кеч,
Мен сенга тўзимлар тилайман, нодўст.
Сени шайтон қурғур йўлдан оздирар,
Сени менга қайраб тинмай ёзғирар,
Ночор шаклим кўзинг ўнгида турар,
Мен сенга тўзимлар тилайман, нодўст.
Қатлимга қайралар тиғи парронлар,
Дастингга тўлғанар бу ширин жонлар.
Қонимдан унади гули алвонлар.
Мен сенга тўзимлар тилайман, нодўст.
Маломат яроғинг ёради бошим,
Кўзимдан оқади қонли кўз ёшим.
Охир сўниб борар умр қуёшим,
Мен сенга тўзимлар тилайман, нодўст.
Хунхор орзулардан кўнглинг тўлмагай,
Тилагинг мустажоб нечун бўлмагай,
Билмайсан, қўшиқ аҳли ўлмагай,
Мен сенга тўзимлар тилайман, нодўст.
Бошингдан ҳайдагил машъум шайтонни
Сенга бўлсин дунё бойлиги-шони.
Маликага бўлсин бир илҳом они —
Мен сенга тўзимлар тилайман, нодўст.

МЕНИНГ СОДДА ТИЛИМ

Ишониб яшадим азмингга шамол,
Журъатинг олдида таъзимкор ва лол.
Мени заифликка йўйиб бемалол
Ойдин туйғуларим совуриб кетдинг.
Ишониб яшашим — фаслларгадир,
Улар камолига тиладим умр.
Хазонга айланди баҳор, ёз бир-бир,
Тўлишган кузимни қиш уриб кетди.
Ишониб яшадим тоғу-тошларга
Меҳр жомин тутдим кўзи ёшларга
Гоҳо дуч келганда бағри тошларга
Уларнинг ўйида қуладим кетдим.
Ишониб яшадим дов-дарахт сизга,
Юрагимни очдим япроғингизга.
Маломат ёғилди бир куни бизга,
Кўнглим яшиллиги тулади кетди.
Эй, одам! Сен менинг ҳолимга тушун,
Сен айтган чироқлар қачонлар ўчди.
Энди олам билан тиллашмоқ мумкин,
Менинг она тилим юракка кўчди.

Ойгул СУЮНДИКОВА

●

(Халқ оҳангида)

Бу йил қиш қорли келди,
Кўп дарди борли келди.
Аёз заҳри юракка
Гоҳи озорли келди...

Узун тунлар ҳавоси
Тинч, буғуборли келди.
Туннинг тонггача йўли
Эртакка ёрли келди...

Қиш қуёшин нуридан
Ҳислар залворли келди.
Ҳузурингга вафога,
Севгингга зорли келди!..

●

Ҳали тонгга узоқ, бедор аёлнинг
Ўйлари занжирдай уланаверар.
Апрелнинг охири чексиз хаёлнинг
Узун кипригига илинаверар.

Иссиқ кунлардан сўнг хуш келган ёмғир
Баҳорни етаклаб кетгани сари,
Ҳеч ким ёз ҳидига бўлолмас асир
Фарзанд кутаётган аёл сингари...

●

Кечмишларим саҳифаси — унутилмас куй оқди,
Қайда ўкинч, қайда видо, қайда ўтли ўй оқди...
Сирларимни ёритгали йўлларимда ой оқди,
Хотиротнинг гувоҳидай ой чўмилган сой оқди...

Кўкда булут карвон-карвон кўзимдан сузиб ўтар,
Узун тунлар киприкимга юлдузлар тизиб ўтар.
Хаёлларим — қуёш нури, дунёни кезиб ўтар,
Ҳаёт рангин юрагимга тонгларим чизиб ўтар...

Эркатош ШУКУРОВА

СЕНИ СЕВАМАН

Сочим ҳар толасига
Мингта ошиқ боғланар.
Сени севаман десам,
Юрак-бағри доғланар.

Рўмолчалар тўқийман,
Меҳрнинг ипларидан.
Олмасанг ёр, боғлангил
Қаҳрнинг ипларига.

Вафоли сўзларимни
Ёмонларга сотмагил.
Шоҳим, ишқинг қулиман,
Ёлғонларга сотмагил,

Ширин-ширин тушингга
Кириб чиқай кечалар.
Мени дегил йўлингда
Йиғласинлар нечалар.

Номинг қўшиқда куйлай,
Қолмагай ҳеч армоним.
Муҳаббат, садоқатда
Ғолиб чиққан омоним.

●

Мен қора киймадим
Кўнгил қора кийди.
Қалб яра, юрак куйди,
Адоват бағр ўйди.
Фарёд чарх уриб ўйнар,
Тилимлайди танимни.
Доно жим, нодон сўйлаб
Мақтамоқда ғанимни.
Кошкийди келақолсанг
Кел ўзинг ёним олиб.
Ёмонга қолмасин кун,
Кел ўзинг жоним олиб.

САЙЁР

ШУНДАЙ БЎЛГАН ЭДИ

1957 ЙИЛНИНГ октябрь ойи эди. Сешанба кунларининг бирида (шеърий семинар-машғулот ҳафтада бир — шу куни бўларди) устозим, рус шоири Ярослав Васильевич Смеляков бошини бир ёнига бироз қийшайтириб биз ўтирган хонага кириб қолди.

Негадир безовтароқ, асабийроқ эди. Одатда қўлида ҳеч нарса олиб юрмасди. Бу гал тутилган, бўшашиб, латтасифат бўлиб қолган газетага ўроғлиқ нимадир бор эди. Столга тап эттириб қўйди.

Шеърий баҳсдан кейин, ҳамма билан айтишиб бўлгач (у шунчаки гаплашмас эди, ўчакишгандай, бироз зарда билан муомала қиларди) менга:

— Кетиб қолма! — деди.

Орқа ўриндиққа ўтириб олиб уни кутдим. Кимгадир тавсиянома ёзди. Владимир Костров деган ишчи шоирга ёзган «Оқ йўл»ини эринмай ўқиб берди. Шунда қорачадан келган бўйдор, азамат одам Михаил Луконин кириб келди. Икки шоир нима ҳақдадир баҳс қилишди. Гап қайсидир ёш шоир, аниқроғи шахтёр шоир Ансиферов ҳақида эди.

Кейин Ярослав Васильевич ўша газетага ўроғлиқ нарсани очиб Михаил Луконинга кўрсатди. Мен ҳам қизиқиб яқин бордим.

Газетага ўралган нарса — икки дона китоб эди. Ҳа, унинг «Строгая любовь» деган китоби. Қизил муқовага қоп-қора қилиб «Ярослав Семляков», деб ёзилганди. Албатта, тўқ қизил ва қоп-қора ранг бир қарашда китоб безагини бузиб турарди.

— Бошқа бўёқ қуриб қолган эканми? — деди Михаил Луконин китобни қўлга олиб.

Менга ҳам муқова унча ёқмаган бўлса ҳам, ўзи ўт олай деб турган устозга қараб:

— Бу бевосита сизнинг бўёқларингиз. Қора, меҳнаткаш ишчи, қизил эса унинг қўлидаги исёнкор қизил байроқ, — дедим. Устоз менга қовоқ уюб тикилди-да:

— Смеляковга шу ҳам етарли, — деб муқовадан кейинги бетга, штамп урилган варақка қўл қўйиб берди.

— «Советский писатель»га олиб бориб топшир. Старший сержант Егор Исаев кутиб ўтирибди, — деди.

Йўлга отланиб турган эдим, қўлини елкамга қўйиб:

— Сени бир нозик ва инжиқ хотин кўрмоқчи! Вақтида мени ҳам «қўпол шоир» деб тантиқлик қилган эди, бу атторчилик дўконининг таннози, — деб таралмаган, тартибсиз сочларини силаб қўйди.

Йўқ, у жаҳл қилиб эмас, бироз киноя аралаш у одамга меҳри товланиб шундай деди. Мен эса сабрсиз, у кишининг ким эканини орзиқиб кутар эдим.

— Анна Андреевнани биласанми? Ҳозир у Москвада. Мана шу номерга телефон қиласан.

У менга телефон номери ёзилган бир парча қоғоз узатди. Ортиқча савол беришга иймманиб, «Ахматовамикин ишқилиб», деб ўйлаб турсам, «Сенларга «Трамвай... Евгений», деб роса хўрлаб ва зўрлаб тушунтиришганди бу шоирани мактабда», деб гўё бўлиб ўтган гапларга мен айбдордек зарда қилди устоз. Орқасидан кимларнидир, одатига кўра шўртангина қилиб сўкиб ҳам қўйди.

— Ҳа, айтганча, ўзбекча ўн дона шеър олиб борар экансан. Ёнида русчага сўзма-сўз таржима бўлсин. Ленинградлик аёллар денгизчи ҳарбий кийимидаги йигитни ёқтиришади. Аммо сенинг лейтенантлик кийиминг ҳам тешиб чиқмайди. Ҳар ҳолда дазмолини келтириб, тугмаларини ялтиратиб, сочингни ҳам тарошлаб, оппоқ дастрўмол тутиб боргин. Нозик зиёли аёлга унча-мунча эркак ёқавермайди, — деб кулиб қўйди у.

Мен бехос ҳарбий кийимимга тикилиб қолдим. Москвага келиб ҳали-ҳозирча кийим-кечак ололганим йўқ. Биринчи китобим шу йил чиқиши керак. Ана унда ҳарбий «тўнни» ечиб, бир сидра кийинсам бўлар...

Устоз айтгандай ўзимга бироз оро бериб, эртаси соат ўн бирларни чамалаб Анна Андреевна Ахматовага қўнғироқ қилдим. Телефон дастасини ўзи олди. Мен ўзимни таништирдим. Турган жойларини тушунтирди, «Келинг, кутаман», деди.

Устозим Ярослав Васильевич у киши ҳақида гапирганда шунча ҳаяжонланган бўлса, мен қандоқ рўбарў келаман у кишига. Йўлда кетяпману ҳали ўзим кўрмаган машҳур шоиранинг салобати мени енгиб қўяй деяпти. Уйни топдим. Учинчи қаватга кўтарилдим. Устозим таъйинлаганидек йўлда оппоқ очилган оддий ўрмон гулидан олган эдим. Обдан ишонч ҳосил қилгач, тугмачани босдим.

Бироз ҳаяллаб, эшик очилди. Ичдан занжирда экан. Занжир олинмади.

— Мен ҳозир. Келдингизми? — деган мулойим овоз эшитилди-ю, эшик қайта ёпилди. Эшик олдида бироз туриб қолишга тўғри келди. Яна хаёл мени кемира бошлади. Кетсаммикин, бевақтроқ келиб қолдим, шекилли... деб куйина бошладим. Аста пастга, зинага қараб ҳам қўйдим. Оҳиста қадам босиб йўлак четига бораётган эдим, эшик очилиб қолди. Энди ним қоронғи йўлакда чироқ ёқилган эди. Эшик ёнида эртаклардаги маликадай ясанган, ўзига эринмай оро берган, сочларини силлиқ тараган аёл — Анна Андреевна Ахматова турар эди. Устида зархил излари бор қизил духоба халат, оёқларида учи тепага кўтарилган бухорий ковуш. Ҳушим учиб тикилиб қолганим Анна опага ёқиб кетди, шекилли, лабларига табассум югуриб:

— Чинданам шоирга ўхшайсиз. Шоирликнинг биринчи белгиси гўзалликка мафтунлик, — деди бармоқлари узун, тирноқлари ним пушти оринқ қўлини менга узатиб. Мен бутун вужудим билан қўлни ўпиш кераклигини сезиб турсам ҳам, ўпишга журъат этолмадим. Шунчаки қўл олишиб қўя қолдим. Анна Андреевна ингичка қошларини бир чимириб қўйдилар. Ўзим ҳам музлаб кетдим. Ингичка бурнини жийириб.

— Қани марҳамат! — деб ичкарига таклиф этди.

ХАЙРИЯТ ХОНАДА ҳеч ким йўқ экан. Ичкари хонага, тўрт девори китоб жавонлардан иборат, кираверишга стол ва қора чарм айлангувчи кресло қўйилган жойга аста бориб чўкдим. Йўлакда ойнага қараб қолган Анна Андреевна киришлари билан солдатдек дик этиб ўрнимдан турдим. У киши халатлари олдидаги икки тепа тугмачани ечиб қўйган эдилар. Мен учун, менга илтифот учун шундай қилганларини сездим. Чунки ёнимда туриб, тугмалар ечилганига яна бир бор амин бўлиш учун уларни бармоқ учлари билан ўйнаб қўйдилар. Кўкраклари ярим очиқ эканига амин бўлиб, менга қайта тикилди-да:

— Кофеми ё чой? — ингичка терилган қошларини чимириб сўрадилар. Мен ўрнимдан туриб:

— Ҳеч нарсага овора бўлманг? — дедим.

Лекин мени қайта ўтиришга таклиф этиб, яна йўлакка чиқиб кетдилар. Иккита оқ, кичкина идишчада оппоқ кўпириб турган кофе олиб кирдилар. Кофе ичаётганимизда:

— Қани, шеърингизни кўрсатинг! — деди менга томон оҳиста қадам ташлаб, елкамга узун қўлларини қўйиб.

Мен чўнтакдаги тўрт буклоғлиқ оппоқ қоғозни чиқариб, қатларини ёзиб олдига қўйдим. Машинкада тоза кўчирилган, рус тили ўқитувчим Лариса Исарова имлосини яхшилаб кўриб берган ўнта саккизлик шеърим бор эди. У киши елкам узра аста эгилиб биринчи шеърни ўқиди.

Мен тескари ўтирганим учун юздаги ўзгаришни кўрмадим. Шеърим ҳақидаги таассурот қандай бўлди, билмадим. Лекин у киши қалин, тикандай қаттиқ қўнғир сочларимни силаб қўйдилару тўппа-тўғри ўша қоғозда шеърни таржима қила бошлади.

Шундоқ ўтирган жойимда ўз шеърим русчага айланаётганини кўриб ҳайратга тушдим. Бир зум кўзларим ҳеч нарсани кўрмай қолди. Бу чоқда шундай бошим устида Анна Андреевна аллақандай ўзларига ярашган кибор билан менга тикилиб турардилар. Мен ўрнимдан туриб, ҳузурларида бош эгиб, ингичка бармоқлари узун қўлларини кўзимга суртдим. Ўпдим.

— Йигит, сиз хатоингизни танбеҳсиз ўзингиз тузатдингиз. Мен сизни кечирдим, — деди қошларини сузиб Анна Андреевна. — Ўзбекистоннинг қаердансиз?

— Тошкентданман!

— Ў, биз ҳамшаҳар эканмиз!

Гарчи Ватан урушининг оғир йилларида Анна Андреевна Ахматова Тошкентда истиқомат қилганларини билсам ҳам у кишининг ўз она шаҳрим билан боғлиқ ҳаёт манзараларини эшитгим келар эди.

— Қайси маҳалладансиз?

— Ишчилар шаҳарчасиданман.

— Ҳа, у ерни биламан. Миртемир ва Ҳамид Олимжон яшайдиган тараф. Борганман. Дарёнинг кўприги омонатдай, трамвай ўтса гусурлаб титрайди. Ўнинчи трамвай. Эслаб қолганимга сабаб Ленинградда ҳам ўнинчи трамвайга кўп тушар эдим. Лекин мен марказда яшаганман. Олой бозори яқинида, биласизми?

— Биламан, биламан!

Анна Андреевна сўзларини бўлгим келмади. У киши гапираверсалар, мен эшитаверсам, дер эдим. Ёшларига бироз ярашмайроқ турган, менга ортиқчароқдек туюлган нозу карашмалар, тантиқликлар ҳам ўзларига жуда ярашиб кетди. Кўз тез ўрганар экан.

— Сиздан илтимосим бор?

— Жоним билан!

— Мен Тошкентда пайтимда қаттиқ шамоллаб, оғриб, ётиб қолган эдим. Ўшанда бир ўзбек қизалоғи, ҳа, ҳали гўдаккина эди, бўйи етмаган, менга сут олиб келарди. Хона совуқ. Бир эски стол бор эди. Смоладай қоп-қора бўёқланган. Ўшанинг тахталарини озгин қўллари билан кўчириб печкага олов ёқарди. Сут иситиб менга ичирарди. Роса бир ҳафтами, ё ундан кўпроқ... Бечорагина кўп қатнади. Кейин Москвадан, фронтдан менинг ўғлим келиб қолди. Сўнг қиз қорасини кўрсатмай қўйди. Мен тузалиб кетганимдан кейин ҳам ҳеч қаёққа чиқмай уни кутдим. Интизор кутдим. Кейин ён-атрофларни даракладим, қидирдим. Топа олмадим. Сўнг билсам... Сизларда эркак бор хонадонга қиз боланинг келиши одобдан эмас экан. Уйимга одам келганидан хотиржам бўлиб, у қизалоқ тушмагур келмай қўйди. Аввалига унга атаб шеър ёзай, дедим. Ҳамид Олимжонга айтдим. У «топамиз» деб ваъда берди. Лекин қўли тегмадими? Билмадим. Кейин, аламимдан Тошкент шеърларини ёза бошладим. Ахир ўзбек халқининг у ҳам фарзанди, ўзбекларни бағоят севаман, деб ёзсам бир ёғи унга ҳам тегади-ку. Шундай қилиб, Тошкент шеърларим дунёга келди.

ЭНДИ КАТТА қиз бўлиб кетгандир у. Мабодо дараклаб, топиб қолсангиз менга дарҳол хабар қиласиз. Бўйнимда қарзим бор, ўташим керак. Унинг ҳам бирор кори-ҳолига ярасам, дейман.

Ёнимда Анна Андреевна эмас, гўё китоблардаги сувратлари тургандай эди, у кишига энди ҳайиқмай қарардим. Орамизда бегоналик чегараси йўқолган эди. Эркаланиб гапиришлари ўзига шундоқ ярашарди.

Суҳбат қизигандан қизиб, қолган сўзма-сўз таржима шеърларим столда ўгай бўладай қолди.

— Жингалак соч Ойбек ажойиб пурҳикмат одам. Бургутбурун Ғафур Ғулом бесабр, беозор фитнаси ўзига ярашадиган. У бор даврада тонг отиб кетса ҳам зерикмайсан. Кўп билади, ўзи ҳам кўп тўқийди, — деди.

Хаёллари Тошкентга кетганди. Унда Алексей Толстой, Иван Ле, Мейерхольд, Николай Ушаков, Якуб Колось, Янка Купала ва бошқа қардош адабиёт алломалари яшаган даврларни, қашшоқлик қақшатиб турган оғир йилларни эслаб кетдилар. Чуқур хўрсиниб, бир зум чўкиб жимиб қолдилар.

Ўз хаёлларига ўзлари якун ясагандек:

— Усмон Юсупов хабар олиб турарди. Топганини улашиб юрарди... — деб қўйди ўзларига гапираётгандай оҳиста.

Суҳбат қанчалик лаззатли бўлмасин, яна мулоҳаза мени ўртай бошлади. Ҳамма нарсанинг меъёри бўлади, ахир. Суқ бўлиб ўтираверишинсофдан эмас, деб қўярдим ўзимга-ўзим.

Анна Андреевна буни ҳам нозик ҳис этиб:

— Чарчатиб юбордимми, йигит? — деб қўйди.

Мен кучим етганча илтифот кўрсатиб ўрнимдан турдим. Остонада Анна Андреевна:

— Шеър машқдан пайдо бўлмайди. Тақдирдан пайдо бўлади. Таржимаи ҳолингизни бойитинг. Кўнгил буюрган ишдан чўчиманг. Бўлмаса ичи бўш идишдай бўлиб қолади, киши. Жаранги бор, қисмати йўқ. Ҳа, шоир одамнинг қисмати мушкул. Чапак чалишади. Аммо қандай кўргиликдан, бошингизда қанча таёқ синганидан бехабар бўлишади. Бунинг кераги йўқ, ҳечкимга. Шунчаки айтаяпман. Чидаш, мардона ўз-ўзини енга билишда гап. Қолгани ҳаммаси омонат. Одам ҳам омонат. Ер ҳам. Табиат ҳам. Шеър ҳам. Ҳатто Пушкин ҳам омонат. Тескари фикр туғдирилса жавонларда ғиштдай бекор ётиб қолиши ҳеч гап эмас...

Анна Андреевнадан «яна келсам бўладими», деб розилик жавобини олиб кўчага чиқдим. Тверь хиёбонига етиб Тимирязев ҳайкали ёнидаги автомат-телефондан Ярослав Васильевичга сим қоқдим.

— Ассалом, Ярослав Васильевич!

Смеляков алик олиш ўрнига:

— Офицерлигингни унут, одамни шарманда қиласан. Аёл кишиникига меҳмонга бориб нега қўлини ўпмайсан! — деб қолса бўладими.

Юрагим шиг этиб кетди. Анна Андреевна билан гаплашибди-да, афсус жасорат қилиб, остонада қўлини ўпсам асакам кетармиди, дедим ичдан куйиниб.

Телефон дастасидан устознинг дўриллоқ, бироз зардали овози келди:

— Умуман, тузук таассурот қолдирибсан. Гуноҳингни кечикиб бўлса ҳам ювибсан. Сенга сабоқ бўлсин. Аёл кишини ўпмасанг, лаънатга қоласан!

— Хўп бўлади!

— Бўлмаса тўғри келавер. Татьяна бирга Переделкинога кетамиз, деяпти.

Телефон дастасини жойига илиб, қанот ҳосил қилгандай хиёбондан юриб бораяпман. Тилимда Анна Андреевна Ахматованинг «Ўзбекларни жуда севаман», деган сўзи шеърий мисрадек такрор-такрор жаранглайди. Ўша сутчи қизни топсам эди, Анна Андреевна билан яна суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлар эдим.

КЕЙИН АННА АНДРЕЕВНА билан яна учрашиш насиб этди. Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтиб бўлган охирги кун эди. Хайрлашмоқ учун устозим Ярослав Васильевичга қўнғироқ қилдим.

— Кетиб қолмадингми? Тезда Союзга етиб кел. Анна Андреевна Москвада оламдан ўтди, — деди у. Товушида шошилинч кайфияти бор эди. Мен тайин этилган жойга бордим. Роса икки соатлар чамаси ўтганда Михаил Луконин Смеляков ёнига келиб:

— Ҳаммаси тайёр! — деди.

Баҳор кунлари эдими, ё кеч куз кунларимиди, ҳозир аниқ эсимда йўқ, ҳар ҳолда аёз бор эди. Анна Андреевна жасадини ярим очиқ машинага ортиб, ўзлари васият қилган Ленинградга, Камаровага жойлашган қабристонга олиб бориб ерга қўйдик...

Бир нечта ёзувчи ва шоирлар аллакимлардан чўчигандай ярим овозда видо нутқини сўзлашди. Устоз Ярослав Смеляков эса ҳеч нарсадан чўчимасдан:

— Анна Андреевнанинг ўтган умри ҳисоб эмас. Мардликда, ростликда, ҳақгўйликда ва шеърий мукаммалликда бизга ибрат, мустаҳкам иродали, қилич кесмас, ўқ ўтмас аёлнинг адабий ва абадий умри энди бошланади, — деди.

Мен ҳам устознинг юрак сўзларига амин эдим. Анна Андреевна Ахматовани қабристонда қолдириб, узун қарағайлар соя солган хиёбондан қайтар эканмиз, негадир унинг: «Ўзбекларни жуда севаман!» деган товуши қулоғим остида жаранглар эди. Товуши сўнмаган эди унинг.

Товуши асло сўнмагай...

ЁДНОМА

АВВАЛ ЎЗИМИЗНИ АНГЛАЙЛИК

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Севимли ҳафтаномамизда Файзулла Набиев ва Султонмурод Олимнинг «Библия» — «Муқаддас китоб» мақоласини («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 26 октябрь) ўқиб бўлишим биланоқ қўлимга қалам олдим.

Аввалдан айтиб қўяй, мақсад мақола соҳиблари билан тортишмоқ эмас, агар шундай бўлса, уларнинг кўп фикрларини мунозаша қилиб, тўғри-нотўғрилигини исботлаш кўп иш талаб қилмайди. Холисона айтганда, муаллифлар тўғрисида ҳеч нарса билмайман, бу эса мен ёзаётган нарсанинг адолатлироқ чиқишига ёрдам беради. Ўзимча уларни «маърифат мухлислари» деб атадим. Улар муқаддимани жуда чиройли ёзишган, маърифат учун интилиш ҳар бир кишига зарур эканини тўғри тушунтиришган. Лекин ҳали ўз халқимизга хос маърифатни билмай туриб, ўзгаларникига уринишга даъватни нима деб тушунамиз? Ўзганинг маърифати чиройли китоб шаклида келгани учунми? Ёки суратли бўлгани учунми? «Муқаддас китоб суратларда» деган бир мўътабар манбанинг нашрлари «маърифатпарварлик»лари учунгина бизга бу китобни ва шунга ўхшаш бошқа китобларни ғайри-қонуний йўллар билан тиқиштиришаяптимикан ёки бошқа фикрлари бормикан? Хуллас, масаланинг нозиклигини эътиборга олиб майдалаб ўтирмайман. Улар бизга маърифат тарқатмоқчи бўлсалар яхшироқ йўллари бор, лекин улар буни хоҳламайдилар.

«Библия»нинг «Муқаддас китоб» деб таржима қилиниши тўғри, унинг кўп тилларга таржима этилгани ҳам тўғри. Лекин асл нусха қайси тилда бўлган ва қай тарзда китоб шаклига келган, айтилмайди, нима учун? Чунки коса тагида ним коса бор.

Ҳар бир мусулмон Қуръони карим билан бир қаторда Забур, Таврот ва Инжилга ҳам илоҳий китоблар деб иймон келтирмоғи фарз. Лекин бу илоҳий китобларнинг ҳозирги нусхалари замонлар ўтиши билан хиёнаткор қўллар тарафидан бузилган. Бўлмаса, ягона Аллоҳ ўзининг Исо пайғамбарига ўттизта Инжил туширдими? («Ўзбек қомуси»нинг маълумотига кўра, 30 тача номдаги «Инжил» мавжуд» дейилади мақолада.) Инжиллар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганидан сўнг мажлис ўтказилиб 4 Инжилни олиб, қолганларини инкор қилишган. Исо алайҳиссаломнинг тирик вақтларида бирор нарса ёзилмаган. Мазкур ва яна кўплаб зикр этилмаган сабаб ва далилларга суяниб ҳозирги кундаги «Муқаддас китоб» ва бошқалар илоҳий манба бўлиши мумкин эмаслигини уламолар аллақачон исбот қилишган, лекин биздаги чекланишлар бу нарсалардан ҳам халқимизни бехабар қўйган.

Аввал айтганимиздек, ҳозирги мақсад тортишиш эмас, балки масалани ойдинлаштириш.

Мен аввал ўзимизнинг маърифатимизни билиб олайлик, сўнгра бошқаларни ўрганаверамиз деганимнинг сабаби, йўлдан чиқиб кетмайлик, шошилиб, нотўғрини тўғри деб тушуниб қолмайлик демоқчиман. Чунки фикрга ўрнашиб қолган нарсани ўзгартириш қийин бўлади.

Ҳурматли биродарларимиз Файзулла Набиев ва Султонмурод Олим ҳам худди шу ҳолга тушганлар. «Хўш, — дейди улар, — ундан («Муқаддас китоб»дан) ўқувчига нималар юқади-ю, у бугунги ўзбекка нима беради? Аввало, шуки, ота-бобоси учун олий руҳий-маънавий суянчиқ бўлмиш Исломнинг бошқа диний эътиқодлардан, Қуръони шарифнинг бошқа муқаддас китоблардан фарқли томонлари-ю улар ўртасидаги ўзаро ўхшашликлар ҳақида бугунги ҳар қандай маданиятли халқ вакили муайян билимга эга бўлиши керакми, йўқми? Бунинг учун эса дастлаб яҳудий ва насронийни динидан хабардорлик лозим».

Акс садо

Тўғри фикр, лекин бир шарти бор, у ҳам бўлса, ўша ота-бобоси учун олий руҳий-маънавий суянчиқ бўлмиш Исломнинг ўзини яхшилаб билиб олган ва ўзига сингдиргандан сўнггина. Агар бундай бўлмаса, катта хатолар содир бўлади. Фикримизни тасдиқлаш учун мисол ахтариб, узоққа бориб ўтирмайлик-да, мақола муаллифларини олайлик. Улар ҳам кўп қатори ўзларини Исломни биладиганлар тоифасидан деб ўйлашлари мақоладан кўриниб турибди. Аслида эса узоқ муддатли динсизлик қилар ишини қилиб бўлган. Исломни яхши биладиганлар йўқ қилинган. Ҳозирга келиб намозни канда этмай юрганлар ҳам Ислом ҳақида сатҳий маълумотларга эга холос, буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Сатҳий, узуқ-юлуқ маълумотларнинг зарарини мисолларда кўрайлик:

1. Муалифлар айтишича, «Муқаддас китоб» ўзбекларга ўз номларининг аслини тушуниб етишда ёрдам берар эмиш. Буни Қуръондан, Ислом манбаларидан ўрганса бўлмайдими? Ўша пайғамбарларнинг барчаларининг исмлари ва қиссалари буларда ҳам бор-ку! Фарқ шулки, Қуръон уларни шарафлайди, поклаб, ўзларига лойиқ қилиб тасвирлайди. «Муқаддас китоб» эса, муаллифлар таъкидлаганидек, «Ёқуб алайҳиссаломни Худо билан курашган» деб тасвирлайди. Ривоятнинг давомида Ёқуб пайғамбар худони курашда йиқитгандан сўнг қувилгани айтилади. Мантиқ қани? Пайғамбар ўз холиқи бўлган Худо билан курашадими? «Муқаддас китоб» Биби Марямнинг эри Юсуф деса, Қуръони карим уни бу туҳматдан поклайди, «покиза», «ҳеч инсон тегмаган», дейди. Ўйлаб кўринг, эри Юсуф бўлса-ю, ўғли Худодан бўлса, бу қандай гап, ахир? Кези келганда мақола муаллифларининг яна бир хатоларига ишора қилиб кетмоқчиман, у ҳам бўлса, «Муқаддас китоб» Марямнинг эри деб айтилган Юсуф гўзаллик ато этилган, тушга таъбир айтувчи Юсуф алайҳиссалом эмас, бутунлай ўзга шахс. Ислом Марямнинг эри йўқлигини таъкидлашини аввал ҳам айтдик.

Қуръони карим Аллоҳдан қандай тушган бўлса, шундай ҳолида бирор ҳарфи ҳам ўзгармай турибди. Ўзга илоҳий китоблар эса ҳаммаси бузилган. Бу ҳақиқатни ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлаган. Машҳур француз олими М. Буҳайнинг «Таврот, Инжил, Қуръон ва янги илм» китобида бунга кўплаб мисоллар келтирилган.

2. Навоийнинг ижодини ўрганишга ҳам исломий манбалар ёрдам беради. Чунки ҳазрат бобокалонимиз ўз асарларини Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва бошқа ислом манбалари таъсирида ёзганлар, бузилган «Муқаддас китоб» таъсирида эмас.

3. Барча билиб қўйиши керакки, «Аҳли китоб» дегани мусулмон дегани эмас. Кофирлар «Аҳли китоб» ва мушкирларга бўлинади. «Кофир» сўзи тўсувчи, беркитувчи деган маъноларга эга бўлиб, қалбларидаги Қуръонга ва Муҳаммад алайҳиссаломга бўлган иймонни тўсувчиларга шу исм нисбат берилади.

4. «Муҳаммад алайҳиссаломдан аввал, келган динларга Ислом сўзини ишлатиб бўлмайди», деган гап ҳам нотўғри. Аллоҳнинг ҳузурида ҳамма динлар Ислом — шунинг учун ҳамма динларда ҳам асос бир, яъни Аллоҳга, пайғамбарга, илоҳий китобга, фаришталарга, ўлгандан сўнг тирилишга, қиёмат кунига ва бошқаларга иймон келтиришга чақиради. Шариатлар эса ҳар хил пайғамбарлар юборилиши, замонга, маконга, қавмга қараб бўлган. Бошқа халқларда динларни пайғамбарлар номи билан аташ машҳур бўлган, холос. Христиан дини — Христдан; яҳудий дини Яҳузодан ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ғарбликлар Исломни «магометанская религия» деб, мусулмонларни «магометаны», дейишади.

5. Файзулла Набиев ва Султонмурод Олим Иброҳим пайғамбарнинг қурбонликка олиб борилган, аммо худо тарафидан ўрнига қўзи юборилган ўғли Ислом эмас, Исҳоқ эканини «Муқаддас китоб»дан аниқлаштириб олганларини мамнуният билан қайд этадилар ва масжид имоми хатосини тузатган бўладилар. Аслида, қурбонликка олиб борилган ўғил Исмоил экани Қуръоннинг сўзи, бирор имом ёки олимники эмас. Қуръон хабарини тан олмаган киши эса Исломдан чиққан ҳисобланади. Эслатаман, Қуръоннинг бир ҳарфи ҳам ўзгармаган. Қурбонликка олиб борилган ўғил Исҳоқ деган фикр нотўғрилиги эса юз марталаб илмий ва тарихий далиллар билан исбот қилинган. Мақсадимиз бошқа бўлгани учун мен бу масалани ҳам чўзиб ўтирмайман.

6. Мақола муаллифлари Юсуф алайҳиссаломнинг қиссаларини «Муқаддас китоб»дан ўқиганлари учун фақат шу тўғри деб тушунадилар ва ҳатто исломий талқинни нотўғри деган фикрга ҳам келадилар. Иқтибос келтирсак, тушунарлироқ бўлади.

«Юсуфнинг Мисрга ҳукмронлик қилгани (шунинг учун у «Шоҳ Юсуф» дейилган), акалари ундан ҳасад қилгани (албатта, жарга ташлаш исломдаги талқин, бу китобда улар Юсуфни қул сифатида Миср бойларига сотиб юборишади), унинг ниҳоятда хушрўй одам бўлганидан хабар топамиз». Начора, Қуръондан жилла бўлса ҳам хабари бўлмаганидан сўнг шундай бўлади-да. Аслида Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги энг тўғри қисса Қуръони каримда келган-ку! Унда бутун бир бошли узун сура «Юсуф» номи билан аталади. Ёш Юсуфга акалари ҳасад қилиб, оталаридан ўйнатиб келамиз, деб рухсат олиб кетиб, қудуққа ташлаб, сўнг мисрлик савдогарлар карвони келиб сув олмоқ ниятида қудуққа боришгани, қудуқдаги Юсуфни чиқариб олишганда улардан «Қулимиз эди, сотамиз», деб пул олиб оталарига бориб «Укамизни бўри еб кетибди», деб қонли кўйлагини кўрсатганлари ҳикояси Қуръонда келган-ку! Аввал айтганимиздек, Қуръони карим Юсуф алайҳиссаломни поклаб зикр қилади. «Муқаддас китоб» ҳақида буни айта олмаймиз.

«Эски анъаналаримиздан оёғи узилмаган одамга «Бир туш кўрибман», — деб гап бошлашингиз билан суханингизни оғзингиздан олиб: «Юсуф пайғамбар ёр бўлсин!» дейди». Муаллифларимиз шу жумлани ёзганларида эски одамларимиз ҳам «Муқаддас китоб»дан хабардор бўлганлар демоқчимиканлар? Йўқ, улар Қуръони каримни яхши билганлар, шунинг учун юқоридаги сўзларни айтишган.

7. Агар Исломдан яхшироқ хабарлари бўлганда фақат Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романидаги баъзи исм ёки маконларнигина эмас, балки бошқа кўплаб китоблардаги исм, макон ва ҳоказоларни ҳам таржима қилишга адибларимиз қийналмаган бўлардилар.

8. Ҳурматли муаллифларимиз Қуръондан яхши хабардор бўлганларида Нуҳ пайғамбар ҳақидаги тўқимани эмас, ёрқин ҳақиқатни билган бўлардилар...

Айни чоғда мақола муаллифларига ташаккур ҳам айтаман, чунки улар қачондир айтилиши лозим бўлган ушбу гапларни айтишнинг тезлашишига сабаб бўлдилар. Уларнинг халқимизни маърифатга ошно қилиш учун куюнчакликларини табрик этаман. Лекин «Муқаддас китоб» суратларда»ни қайта нашр қилишга чақириқларига асло қўшилмайман. Шошмай туринг! Аввал ўзимизни ўрганиб олайлик, сўнг маслаҳат қилармиз.

Сизлардан, ҳурматли Файзулла Набиев, Султонмурод Олим ва бошқа зиёлилар, нашриётларда навбат кутиб ётган ўз китобларимизни, исломий масдарларимизни чоп этишда ёрдам беришингизни сўраймиз. Ҳукуматнинг махсус қарорлари бўлишига, ялиниб-ёлборишларга қарамай, бу оламшумул аҳамиятга молик китобларни чиқара олмай, хуноб бўлаяпмиз. Яна қанча китобларни нашрга тайёрлаб қўйганмизу бироқ бирор дардкашни топа олмай, дилимиз хуноб. Ҳали қиладиган ишларимиз, чоп этадиган китобларимиз жуда кўп, уларни чиқарайлик, ўқиб-ўрганайлик. Исломимиз ҳақида мустаҳкам фикрга эга бўлайлик. Кейин бошқа нарсаларни ўрганиш қочмайди.

Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ,
Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси раиси, муфтий

НИЯТ ХОЛИС

Йиллар мобайнида таъқиқу таъқиб этилган дини ислом ҳақида матбуотда илмий суҳбатлар қуриш насиб этган замонларга етганимизга шукур. Аммо, эътироф этиш лозимки, аксариятимизнинг бу соҳада тажрибамиз кам. Мақоламизда ислом нуқтаи назаридан айрим ноаниқликларга йўл қўйилганлигининг боиси ҳам шунда.

Муҳтарам муфтининг жавобларидан шу боис хурсанд бўлдикки, ул ҳазрат мақоланинг бирор ғаразли мақсад билан ёзилмаганини теран англабдилар. Ниятимиз Қуръонни қўйиб, «Муқаддас китоб»ни («Библия») тарғиб қилиш эмас, аксинча, Қуръоннинг мазмунан ва бадииятан ундан бурунги барча диний китоблардан кўра мукаммалу мўътабар манба ҳамда ажиб бир мўъжиза эканини яхши ҳис этиш учун ҳам «Таврот»у «Инжил»дан хабардорлик керак, Аллоҳни кенг билим — маърифат орқали таниш лозим, дейиш. Қуръонда Тавроту Инжил тилга олинса-ю, биз ундан тамоман бехабар бўлсак. Албатта, ишни Қуръонни ўрганишдан бошлаш зарур. Биз Қуръоннинг талай оятларидаги Муҳаммад алайҳи васалламдан олдин ўтган пайғамбарларга нозил қилинган китобларга иймон келтириш ҳақидаги ақидаларига таяниб, ўша китобларни ҳам ўқишни истаганмиз. Уларнинг асл нусхалари йўқолиб, бизга бузилган ҳолда келгани (улар Худо тарафидан инкор этилганини айтганмиз), бир пайғамбар ёхуд муайян воқеа-ҳодисага турли динларда турлича қарашлар мавжудлиги — бошқа масала.

Бизга ислом Қуръондан бошланади, деб ўқитиб келингани учун, Муҳаммад алайҳи васалламдан илгариги пайғамбарларнинг худога эътиқоди ҳақида «дини ислом» деб бўлмайди, деган фикрда эдик, муфти ҳазратларига раҳмат, бунга аниқлик киритдилар.

Мақола муштарийлар д а баҳс қўзғаганидан хурсандмиз. Баҳонада исломнинг анча масалалари ойдинлашди. Муҳтарам муфтининг зиёлиларни Қуръони каримни тушуниш ва тушунтириш йўлида ҳамкорликка чорлашлари бизга жуда маъқул тушди. Ахир, халқимизнинг неча-неча асрлик тарихи, маданияти, жумладан, адабиётини исломсиз тасаввур қилиш мумкинми? Ўтмиш шоиру адибларимиз, хусусан, Навоий ижодини Қуръондан айри талқин этишнинг ҳеч иложи йўқ. Навоий ижоди исломни, ислом Навоийни тушунишга ёрдам беради. Шу йўлда илм аҳли билан ислом уламоларининг ҳамкорлигига биз ҳам умид боғлаймиз. Бундан икки тараф ҳам ютади, халқ ҳам. Агар яхши ният билан ёзилган мақоламиз муҳтарам диндошларнинг кўнгилларига қаттиқ ботган бўлса, узр.

Очиғи, аҳли диннинг маслак йўлида жонкуярлик билан, бир тану бир жон бўлиб — уюшиб ҳаракат қилаётгани ёқди. Шояд, маданий меросимизга (дин ҳам маданий мерос) куюнчаклигу уни асраб авайлашдаги ана шундай уюшқоқлик бутун бир халққа юқса!..

Файзулла НАБИЕВ,
Султонмурод ОЛИМ

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат рафиқаси Турсуной ая билан.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

ЭЛ ФАРЗАНДИ

1979 йил эди. Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олардим. Санатория ошхонасига илк бор кирганимда таомларни назорат қилиб турадиган ҳамширадан тўрдаги кичик залнинг денгиз томонга қараган деразаси олдидан жой топиб беришни илтимос қилдим. Шу аснода катта залнинг ўнг бурчагида кўпчилик қатори овқатланаётган одамга кўзим тушди. Кўрдиму юрагим ҳапқириб кетди. Бир лаҳза тўхтаганча, қўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. У ҳам хиёл жилмайиб, алик олди...

Бу одам Нуриддин Муҳиддинов эди.

Кутилмаган учрашув мени ҳаяжонлантириб юборганди. Хаёллар оғушида қандай овқатланганимни ҳам билмадим:

«Энди ҳар куни аҳвол шу экан-да! Бу одам этак томонда, кўримсиз бир бурчакда ўтирса-ю, мен тўр томонда овқатлансам. Бу беодоблик эмасми? Наҳотки, унга тузукроқ жой кўрсатишмаган бўлса! Кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бу одам дам олиши мумкин бўлган аъло шароитли бошқа санаториялар ҳам бор-ку!»

Шу хил уй-фикрлар билан чала-чулпа овқатландим-да, ташқарига чиқдим. Нуриддин Акромович кетиб қолмаган экан. Эски қадрдонлардек кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. У гап орасида:

— Мен бу ерга элдош оғайниларни кўрай деб келдим. Тошкентга бориб кўп тура олмайман. Бу ерда бир ойча бўлиб ҳамшаҳарлар билан кўришаман, суҳбатлашаман. Ҳар қалай, бу ер ҳам Ўзбекистоннинг бир парчаси-да, — деди.

Бу гаплар менда пайдо бўлган баъзи ўринсиз шубҳаларга жавоб эди.

Кейинги суҳбатларимиз жумҳуриятимиз аҳволи, айрим шахслар қисмати, адиб ва шоирларнинг янги асарлари хусусида бўлди. Шу кезларда Пиримқул Қодировнинг Бобурга бағишланган «Юлдузли тунлар» романининг журнал нусхаси эълон қилинган эди. Биз асарнинг ёзилиш тарихи, эълон қилинишидаги машаққатлар хусусида ҳам фикр алмашдик.

Санаторияларнинг хушманзара хиёбонларида ёлғиз кезган пайтларим хаёл мени узоқ ўтмишга олиб кетди. 1950 йил. Ҳали университетда ўқиб юрган пайтим. Ҳар йили май ойида «Правда» газетасида эълон қилинадиган хабарни ўқиб қолдим. Биринчи гал бу хилдаги хабарни уруш охирлаб қолган пайтларда, чамаси, 1944 йилда ўқиганман. Хабар ВКП(б) Марказий Комитети номидан бўлиб Москвада ижтимоий академияси таъсис этилаётгани хусусида эди. Эълонни ўқиб, «Қани эди, мен ҳам шу академияга кириб ўқисам», деган орзу хаёлимдан ўтганди ўшанда.

Университетни тамом қилаётган кезларимда яна шу эълонга кўзим тушиб, орзум мақсадга айланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат қилдим. Ишим анча силлиқ кетди. Ўқишга тавсия қилиндим. Бироқ, Академияда имтиҳон бошланадиган пайтгача мен дорилфунунни битириш давлат имтиҳонларини топшириб улгурмаганим сабабли Москвага бора олмадим. «Шахсий делонгизда олий маълумотингиз борлиги хусусида ҳужжат йўқ экан», деган жавобни олдим.

Кейинчалик ҳаётим бутунлай бошқа томонга бурилиб кетди. Ўқишни эндигина тугатган кунларимнинг бирида Марказкомга таклиф қилишди. Бўлим мудири Муҳаммаджон Ҳолиқов қисқагина суҳбатдан кейин мени секретарь ҳузурига олиб кирди.

— Яхши, — деди секретарь шахсий ҳужжатларим билан танишиб чиққач. — Икки йил шу ерда ишлайсиз, кейин ўқишга юборамиз!

Мен унинг сўзларида бир вақтнинг ўзида ҳам қатъиятни, ҳам қандайдир меҳрибонлик борлигини сездим.

Бу одам Нуриддин Акрамович Муҳиддинов эди.

Ҳар бир одамнинг тақдири аввало, ўзига, айни чоғда ҳаёт йўлида унга дуч келган одамларга ҳам боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, менинг келажагим Н. Муҳиддинов билан боғлиқ бўлиб қолди. Иш жараёнида у киши ҳақидаги илк таассуротларим тобора мустаҳкамланиб борди. Очиқ чеҳралик, самимийлик, атрофдагиларга хайрихоҳлик, иши тушганларга ёрдам қўлини чўзишга тайёрлик, мулоқотда бўлган ҳар бир кишининг кўнглини овлашга ҳаракат қилиш Н. Муҳиддиновга хос фазилатлар эди. Хайрли ишларда у толмас-чарчамас раҳбар эди.

Баъзан бўлимлар орқали қабулига кира олмаган ҳожаткорлар уни марказком эшиги олдида, кўзи тушадиган жойда кутишарди. Улар ичида кексалар ҳам бўларди. Ҳар гал у 2—3 нафар кексаларни ўзи билан ичкарига олиб кириб кетар, зудлик билан ҳожатини чиқариб кузатиб қўярди. Бу ўз вазифасига, партия ишига тўраларча муносабатда бўлмасликнинг намунаси эди.

1951 йил баҳорида рўй берган бир воқеа ҳануз эсимда. Марказкомнинг катта залида мажлис борарди. Унда Н. Муҳиддинов жумҳурият нозирлар Советининг раиси сифатида маъруза қилди. Мажлис тугагач, иккиланиб унга яқинлашдим. Хаёлимда минг хил андиша: «Республиканинг сиёсий-иқтисодий аҳволи ҳақида гап бораётган бир пайтда сенинг шахсий ишингга бало борми?» деб жеркиб берса, ким деган одам бўламан?

Барибир, дастлабки аҳдим устун чиқди.

Нуриддин Муҳиддинов мени одатдагидан ҳам очиқроқ чеҳра ва хушфеъллик билан қаршилади. Бундан дадиллашиб, секин гап бошладим:

— Нуриддин Акрамович, биласиз, квартирам йўқ...

— Хўш, хўш! — у хайрихоҳлик билан кўзларимга тикилди.

— Марказком ишлар бўлимига тегишли битта уй бўшабди...

Шундай деб бўшаган уй қаерда эканини тушунтирмоқчи ҳам эдимки, у «Қани, юринг», деганича мени даҳлиз томон етаклади.

Нуриддин Акрамович Марказком иш бошқарувчиси Теришхоновдан квартира бўшаганлигини аниқлади-ю, мен томонга ишора қилиб, «Уйни шу кишига беринг», деди. Теришхонов нимадир деб эътироз билдирмоқчи эди, Нуридин Акрамович чўрт кесди:

— Бу киши токайгача меҳмонхонада яшайди?

У шундай деди-ю, биз билан хайрлашиб кабинетдан чиқиб кетди. Ноилож қолган иш бошқарувчи нигоҳини стол устидаги қоғозларга қадаганча, «Эртага келинг», деб минғирлади.

Орадан уч йил ўтди. Ижтимоий фанлар академияси аспирантурасида таҳсил олардим. Бир куни Академия ректори бизни ўз кабинетига таклиф қилди. Бу ерга биз аспирантлардан ташқари олий партия мактаби талабалари ҳам йиғилган эдилар. Бир маҳал кабинетга икки-уч киши ҳамроҳлигида Н. А. Муҳиддинов кириб келди. У ҳамма билан бир четдан қўл бериб кўришиб чиқа бошлади. Баъзилар олдида бир зум тўхтаб нималарнидир аниқлаб олди. Мендан «Қандай масала билан бандсиз?» — деб сўради. Бундай саволни кутмаган эдим, дудуқланганча «Белинскийдан», — дедим-да, масаланинг моҳиятини тушунтириш учун оғиз жуфтладим. Бироқ у гапимни давом эттиришга имкон бермай, навбатдаги одамга қўл узатди.

Табиийки, бундан ранжидим: «Наҳотки, мен учун катта ҳаётга йўл очиб берган, шахсий ишларимгача кўмаклашган одам қилаётган ишимга тузукроқ қизиқмаса?»

Нуриддин Акрамович суҳбат бошлади. Унинг маърузаларини кўп эшитганман, мураккаб масалалар юзасидан 2—3 соатлаб ҳеч қандай қоғозсиз, тутилмасдан маъруза қилган пайтларини биламан. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бир соатлар чамаси вақт ичида бутун жумҳурият аҳволи хусусида маълумот берди. Айниқса, ҳозир ҳам долзарб ҳисобланган бир масала хусусида батафсил тўхталгани ҳамон эсимда.

— Биз бир гектар ердан нима униши ва ундан қанча даромад олиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқдик. Масалан, мева, беда, сабзавот... улардан олинадиган даромад пахтадан олинадиган даромаддан бир неча баробар кўп экан. Шунга кўра биз раҳбарлар олдига пахта нархи хусусидаги масалани қўйдик.

Сўнгра у республикада адабиёт ва санъат соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида, ёзувчилардан кимлар қандай асарлар ёзаётгани, Москвада бўладиган декадага қандай тайёргарлик кўрилётгани тўғрисида сўзлаб берди.

Бу суҳбатда Нуриддин Акрамович менга «Республикамиз ҳаётига сизнинг ҳиссангиз нимадан иборат? Белинскийни тадқиқот қилишга сиздан бошқа одам тополмабдими?» деяётгандек бўлавераради, назаримда. Шундан кейин изланишларимда шубҳалар, иккиланишлар бошланди. Илмий йўналишим хусусида домлаларим билан узоқ-узоқ суҳбатлашдим...

Домлаларимдан бири М. Б. Храпченко Белинский илмий ақидалари хусусида илмий иш қилишимга қарши бўлмаса ҳам гап орасида Белинский, Чернишевскийларнинг ҳар бири хусусида юзлаб диссертациялар ҳимоя қилинганини қайд этди. Демак, зўр келса, мен неча юзинчи сўзни айтишим мумкин экан, холос...

Бир йилча ўтгач, яна ўша ректор кабинетида Нуриддин Акрамович билан қайта учрашдик. У мен билан сўрашиб улгурмасданоқ қандайдир бепарволик билан «Белинский бўлаяптимизми?» деб сўраб қолди. Мен бош чайқадим ва яна ҳаяжон аралаш «Ойбек...» дейишга улгурдим, холос. Унинг нигоҳида қандайдир қаноат сезгандек бўлдим. Шу аснода матбуот саҳифаларида Ойбекни миллатчи, ўтмишни идеаллаштирувчи ёзувчи сифатида айблаганлари эсимга тушди. Бироқ шубҳам узоққа бормади. Нуриддин Акрамович: «Бу яхши, бу керак», — деб мени олқишлади...

Ўқишлар тугади. Мўлжалланган ишларимнинг баъзилари битди. Бир сафар Хива райкомининг биринчи котиби — дўстим Худойберган Раҳимов хонадонида Нуриддин Акрамович билан яна дуч келдим. Суҳбат мавзудан мавзуга кўчди. Учрашувлар эсга олинди. Бу вақтда Нуриддин Акромович КПСС МК бюро аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари эди.

Кўп ўтмай у бутун туркий халқлар фахрига айланди.

Бир ойлик дам олиш пайтида мен Нуриддин Акромович ҳолатию кайфияти билан қизиқдим. Ўзаро суҳбатларда у ўзини бамисоли яқин дўстникига келиб қолган меҳмондек ҳис қилар эди. Йиллар давомида марказда ҳар хил юқори лавозимлар эгаси, чет элларда Иттифоқ элчиси сифатида юриб, дўстларини ўта соғинган, бироқ узоқ вақтлардан бери мулоқотда бўлмагани учун орада қандайдир оддий кўз илғамас масофа бордек кўринар эди. Жумҳуриятимиз ҳаёти, машҳур кишиларимиз хусусида гап кетганда, унинг дили ёришиб, кўзлари ёлқинланиб кетарди. Гоҳо кайфияти тез ўзгариб қоларди. Бундай пайтларда ўз эли, она юртидан йироқдалигини хаёлидан ўтказаётгани сезилиб турар эди. Зеро, Н. Муҳиддинов ҳамиша эл-юрт меҳри билан яшарди. Ҳозир ҳам гарчи анча кексайиб қолган бўлса-да, у эл-юрт ташвиши билан яшамоқда. Жумҳурият тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб, жамоат ишларида иштирок этмоқда...

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
ЎзССР ФА мухбир аъзоси

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК

Ҳар бир муштарий жарида ва рўзномалар саҳифаларида ўзини ўйлантириб юрган муаммолар ёритилишини, ҳаётимиз ҳамда кундалик тақдиримиз тўғрисида баҳс юритувчи, қалбларда мушоҳада уйғотувчи мақолаларнинг кўпроқ ўрин олишини истайди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг қувонч ва ташвишларини, тезкор асримизда рўй бераётган барча янгиликларни ҳақиқат тарозусига солиб ўз муштарийларига етказаётган вақтли матбуот нашрлари ижодий коллективлари билан ўтказилаётган мулоқотлар, учрашувлар қизғин ўтмоқда. Хоразм вилояти, Боғот районидаги Шайдаков номидаги мактабда район маориф ходимлари, ўқитувчиларининг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги, «Хоразм ҳақиқати» рўзномаси ва «Хоразм» хабарномаси ижодий жамоаси вакиллари билан учрашуви ҳам мунозараларга бой бўлди. Рўзнома ходимлари Камол Матёқубов ва Сотимбой Авазов ўзлари ишлаётган нашрларнинг фаолияти, келгуси режалари тўғрисида гапирдилар, газетхонларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Учрашувда тарихни, экологик аҳволни ҳаққоний ёритиш, адабиётимиз ва санъатимизнинг кам ўрганилган нуқталарига эътиборни кўпроқ қаратиш, қишлоқ ҳаёти, одоб-ахлоқ ва қонун муаммоларини жаридалар саҳифаларига олиб чиқиш тўғрисида таклифлар билдирилди.

Бундай учрашувлар воҳанинг бошқа жойларида ҳам бўлиб ўтди. Воҳада кўплаб меҳнаткашлар ҳафталикка бу йилги обуна учун нарх-наво ошган шароитда ҳам муштарий бўлиш ниятларини маълум қилдилар ва баъзи фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шакар ХЎЖАНИЁЗОВА, Боғот район партия қўмитасининг биринчи котиби:

— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги халқимизнинг дилидаги армонларини тилига кўчираётган нашрлардан биридир. Биз учун армонларнинг армони — ўзлигимизни англаш, адабиёт, санъат, маданият жабҳасида, илм оламида аждодларимизнинг меросидан баҳраманд бўлиб, ўзимиз ҳам ўша юксакликларга кўтарилиш эди. Не ажабки, ҳафталик тарихимизнинг қоронғи нуқталарини ёритиб, очиб бермоқда. Кимлигимизни била бошладик. Ўзлигини англаган инсон эса кўзлаган ниятига етади.

Ҳафталикни мен ҳақиқат учун курашчи деб аташни истардим. Зеро, унинг саҳифаларида жуда кўп муаммолар ҳаққоний баҳосини олмоқда. Жумҳуриятда аёллар меҳнати, уларнинг фожиалари, экология муаммолари, «пахта иши»даги айбсиз айбдорлар, қонунчилигимиздаги баъзи ноҳақликлар, тарихимиздаги чалкашликлар... буларни яна давом эттираверишва ҳафталикнинг ажойиб хислатларини санайвериш мумкин.

Мен бир таклифни айтмоқчи эдим. Ҳафталик келгусида ўз саҳифаларида Хоразм маданияти, санъати, адабиётига ҳам кенгроқ ўрин берса, бизнинг орзу-армонларимиз, ишларимизни ҳам ёритса...

Солий ҲАЙИТБОЕВ, Янгибозор район ижроия қўмитасининг раиси:

— Ҳар гал Аму бўйига борганимда ич-ичимдан зил кетаман. Бир пайтлари ҳайқириб оққан дарё қани? Аму бўйларида қўм-кўк ястаниб ётган тўқайлар қаерга йўқолди? Орол денгизига сув тушаяптими? Сувимиз нега бунчалар шўрлаб кетди? Бундай саволлар нафақат менинг, балки ҳар бир хоразмликнинг қалбидан отилиб чиқаётган бўлса ажаб эмас.

Хўш, буларнинг айбдорлари кимлар? Ахир Қарши, Жиззах, Бухоро чўллари ва Мирзачўлда пахта далалари яратиш ҳисобига гуллаб-яшнаган воҳани ва унинг маданиятини бой бераётган кимлар эди? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ана шу муаммоларни изчиллик билан ечиб бераётгани учун ҳам бизга қадрлидир.

Вафо РАЖАБОВ, Урганч тумани Ленин номидаги жамоа хўжалиги раиси:

— Халқимиз азалдан меҳнаткаш. Унинг меҳнати санъат билан мустаҳкам боғланиб кетган. Шунинг учун ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос санъати бор. Айтайлик, бир қишлоқда ғоят гўзал бешиклар ясалса, бошқасида пичоқ, яна бирида лаганлар яратилган. Лекин эндиликда ана шу халқ амалий санъати анъаналари йўқолиб бормоқда. Биз ҳам моддий, ҳам маънавий қадриятларимизни, қолаверса, инсоний қадр-қимматимизни бой бермоқдамиз. Ҳафталикнинг ана шу масалаларга кўпроқ эътибор қаратишини истардик. Бу борада ўзимиз ҳам ҳамкорликка доим тайёрмиз.

САРГАРДОНЛИК ДРАМАСИ

САМАРҚАНДДА ТЕАТР ТАҚДИРИ УЧУН КИМ ҚАЙҒУРАДИ?

САМАРҚАНДДАГИ Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек драма театри жумҳуриятимиздаги энг тўнғич санъат даргоҳларидан. У 1918 йил февралда ташкил этилган. Бу асримиз бошида миллий маданиятимиз учун жон куйдирган Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдулла Бадрий хизматининг самараси эди.

Бугунги кунда халқимизга таниш, санъатимиз учун эса ардоқли бўлган кўпгина санъаткорлар ана шу театрда илк бор санъат оламига қадам қўйишди ва камол топишди. Ғани Абдулло, Толибжон Содиқов, Юнус Ражабий, Рихси Ражабий, Зиёдулло Шаҳидий, Ҳанифа Мавлонова, Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Раҳим Пирмуҳамедов, Ғулом Абдураҳмонов, Насим Ҳошимов ва яна ўнлаб халқ артистлари шулар жумласидандир.

Гражданлар уруши йиллари Ашхобод, Бухоро, Красноводск, Хўжанд фронтларида, беш йилликлар даврида Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори қурилишларида театр коллективи ўз хизматларини аямади. 30- йилларда театр ижодкорларидан бир бўлаги ажралиб, Тожикистондаги ҳозирги Лоҳутий номидаги драма театри ташкил қилишди.

Театр ўзининг 73 йиллик тарихида чет эл, рус классик адиблари, иттифоқдош республикалар ва ўзбек драматургларининг энг яхши асарларини саҳналаштириб, халқимизнинг яхши-ёмон кунларида доимо бирга бўлди.

60- йилларга келиб, театрнинг эски биноси яроқсиз ҳолга кела бошлади. 1964 йилнинг март ойида эса бино қулаб тушди. Таажжубланарли жойи шундаки, мазкур театр учун қурилаётган янги бино кутилмаганда Самарқандда ташкил қилинган опера ва балет театрига берилди.

Шундай қилиб, самарқандликлар ҳам миллий мусиқадан, ҳам миллий театр томошаларидан маҳрум бўла бошладилар. Бундай ишлар ўша даврнинг ҳақиқий фожиаси эдики, кимларнингдир хоҳиши билан, кимларнингдир мартабаси ошиши, унвонлар олиши учун, миллатимиз маънавий меросларидан маҳрум қилинди.

Бироқ, Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек драма театри ходимлари ҳаммасига чидашди. Улар маданият уйларида, клубларда, ҳатто айрим актёрларнинг уйларида спектакллар тайёрлаб, бу спектаклларни телевидение орқали кўрсатиб, радиоларда ёздириб, колхоз-совхозларда ижодий сафарларда бўлиб, ўз санъатларини меҳнаткаш халқ олдида намойиш этдилар. Ана шу хизматлари учун театр 1978 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўша йили Самарқанд рус драма театрига янги бино қуриб берилди. Унинг эски биноси (бу бино 1898 йили шаҳар губернатори томонидан кичик йиғинлар учун пахсадан қурилган) ўзбек драма театрига «совға» қилинди. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, бу сафар ҳам янги бино ўзбек театрига насиб этмади.

Шу ўринда опера ва балет театрининг тақдирига бир назар ташлайлик. Театр ташкил қилинишидаёқ чала боладек туғилди. Ўшанда солистлар, хор, балет, оркестр тўлиқ эмас, марҳум Мухтор Ашрафий вақтинчалик бўлса ҳам Тошкентдан ва бошқа шаҳарлардан солистлар, мутахассислар таклиф қилиб, спектакллар қўйишга мажбур бўлди.

Дастлабки йиллар театрда қўйилган опера асарларини халққа сингдириш учун хўжаликлардан, завод-фабрикалардан одамларни мажбуран олиб келиб томошалар кўрсатилди. Эшиклар олдига «томошабин» чиқиб кетмасин, деб милиция ходимлари қўйилди. Чет эллик меҳмонлар жалб қилинди ва ҳоказо. Бундай «тадбирлар» бир неча йил давом этди. Натижада эса, халқнинг бу санъат турига меҳри йўқлиги аён бўлди. Бунинг устига, кўплаб мутахассислар бу театрдан кета бошлади. Қисқаси, халқ бу санъат турини «ҳазм» қила олмади. Чунки театр томошабин истаги билан эмас, юқоридагиларнинг буйруғи билан ташкил қилинган эди. Масалан, шу кунгача театрга жумҳуриятимизнинг 18 миллиондан ортиқ пули дотация сифатида сарфланди. Шу рақамнинг ўзиёқ театрнинг қанчалар ночор аҳволда эканлигини кўрсатади. Ижодий жараён ва миллий репертуар ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади.

Умуман олганда, ҳам иқтисодий, ҳам мафкуравий томондан мазкур театр маданиятимизнинг қотиб қолган нуқталаридан бирига айланди.

Кейинги йилларда Ўзбек драма театрининг аҳволи ҳам ниҳоятда оғирлашиб бораётгани ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Гўё миллий театр ҳеч кимга керак эмас!

Самарқанддек шаҳри азимга келган киши бирор жойда миллий куй, қўшиқ эшита олмаса, ўз миллий тилида театр томошалари кўролмаса, айтинг-чи, бу адолатданми? Қайси миллат, қайси халқ ўз санъатини бунчалик хорлайди, оёқ ости қилади? Бундай қийинчиликда ва ижодий шароитнинг йўқлигига чидай олмаган театр ходимлари ўтган йилнинг март ойида иш ташлашга мажбур бўлдилар. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга хабар ҳам қилинди. Лекин аҳвол ўзгармади. Азбаройи санъатга бўлган муҳаббат бизни яна театрга қайтишга ундади. Театр эса ҳали-ҳануз биносиз, ишлаш учун шароит умуман йўқ. Бундай аҳволни ўз кўзлари билан кўрган самарқандлик олимлар, адабиётчилар, театршунослар, айрим хўжалик раҳбарлари, талабалар имзо чекишиб, жумҳуриятдаги тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига хат йўллаб, Самарқанддаги иккала театрни ҳам ёпиб, музикали драма театри ташкил қилишни сўраб мурожаат қилишди. Тез орада Ўзбекистон ҳукумати томонидан нуфузли комиссия тузилди. Бу комиссияга таниқли театршунослар, жумҳурият Маданият министрлиги ва Театр арбоблари уюшмасидан мутахассислар жалб қилинди. Улар бир неча кун давомида иккала театрнинг аҳволини ўрганишди. Студентлар, колхозчилар, ишчилар ҳамда театрларнинг ижодий коллективлари билан учрашиб, уларнинг мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдилар. Сўнг улар Самарқанддаги иккала театр ҳам вақтинча тарқатилиши, янги бадиий раҳбар ва режиссёрлар тайинланиб, конкурс асосида шу икки театрда ишлаб келганлар ва бошқа театрлардан мутахассислар таклиф қилиш йўли билан янги музикали драма театри ташкил этиш ҳақида жумҳурият ҳукуматига хат тайёрлашди. Афсуски, бу хатнинг ҳам натижаси бўлмади. Айнан шу масалага бағишлаб гоҳ у, гоҳ бу театрда ҳамда вилоят маданият бошқармасида қатор мажлислар ўтказилди. Хулоса шундай бўлдики, ҳар иккала театрни қўшиб — синтетик театр тузиш керак, дейишди.

Бунга ўз вақтида эътироз билдирилиб, ахир опера артистлари ҳам, драма артистлари ҳам музикали драмада ўйнаша олмайди, дейилди. Йиғилиш натижасиз тугади. Шунча машмашалардан сўнг Ўзбек театрининг эски биноси яна таъмирлана бошланди. Шу кунларда ана шу таъмирлаш ишлари ниҳоясига етяпти. Лекин театрнинг лойдан қурилган биноси уч-тўрт йил ичида ағанаб кетиши муқаррар.

ХУЛЛАС, МИЛЛИЙ театримизда саргардонлик драмаси қачонгача давом этади? Бу драмани қайси мутасадди ташкилотнинг қайси мард раҳбарлари қачон кўриб, қандай баҳолайдилар? Ахир Шарқнинг машҳур шаҳри Самарқандда миллий театрнинг узоқ йиллардан буён топталиб келаётганлиги, оёқ-ости қилинаётганлиги наҳотки ҳеч кимни ташвишга солмаса. Бу жиддий саволларга тегишли ташкилотларнинг раҳбарларидан тегишли жавоб кутамиз.

Таънаберди ҚУРБОНОВ,
театр директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Душан ФАИЗИЙ,
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

Шукур САМАНДАРОВ, Раъно ЖЎРАҚУЛОВА, Носир ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар

Эсон МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

БИЗДАН СЎНГ ҲАМ ВАТАН ҚОЛУР

ШАХСИЙ КЎРГАЗМА мусаввирнинг нафақат орзу-армони, балки тақдири, қисмати ҳамдир. Йиллаб кутилган бу лаҳзаларда кўп нарсалар кўзга ташланади. Асарлари ё танқид қилинади, ё мақтовга сазовор бўлади. Исфандиёр Ҳайдар ўғлининг шахсий кўргазмаси ҳақида мақтовлар айтилмоқда. Нега шундай? Мусаввир маҳорати сирлари нимада? Ана шундай саволлар қуршовида унинг устахонасига бордим.

Исфандиёр устахонада Саудия Арабистонидан келган, авлоди асли туркистонлик бўлган Зуҳриддин ака билан суҳбатлашаётган экан. Зуҳриддин акани Исфандиёрнинг кўргазмасида ҳам кўргандим.

Мен ундан рассом асарлари ҳақида фикрини сўрадим.

— Менимча, она Ватанга зўр муҳаббати боис, асарлари кўркам яратилган, — деди у киши.

Исфандиёр бу гапдан ҳаяжонланиб кетди-да, турк шоири Ҳофиз Алининг ушбу шеърини ўқиди:

Бир кун ўтармиз оламдан
На руҳ қолур,
на тан қолур.
Аммо яйраб биз
айланган —
яшнаб ётган чаман
қолур...
Мангулик, бу — содда
бир гап,
Дунё қўяр баъзан ўртаб,
Кўнглимизда аммо таскин:
биздан сўнг ҳам Ватан
қолур.

Зуҳриддин ака жуда таъсирланди, беихтиёр бир ҳўрсиниқ билан: «Ҳа-да, албатта. Ватан қолур», — деди. Исфандиёр у кишига Ватанимизнинг бир парчаси бўлмиш Хумсон қишлоғи манзараси тасвир этилган асарини совға қилди.

Меҳмон хайрлашиб кетгач, суҳбатимиз давом этди. Аммо тасвирий санъат ҳақида эмас, кўпроқ адабиёт, шеърият ҳақида.

— Зуҳриддин аканинг ўзбекча равон, ниҳоятда тоза гапириши мени қойил қолдирди. Қаранг, оталари «қулоқ» бўлиб, ўттизинчи йилларда Қашқарга қочиб, омон қолган экан бу қатағонлардан. Асад Дилмуроднинг «Гириҳ» деган китоби чиққан. Кўпчилик, яъни адабий танқидчилик бу китобга унча эътибор қилмади. Худди Зуҳриддин ака авлодлари ҳақида ёзилгандай бу китоб. Тили ҳам мана шу меҳмон гапирган талаффузда. Э, нимасини айтасиз, турли савияда кўп китоблар босиляптию, ўқувчига сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб берадиган адабиётчиларимиз кам, — деди у.

«Исфандиёр Ҳайдарнинг тасвирий санъатдаги ютуқларига сабаб ўзбек адабиётини, маданиятини билишидир», — деди шоир Усмон Азим кўргазма очилишида.

Хуллас, тахминлар, хулосалар турлича, аммо кўпчилик рассом кўргазмасидан мамнун.

Рассомнинг ижодидан қониқмаганлар ҳам бор: улар деярли Оврупо санъатига ружу қўйган ҳамкасабалари. Эҳтимол, уларнинг ҳам фикрларини тинглаб кўриш керакдир. Аммо, қизиғи шундаки, улар ўз фикрларини матбуот ёки кўргазма муҳокамаларида эмас, орқаваротдан, зимдан гапирадилар. Уларнинг айтишича, Исфандиёр реал манзарани, реалликни бир хил қолипда акс эттиради. Урфдан қолган услубларни қўллайди... Албатта, рассомга улар билан муроса қилинг, улардан ўрганинг демоқчи эмасман. Аммо, ҳарқалай, фикр эшитиш — катта санъат, сабр ва бардош.

Муҳими шундаки, Исфандиёр табиатан ўта ҳиссиётчан, шул сабаб, асарлари ҳам ҳис-туйғуларга мўл. Уни ойдин кечалар, тоғлар куйчиси деб мақташ билан муддаога етиш қийин. Муддао эса: ранглар талошидаги ИФОДАНИ англаш. Хотирадаги қадрдон манзараларни уйғотиб, мияни лаззатлантириш. Аммо, қизиқ, бу лаззатнинг таъминини айтиш мушкул. Гап мусаввирнинг ўта гўзал манзараларни топиб, чизганида ҳам эмас. Шаҳсан менга унинг манзарага бой бўлмаган одмироқ ишлари маъқул. Ғира-шира кўриниб турган тоғлар. Ўрта чўлдаги бекат. Бобо ва невара сабр-тоқат билан йўловчи машина кутишяпти. Бор-йўғи шу. Бу асар кўпроқ Исфандиёр юқорида Ватан ҳақида ўқиган шеърини эслатади. Яъни, азиз ва муқаддас деб саналган Ватаннинг кенгликлари бизда вазминлик уйғотади, сокин хаёлларга чорлайди. Руҳий қувват учун керак асар бу. Исфандиёрнинг «ойдин кечалари» эса дунёдан юраги ториққан инсон кўзларига таскин бериши табиий.

Ўзбек ҳовлиларининг файзли, фариштали, сержило манзараси замондошларимизни маънавий оламга бошлайди, ҳавас уйғотади. Аммо ҳали булар Исфандиёр ижодидаги муҳим белгилар эмас. Чунки бундай мавзудаги асарлар бошқа рассомлар ижодида ҳам топилади. Мен мусаввир чизган асарлардаги рангларнинг сояси борлигини айтмоқчиман. Афсус, кўпчилик рассомлар ана шу ранг сояларига эътибор қилишмайди. Ҳар бир инсоннинг, дов-дарахтнинг, бутун мавжудотнинг ой ва қуёш туфайли ўз сояси бор. Демак, кўзга кўринувчи ҳеч бир нарса-мавжудот соясиз бўлмайди. Ранглар ҳам шундай: уларнинг нозик соялари бўлиши табиий. Айниқса, ёрқин рангларнинг соялари асарда ниҳоятда яширинган бўлади. Улар асарнинг жонлилигини таъминлаб туради. Буни инсон томирларида югуриб турган қонга ўхшатиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Исфандиёр асарларини кўздан кечириб, беихтиёр шундай хулосага келасиз: «Биздан сўнг ҳам Ватан қолур».

Нодир НОРМАТ

СУРАТДА: кўргазма залларида

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова тожикистонлик мухлислари даврасида.

БОБУР НАФАСИ

Шу кунларда жумҳурият телевидениесининг бир гуруҳ ижодий ходимлари «Бобур» видеофильмининг сўнгги қисмларини суратга олишни ниҳоясига етказдилар. Шу муносабат билан видеофильм саҳналаштирувчи режиссёри, Ҳамза мукофотининг лауреати Мақсуд ЮНУСОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мен режиссёр сифатида кўпдан буён Мирзо Бобур ижоди ва ҳаёти ҳақида бирор телеасар яратишни орзу қилиб юрардим. Барча ижодкорлар каби мени ҳам Бобурнинг шон-шавкатли ва айни пайтда изтиробларга тўла умри ниҳоятда қизиқтирарди. Видеофильмга Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романи ҳамда «Бобурнома»ни асос қилиб олдик.

Биз мазкур видеофильмни саккиз серияга мўлжаллаган эдик. Ҳозир суратга олган воқеаларни жамлаб кўрсак ўн серияга етади. Ўйлайманки, бу томошабин учун зерикарли бўлмайди. Видеофильм яратиш жараёнида агар Афғонистон ва Ҳиндистонни ҳисобга олмаганда деярли Бобур қадамжоларида бўлдик. Ўш вилоятининг Буратоғ, Зомин районининг Пешоғар қишлоғида ҳамда Туркистон, Чимкент, Сайрам сингари тарихий жойларда видеофильм воқеаларини суратга олдик. Шунингдек, Бобур умрининг сарсон-саргардонлик йилларини акс эттирувчи саҳналарни Қозоғистон чўлларида лентага муҳрладик. Ҳиндистон саҳналари Сочида суратга олинди.

Видеофильмдаги асосий ролларни пойтахт театрларининг актёрлари билан бир қаторда кўпгина вилоят театрларининг санъаткорлари ҳам ижро этдилар. Бобур ролида жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Абдуқундузов, унинг онаси ролида жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Турсуной Мамедова. Шунингдек, асосий ролларни Ўринбой Нуралиев, Маматхон Асқаров, Зуҳра Исмоилова, Сайёра Юнусова, Равшан Жўраев, Муҳаммаджон Рафиқов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Видеофильм оператори Ҳамза мукофоти лауреати Тўлқин Қурбонов. Саҳна безакларини истеъдодли рассом Акмал Расулов маҳорат билан ишлаган. Унинг ишига ҳали телетомошабинлар юксак баҳо берадилар, деб ўйлайман.

Шу кунларда видеофильмнинг монтажи устида иш қизғин давом этмоқда. Асар эса янги йил арафасида телетомошабинларга ҳавола этилади. Бизнинг асосий мақсадимиз Бобур юртига, унинг халқига яна бир карра ўлмас сиймо нафасини қайтаришдир. Бобур образи ҳали кўплаб саҳна асарларига мавзу бўлади, деб ўйлайман.

СУРАТДА: видеофильмдан бир лавҳа.

Э. МУҲАМЕДОВ суратга олган

АГАР ДЎСТЛАР КЎП БЎЛСА...

Қўқонлик хаттот ва дурадгорнинг набираси Муҳаммад Мадалиев оила коллекциясида сақланаётган, шу кунгача тарихчи ва жуғрофия илми билимдонларига номаълум бўлган Қўқон харитасини маҳаллий адабиёт музейига тақдим этди. Мутахассислар бу ноёб топилмани ҳали иш столларидан олиб улгурмаган эдиларки, Мадалиев яна бир янги экспонат — ўрта асрлар шоирларининг шеърий тўпламлари қўлёзмасини келтирди.

Музей ходимлари Муҳаммаднинг оиласи билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қиладилар. Ўтмишда мулла бўлган, кейин эса адвокатлик қилган бобоси Нўъмонхон ака оиланинг эски анъанасига кўра, бўш вақтларида ноёб илмий китоблар ва баёзларни тўплаб, кўчириб юрарди. умрининг охиригача шу ишга садоқат билан ёндашиб, музейни ажойиб экспонатлар билан тўлдириб турди. Илмий ходимлар унинг китобларидан бирида Муқимийнинг номаълум ғазалини топдилар, яна бирида Навоийнинг ҳали номаълум бўлган илк ғазалларини учратдилар. Буюк Жомийнинг музейига совға қилинган «Ҳафт авранг» асарлар тўплами ҳам музей экспозициясидан ўрин олди.

— Ўз вақтида Муқимий бу китобни ўқиб чиқиб, дастхатини қолдирган, — дейди музей илмий ходими Ҳасан Отажонов. — Яна бир ноёб топилма — форс тилида мантиқ ҳақида китобга ҳам эга бўлдик. Унда мантиқ ҳақидаги трактадан ташқари, Ҳофиз, Фузулий, Бедил шеърлари, шунингдек, номаълум муаллифларнинг рубоийлари бор. Тахминимизча, китоб узоқ вақт Муқимийда сақланган. Унда яқин дўсти Турсунхожининг ўлими ҳақидаги Муқимий ёзган хронограмма бор. Бу шоирнинг иш столидаги китоби бўлиши ҳам мумкин, чунки четларида ғазаллар, баъзи фикрлар учрайди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида номаълум хаттот томонидан кўчирилган, буюк воқеа-ҳодисалар ҳақида қисқа тарихий маълумотлар берувчи «Радойиф ул-ашъор» ва «Ихтисор ул-ахбор» номли қўлёзма китоблар ҳам биз учун ноёб совға бўлди. Оила коллекциясидан олинган яна бир экспонат 1918 йил босилган. Кўпчиликка кам маълум бўлган «Изҳор ул-ҳақ» журналидир. У Тошкентдаги Г. Орифжонов литографиясида босилган. Ундаги муаллифлар рўйхатида Ҳ. Ҳ Ниёзий номи ҳам учрайди. Музейдагиларнинг фикрича, редакция яқин номерлардан бирида Ҳамзанинг мақоласини босиб чиқармоқчи бўлган. Ҳамзанинг нашр этилган китоблари орасида бу мақола учрамайди. Демак, журналнинг топилмаган нашрларини излаш керак.

Музейнинг ана шу журналларни топишга тайёр турган дўстлари жуда кўп. Одамлар ўзбек адабиёти тарихини акс эттирувчи барча топилмаларни музейга «жон» деб топширмоқдалар. Менинг ҳузуримда Бағдод районининг Қоракўл қишлоғида яшовчи колхозчи Абдулҳақ Абдупаттоев ўтган асрда чиққан иккита камёб журнални совға қилди.

— Фақат шу йилнинг ўзида, — дейди музей директори Султонжон Сотволдиев, — 50 дан ортиқ қимматбаҳо асарлар музей фондига қабул қилинди. Ўйлаймизки, жонкуяр дўстларимиз ташаббуси билан қизиқарли экспонатларимиз янада кўпаяди.

Г. КЛЯЦКИЙ

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

«ЖАҲАННАМ»

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят музикали драма ва комедия театрида драматург Комил Авазнинг «Жаҳаннам» драмаси асосидаги спектаклнинг премьераси муваффақият билан ўтди.

Драмада «пахта иши» воқеалари билан боғлиқ бўлган фожиалар акс эттирилган.

Асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артисти Мадраҳим Бобожонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Гулоро Раҳимова, Ширин Рамазонова, Рўзмат Худоёров, шунингдек, театрнинг етакчи артистлари Одамбой Бобожонов, Мунаввар Омонбоев, Жумабой Нуриллаев, Раҳматулла Матқурбонов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Асарни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов саҳналаштирди. Саҳна безакларини жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллоберганов ишлаган.

К. РАҲИМОВ

«ЧЎЛИ ИРОҚ»НИ ТИНГЛАБ...

Уфққача ҳорғин ястанган саҳро бағрига титроқ най нолаларини обиҳаётдай сингдириб юборди.

Бир ҳазин, бир инграқ бу нолаларни энди асрлар тўлғаниб ижро этарлар. Най нолалари юракка шу қадар яқин, шу қадар азиз... Қалб йўқотган андуҳин топиб олади. фараҳлар кўксида чечак отади, одамзот қайта-қайта бунёд бўлади, бу куйни тинглаганида...

«Чўли ироқ» нима, Юсуф ака? Саволимга берилган жавоб мени ҳайратга солади.

— «Чўли ироқ»ми?

Санъаткор ҳозиргина юракларни тилка-тилка қилиб охири тинган найини оҳиста артиб, белбоғига ўраб қўяркан жавоб қилади:

— «Чўли Ироқ» — бу қалбнинг қақшаган жони... Инсон дардларидан яралган бу куйларни ҳеч қачон бефарқ тинглаб бўлмайди.

... Жажжи болакай чолғу асбобларини орзу қилганида унга най тутқазишди. Етти ёшли Юсуфжоннинг қўлидаги ўша най то шу кунгача унинг садоқатли дўстига айланди.

Най бўғзидаги асрий сирларни ўрганиш иштиёқида у Фарғона маданият техникумининг музикали чолғу асбоблари бўлимида таҳсил кўрди.

Ўш ўзбек музикали драма театрида иш бошлаган ёш найчи доимо устозлари Зиёмиддин Шокиров, Жўрабой Йўлдошев эътиборида бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғуломжон Ҳожиқулов Юсуфжон Маҳмудов учун ҳамиша маънавий устоз, интилувчи чўққи бўлиб келди.

«Чўли Ироқ», «Қайтарма», «Алла», «Соҳибжамол»... Найчи Юсуфжон Маҳмудов сирли оҳангларни ўзига хос қайта ижро этди. «Соҳибжамол» каби янги наволар яратди.

Най Юсуфжон Маҳмудовни ажиб созли, ажиб овозли санъаткорлар билан ҳам суҳбатдош дилдош, фикрдош қилди.

1970 йили Ўшга гастролга келган севимли Тамарахоним учун ҳам найчи Юсуфжон ўз истеъдоди, камтарлиги, фидойилиги билан ардоқланадиган одамлар сарасига кирди.

Хушовоз хонандалар Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов халқимизнинг найдек ноёб чолғусини эъзоз туйғуси ила, бетакрор ижро этиб келаётган Юсуфжон акани яхши дўст сифатида қадрлайдилар.

— Ҳақиқий санъаткор ҳамиша тамадан узоқ бўлади, — дейди Юсуфжон Маҳмудов. — У учун энг юксак мукофот халқ меҳри-ю, юрагидаги оҳангларнинг туганмас чашмадек қайнаб туришидир. Агар мен ҳам халқимизнинг буюк қалбидаги ўчмас оҳангларни бузмасдан ўз жилосида янада ўзига қайтара олган бўлсам, жиндек бўлсада бахтиёрлик туйғусини туйишга ҳаққим бор, деб ўйлайман.

Бугунги кунда Фарғона Давлат филармониясида хизмат қилаётган найчи Юсуфжон Маҳмудовнинг Андижонда Шаҳобиддин, Ўш ўзбек музикали драма театрида Набижон каби шогирдлари бор. Ўғиллари Абдулҳамид ва Отабек ҳам найнинг жонбахш наволари билан ҳозирдан сирдош.

Энг ёқтирган сўзи самимият, бўлган наволари билан юрак уфқларини такрор ва такрор кенгайтириб юборадиган санъаткор Юсуфжон Маҳмудов яна найни қўлга олди.

Куйга ташна олам яна чанқоқлик билан бу жонбахш наволарни симира бошлади...

Шарифа САЛИМОВА

ПЛАКАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

«Илҳом» ижодкор ёшлар уйида жумҳурият рассомларининг плакатлар кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон Маданият нозирлиги ва Ўзбекистон ССЖ Рассомлар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Бу кўргазма олдингиларидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда асосан ўзбекистонлик ёш плакатчи рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Тасвирий санъат турлари ичида плакат жанри энг ҳозиржавобдир. Кўргазма залини айланар эканмиз, бугунги кундаги энг долзарб муаммолар — экология, ядро уруши хавфининг олдини олиш, миллий муносабатлар картиналарда не чоғли ўз аксини топганлигига амин бўласиз.

Кўргазмада намойиш этилаётган Ҳ. Ҳакимов, А. Норқобиловнинг «Наврўзи олам муборак», Ю. Резниковнинг «Ўрта Осиё» иккилиги, А. Балкановнинг «ССЖИ халқлари дўстлиги», А. Умаровнинг «Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ», Қ. Мамазиёевнинг «Қўқон. 6—7.06. 1989» плакатлари кўргазмага келган томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Б. НОРБОЕВ

ҚАЕРДАСИЗ, ПОЛВОНЛАР?

куюнчак газетхонлардан хатлар

Авваллари тўй-томошаларда, сайилларда, катта-кичик йиғинларда даврага полвонлар чиқишиб бир-бирлари билан беллашар эканлар. Халқ эса уларнинг бу мардона санъатларига тан бериб олқишлаганлар.

Миллий урф-одатимизнинг нозик бу тури ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам полвонлар ҳамиша иззатда бўлишган, кишилар уларни ҳурмат қилганлар. Шу сабабдан кишилар ўз фарзандларини ёшликларида «полвон ўғлим» деб эркалатишса ажаб эмас.

Энди-чи? Афсуски, кейинги пайтларда бу каби миллий урф-одатларимизга эътибор сусайиб кетмоқда. Тўйларда, йиғинларда аввалгидек курашлар, беллашувлар ўрнига, йигит-қизларимиз бараварига ғарб музикаси садолари остида «жазава»га тушишмоқда.

Наҳотки, ўзбекнинг бу каби урф-одатларини, шу билан бирга буларга бўлган меҳр-оқибатларини ўтмишда яшаб ўтган ота-боболаримиз ўзлари билан бирга олиб кетишган бўлишса? Қаердасиз, полвон йигитлар?

Алишер ХОНКЕЛДИЕВ,
ТошДД журналистика факультети сиртқи бўлими 1- курс талабаси

УСТОЗ ЧИРОҒИ ЎЧМАЙДИ

СУРАТЛАРДА: Уста А. Раҳимов иш устида; устанинг асарларидан намуналар.

А. ГЕРАСИМОВ суратга олган

Ленинграддаги Эрмитаж музейида қадимги Шарқ санъатига мансуб нодир қўлёзма ва гиламлар, мисгарлик ва заргарлик буюмлари ҳам сақланади. Булар орасида ўзбек санъаткори, элимиздан ташқари қатор хорижий мамлакатларда танилган кулол Муҳиддин Раҳимов асарлари ҳам бор. Энди Эрмитажда ана шу машҳур устанинг ўғли Акбар Раҳимов асарлари ҳам намойиш этилади.

Етти пуштигача Тошкентда танилган уста кулол Муҳиддин кенжа ўғли Акбар мактаб ёшидаёқ кулоллик санъатига қизиққанини кўриб қувонарди. Бўш вақтларида Акбар отаси ёнида, ҳовлидаги мўъжазгина устахонада лой қориш, чархда ишлаш, сўнгра «сир» ва ишқорлар тайёрлаш, нақш чизиш сирларини ўргана бошлади, хуллас, отасига шогирд бўлиб тушди.

Шогирд уста қўлида таҳсил кўрар экан, унинг илми, билими, ҳунар-тажрибаси, касбкорлик сир-асрорларини эгаллаш билан бир вақтда, инсоний хислатларни, одамгарчилик фазилатларини ҳам қалбига жо этарди. Устоз мактабини Акбар отаси умрининг охиригача ўтади. Тўғриси, бу мактабни ҳалигача тугатгани йўқ деса бўлади, чунки отаси яратган санъат хазинаси, умр тажрибаси, хотираси Акбарга доим мададкор. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги Маҳаллий саноат вазирлигининг халқ амалий санъати музейида очилган кўргазмасида Акбар Раҳимов кўргазма муқаддимаси ва ўз ижодининг илҳоми сифатида отасининг асарларини намойиш қилди.

Акбар Раҳимовнинг дастлабки кўргазмаси 1966 йили бўлганди. Бу орада А. Раҳимов Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини битирди, сўнг ўша ерда ўқитувчилик қилди. Шу билан бирга, ижодий ишларини давом эттирди. Мана, уч йилдирки, Акбар Раҳимов Тошкент тажриба кулоллик санъати комбинатида ишламоқда. Акбар Раҳимов институтда ўқиб юрган кезларида отаси билан ҳамкорликда анъанавий буюмлар — лаган, коса, гулдон, пиёла ёки ана шу буюмлардан иборат замона талабига жавоб берадиган сервизлар яратиш билан шуғулланган. Институтни битиргач, анъанавий кулоллик тажрибасини замонавий руҳ билан янгилаш лозимлигини тушунганидан сўнг ота-боболари яратиб улгуролмаган ишларга қўл уришга журъат этди. Замонавий биноларни кулоллик буюмлари, ранггасвир лавҳалар ёки безатувчи ҳайкаллар билан безатиш ишларини бошлади. Ана шу йўналишдаги ижодий ишларидан бири — Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги жумҳурият пионерлар саройи рақс залини безатувчи лавҳадир. Бу лавҳада ранг, тасвир, композиция орқали мусиқа ва рақс руҳияти ифода этилган.

Уста Акбарнинг замонавий биноларни безатган асарларини кузатсак, борган сари миллий ўзига хослик хусусиятлари яққол шаклланиб борганини кўрамиз. Мисол учун, Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» оромгоҳидаги фаввора «Кўз ёши» мавзуида яратилган ва ёрилган аноргa қиёс этилган. Шаҳрихондаги пахта тозалаш заводининг оромгоҳини безатиб унга гўзаллик бахш этган композиция эса Фарғона кулоллик санъатига хос зангори, феруза, мовий рангларда товланади.

Замонавий биноларни безатиб турган бу асарлар асосан Акбарнинг отаси ҳаётлигида яратилган. Отаси дунёдан ўтгандан бери, ўзининг чироғи ўчмасин, деган маънода бўлса керак, асосан анъанавий кулол буюмлари яратишга, устоз изланишларини давом эттиришга ўринди. Кўргазмада ана шу йўналишдаги ижодий маҳсулотлар намойиш этилади.

Томошабин ва санъат шайдолари эътиборига баъзи манзарали буюмлар ва гулдонлардан ташқари, косагарлик ва кўзагарлик шаклларига оид анъанавий буюмлар ҳам ҳавола этилган. Бу буюмлар азалдан кундалик турмушимизда ишлатиб келинган, бугунги кунда эса баъзилари унутилган. Бироқ, санъаткор уларни замонга мувофиқлаштириб, сервиз — йиғинди тарзида тайёрлаб берган. Булар орасида етти катта-кичик лагандан иборат анъанавий Тошкенҳ кулолчилик санъати услубида, тўқ зангори, баъзида жигарранг ёки сариқ ранг аралашган, нақши «чизма» йўлида чизилган сервиз эътиборни жалб этади.

«Гулдаста» номи берилган товоқлар эса қадимги Самарқанд кулоллик мактабига оид бўлиб, буюмлар оқ ранг заминида тўқ жигарранг нақшлар билан безатилган.

Шаҳрисабзнинг қадимги анъаналари тўқ қора рангда яхлит, лўппа шаклда ишланган нақшлар билан зийнатланган идишлардан иборат.

Уста Акбар яратган кулоллик буюмлари орасида темурийлар даврида мавжуд бўлган ва кенг тарқалган кўк, самовий рангли идишлар шакл жиҳатидан бежиримлиги, ёрқин ранги, нақшларининг нозиклиги билан диққатга сазовор.

Кейинги йигирма йил мобайнида археологларимиз топган ва қадимги юнон кулоллик санъати намуналаридан ўрганиб ясалган кўза, кўзача, май идишлари ўзининг чиройли, нафис ва бежирим шакли-шамойили, ёқимли ранги, нозик қиёфаси билан кўзни қувонтиради. Улар қатори ўзимизнинг оддий сополдан дунёга келган хум ва хумчалар, кўза ва кўзачалар ҳам бадиий мукаммал ишланган.

Уста Акбар ва унга ўхшаганлар ижоди туфайли қадимги санъатимизнинг бадиий анъаналари ҳаётимизда, руҳий оламимизда ўзига муносиб ўрин эгаллаб турганига минг шукур. Ота-бола Раҳимовлар яратган санъату нафосат дунёсининг амалий ва бадиий аҳамияти фақат атроф-муҳитни безаб, турмуш эҳтиёжини қоплаб туриши билан чегараланмайди. Улар бутун бир халқ бадиий маданиятининг қайта тикланиши, маънавий баркамоллик белгиси сифатида ҳам қимматлидир.

Абдулҳай УМАРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

ДОРИЛОМОН КУНЛАР УМИДИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, қонунлаштирилганига бир йил тўлди. Қонун — қонун-да, Ўзбекистонда асосий тил ўзбек тили эканини айрим замонасоз раҳбарларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлдилар. Қонун эндиликда ўз ҳосилини бермоқда — ўзликни англашда дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Хўш, давлат тили ҳақидаги қонун қандай амалга оширилянти? Катта ислоҳотларга муҳтож таълим системасида бу иш қандай йўлга қўйилган? Мухбиримизнинг ана шу саволларига Рус тили ва адабиёти институти проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент Норбой ОРТИҚОВ жавоб беради.

— Аслини олганда, давлат тили ҳақидаги қонун бизнинг институтимизни четлаб ўтиши керакдай туюлади бир қарашда. Ахир олийгоҳимиз номининг ўзиёқ қайси тилга ихтисослаштирилганини кўрсатиб турибди. Лекин масалага янгича, ижодий кўз билан қарайдиган бўлсак, институтимиз бу қонунни амалга оширишда катта ички имкониятларга эга эканлиги намоён бўлади. Олийгоҳимиз аввалларидан фақат ўзбек мактабларида, турли билим юртларида рус тили ва адабиётидан дарс берувчи ўқитувчиларни тайёрлаб келган бўлса, эндиликда ўқитиш қўламини замон талабига мос равишда кенгайтирмоқдамиз. Сўнгги йилларда институтимиз қошида янги кафедралар, бўлимлар очилмоқда. Энди атак-чечак қилаётган бўлимлардан бири рус мактабларида ўзбек тилини ўқитиш бўлими ҳисобланади. Ҳозирда бу бўлим талабалари пойтахтимизнинг болалар боғчаларига бириктирилган, улар амалиёт даврида рус тилида тарбияланувчи болаларга ўзбек тилидан бошланғич сабоқ бермоқдалар. Олиб бораётган тажрибамиз катта аҳамиятга эга. Зеро, ўзбек тилининг қадрини ошириш учун жумҳуриятимизда яшаётган ўзга миллат вакилларини қисқа муддатли ўзбек тили курсларида ўқитишнинг ўзигина етарли эмас, уларни ёшликдан, боғча ёшидан бошлаб ўзбек тилини эъзозлашга ўргатиш зарур. Чунки инсоннинг келажак ҳаётини белгилаб берувчи илм пойдевори айнан ёшликда яратилади...

Халқимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» деб бекорга айтилмаган. Ҳеч бир халқ ўз тилини қадрламасдан туриб, ўзга тил жозибаси, гўзаллигини идрок қила олмайди. Институтимизда ўзбек тили фанининг ўқитилиши давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш йўлидаги савоб ишларимиздан бири бўлди. Бундан ташқари, талабаларимиз қўшимча равишда эски ўзбек ёзувини, форс тилини ҳам қизиқиб ўрганмоқдалар. Ахир қайси бир инсон киндик қони тўкилган тупроғининг, юзлаб забардаст алломалар номини жаҳонга танитган Ватанининг тарихини, ўлмас асарлар битилган кўҳна ёзувини билишни истамайди? Миллий-маънавий қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда, бу қизиқишга табиий ҳол деб қараш керак.

Бундан ташқари, ўзбек тилига бевосита алоқадор рус ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси, ўзбек тили, таржима назарияси кафедралари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, асосан ўзбек ёшлари ўқиб келган таржима мансуб талабалар ҳам таҳсил кўрмоқдалар. Модомики суҳбатимиз миллий масалага бориб тақалган экан, олийгоҳимизда 21 миллат ёшлари илм олаётганини, миллий қадриятларни эъзозлаш билан миллатчиликни алмаштириб юбориш ҳоллари бўлмаганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Миллий масалаларга, халқлар ўртасидаги дўстликка жиддий эътибор бериб келганмиз, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш, жиловни бўш қўймаслик керак... Умуман олганда, биз — муаллимларни ўйлантириб келаётган масалалардан бири устоз-шогирд масаласидир. Қадим Шарқимизда устознинг юзига оёқ босиш куфр саналган. Устозлар ҳурмати беқиёс бўлган. Уларни ота ўрнида кўрганлар. Бугунги кунга келиб бу одатлар йўқ бўлиб кетиш арафасида. Талабаларни жамики гўзал нарсаларга қизиқтириш учун бир қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Инсониятни гўзаллик қутқаради, деган ақидага суяниб иш кўрмасак, ёшларимизни хато йўлдан қайтара олмаймиз. Талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ўзга халқлар адабиёти кафедрасини ташкил қилганимиз ҳам шундан. Чунки адабиёт ҳар доим халқлар ўртасида дўстлик ришталарини ўрнатиб келган. Абдулла Қодирий, Чингиз Айтматов, Михаил Шолохов ,Чабуа Амирэжиби... Рўйхатни истаганингизча давом эттиришингиз мумкин. Уларнинг сиймосида нафақат етук бир шахсни, балки миллатни ҳам кўрамиз, ҳурмат қиламиз.

Ҳозирги пайтда — ҳам маънавий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан инқирозга юз тутган жамиятимизда муаммонинг оёғи етмаган соҳа бўлмаса керак. Бизнинг институтимизда ҳам муаммолар бир талай. Дейлик, ётоқхона масаласи: талабаларимизнинг 22 фоизигина ётоқхона билан таъминланган. Бу кўрсаткич иттифоқ миқёсида энг охирги ўринларда туради. Иккинчиси, бутун олий таълим системамиз муаммоси, талабаларнинг моддий таъминоти. Президентимизнинг стипендияни 30 фоизга ошириш ҳақидаги қарори жуда яхши бўлди. Янги йилдан яна шунчага оширилади. Лекин бу — нарх-наво кундан-кунга осмонга ўрлаб кетаётган бир пайтда ночор бир ёрдамга ўхшаб қолганини ҳам тан олишимиз керак. Тўғри, жумҳуриятимизнинг ички имкониятлари бундан ортғғини кўтара олмаслигини ҳам ҳисобга олмай иложимиз йўқ. Ҳар ҳолда, қадимги Хитой файласуфи Гуан-Цзининг: «Одамлар ғаллаҳоналару омборлар тўлиб-тошиб кетган пайтдагина ахлоқ, ор-номус деган тушунчаларнинг моҳиятига етадилар, Қачонки халқ тўқ, уст-боши бут бўлса, шон-шуҳрат ва шармандаликнинг фарқига боради. Ахлоқ ҳар нарса бор жойда туғилиб, ҳеч нарса йўқ жойда таназзулга учрайди», деган гапларини ёдимиздан чиқармайлик.

Хуллас, институтимиз ҳаётида тадқиқ этилаётган давлат тили ҳақидаги қонун яқин келажакда ўз ҳосилини беради. Агар синоғли дамларда ҳар ким ўз ўрнини билса, жумҳуриятимизни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшадиган ҳар неки иш бўлса, оғизда эмас, амалда бажарса, ҳар неки янгилиги, ҳар неки ғоясини эл-юрт равнақи, фаровонлиги учун йўналтирса, ишонаманки, файласуф айтган дориломон кунлар яқин...

СОПОЛ БОҒИГА МАРҲАМАТ

Алишер Навоий номидаги академик Катта театри ёнидаги катта хиёбонда мамлакатимизда ягона ҳисобланган Халқаро сопол боғи тантанали равишда очилди. Сопол боғининг ташаббускори М. Раҳимов номидаги тажриба-ишлаб тиқариш комбинати ҳисобланади. Жаҳоннинг Мексика, ГФР, Испания, Швецария сингари ҳорижий мамлакатлардан келган 24 нафар ҳайкалтарош ва мусаввирнинг энг яхши асарлари ана шу боғга ўрнатилган.

Тошкент шаҳрида очилган бундай ноёб боғни ҳар жиҳатдан авайлаб-асраш ва бу ерда турли сопол буюмларининг Халқаро анжуманларини ўтказиб туриш ҳақида қатнашчилар гапирдилар. Боғнинг очилиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Умарбеков, Ўзбекистон ССР маданият министри Н. Ғойибов, жумҳурият Президентининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Б. Назаров, Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Жалолов ва бошқалар қатнашдилар. Шаҳримизда яна бир санъат боғи ташкил этилганидан хурсандмиз. Сопол боғига марҳамат!

СУРАТЛАРДА: боғдаги асарлардан намуналар.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

ИНСТИТУТДА БАЙРАМ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида байрам тантанаси бўлиб ўтди. Бу байрам институтнинг 45 йиллиги ва унга ўзбек театр санъатининг асосчиларидан бири Маннон Уйғур номининг берилишига бағишланди. Институтда олиб борилаётган ишлар хусусида институт ректори, профессор Т. Турсунов қисқача сўзлади. Тантанали кечада СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари К. Исмоилова, Т. Азизов, Э. Йўлдошев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ҳ. Юсупова, Т. Ҳусанов, Ш. Расулов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати М. Тешабоева ва бошқалар қатнашдилар.

Байрам кечасида Ўзбекистон ССР маданият министри Н. Ғойибов қатнашди.

У-ШУ—САНЪАТМИ, СПОРТМИ ЁКИ ЖАНГ?

Биз редакция ходимларн айни кунларда ҳафтаномамизнинг келгуси йилги режалари ҳақида бош қотираяпмиз. 1991 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» сизни қизиқтирган барча муаммолар ҳақида мазмунли чиқишлар қилишни мўлжаллаймоқда. Ҳафтаноманнг янги йилдаги мундарижаси янада ранг-баранг, эътиборли бўлиши учун барча мухлисларимиг — кексалар ва ёшлар, аёллар ва қизлар — ҳамма-ҳамманнг маънавий эҳтиёжи, талаб ва таклифлари ҳисобга олинган ҳолда муҳим тадбирларни белгилаяпмиз.

Бугун эътиборингизга қадимги шарқ яккаси — У-шу ҳақидаги мақолани эълон қилаяпмиз уни келгуси йилги ҳафтанома фаолиятидан бир кичик мужда сифатида қабул қиласиз. Ниятимиз шуки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахлоқ, санъат ва адабиёт, табиат муҳофазаси каби масалалар билан бир қаторда, келгуси йили бизнинг замонамизда жаҳонда кенг тарқалган кураш, спорт турлари, уларнинг тарихи, машҳур курашчилар ҳақида ҳам мақолалар эълон қилади.

ШАРҚ ДОНИШМАНДЛАРИДАН бири шундай деган экан: «У-шу санъат эмас, бу — ҳаёт тарзи демак». Ушбу ҳаққатни Узоқ Шарқ маданияти ҳамда унинг фавқулодда ғаройиб ҳодисаси — у-шу узундан-узоқ вақт мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўли тўлатўкис асослайди.

Шарқнинг бу ҳарбий санъати бир қадар кенг минтақаларга ёйилганига ҳам, мана, ярим асрдан ортиқроқ вақт ўтди. Тарих сарҳадлари олдида нисбатан қисқа туюлса-да, ана шу давр ичида ақл бовар этмайдиган мўъжиза юз берди: аввалари фақат кам сонли мутахассисларга аён бўлган сирли у-шу усуллари жаҳон бўйлаб зафарли юриш қилди; бу ажойиб курашнинг турли-туман йўсинлари Европа, Осиё, Америқо ва Африқо қитъаларидаги миллионлаб кишиларнинг қалбини тамоман забт этди ва ниҳоят, яқингинада Совет Иттифоқида ҳам расман тан олинди.

Ғарбдаги ишбилармон корчалонлар, мўмай фойда кетидан тушган олиб-сотарлар бу жанговар яккакурашнинг оммабоп турлари нуҳоятда кўп томошабинларни йиғишини, катта даромад келтирадиган спорт турига айланиши мумкинлигини тез орада пайқаб қолишди. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, фидойи спортчилар, садоқатли ишқибозларгина у-шунинг ҳам фалсафий, ҳам эстетик, ҳам ахлоқий мажмуасини астойдил эгаллашга, тушунишга ҳаракат қилади, албатта.

Энди, табиий, савол туғилади: нафақат Шарқдан узоқда жойлашган, шунинг билан бирга таълим-тарбияси, яшаш тарзи буткул бошқача бўлган миллионлаб одамларнинг эътиборини жалб этган у-шунинг меҳригиёси нимада? Нима сабабдан бу қадим ҳарбий санъат сирлари ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи, терисининг ранги ва эътиқоди кескин фарқ қиладиган одамларни бирдай қизиқтиради?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин шуни таъкидлаш ўринлики, саноати ривожланган жамиятларнинг тезкор тараққий этиши оқибатида ва уруш хавфи таъсирида ҳамда турли-туман инқирозлар, яъни табиатда мувозанатнинг бузилиши, атроф муҳитнинг ифлосланиб кетгани, оилавий бахтсизликларнинг ортиб бораётгани — барча-барчаси одамларда эртанги кунга нисбатан умидсизлик кайфиятини пайдо қилди, руҳий тушкинлик авж олди. Ана шундай бир шароитда инсониятнинг юксак қадриятларига эътибор ғоятда кучайдики, бу қадриятлар сирасига, шубҳасиз, у-шу ҳам киради.

У-шу ўз доирасига фалсафа ва динни, экология ва сиёсатни, ахлоқ ва нафосатни, тиббиёт ва руҳиятни, жисмоний тарбия ва спортни қамраб олади. У-шу қариялар ва болалар, аёллар ва эркаклар соғлом ҳамда бемор кишиларга мўлжалланган. У-шунинг хилма-хил усуллар, йўлларидан иборат мажмуаси инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча йўналишларига баракали таъсир қилади: кучли, қорувли одамга мислсиз қудрат ва меҳр-шафқат ато этади, кучсиз кишида бор имкониятларига ишонч туйғусини ошради, беморни даволайди, ҳар қандай одамни, қобилиятидан келиб чиқиб, тўғри, ҳалол ва соғлом ҳаёт сари йўллайди.

Неча-неча асрлар мобайнида мангу тириклик бахш этадиган ал-иксир — обиҳаётни қидириб ўтган дао монахлари охир-оқибат умрини чўзиш, тириклиқни асраб қолиш ҳақида ўз таълимотларини яратишга муваффақ бўлдилар. Ўзининг «Дао дэ-цзин» номли асарида у-шунинг фалсафий асосларини баён қилиб берган Лао-цзи, назаримизда, одам боласининг боқийлигига — мангу яшаши мумкинлигига ишонаман. Бироқ файласуф инсон вужуди ва руҳининг чексиз имкониятларига ишонган ва жисмоний ўлимдан даҳшатга тушмаган. У шундай деган: «Менинг ишонч-эътиқодимга кўра, кимки соғлом, ўзи оёғи билан ерни босиб, тирик юриб, яшашни ҳаддалар экан, тўқайда юрганда каркидонлардан ва йўлбарсдан, қиғрин барот урушга кирганида қуролланган аскардан чўчимайди. Зеро, каркидон унинг бирор-бир жойига шохини санча олмайди, йўлбарс ўткир панжаларини урганн жой тополмайди, аскар эса қилич солиб унга шикаст етказишга ожизлик қилади. Бунинг сири шундаки, бундай одам учун ўлим бегонадир».

Узоқ умр кўриш ва сиҳат-саломатлик сирларини тиниб-сиз излаган дао дуохонлари, табиблари табиат сахийлик билан узоқ умр ато этган тошбақа, қарға, турна ва бошқа жонивор-ларнинг нафас олиш йўллари, усулларини синчиклаб ўргандилар. Табиблар бу жонивор-лардаги нафас олишнинг ғаройиб йўлларини эгаллашгач, ҳайвонлар ва паррандаларга тақлидан сокинлик билан бошланадиган машқларга ўтишнинг тартибларини ўринлатишиб, инсон вужудининг турли мураккаб ҳолатларини кашф этдилар.

Бугунги кунда «Беш ҳайвон ўйини» («У цинь шу») номи билан кенг ёйилган таъсирчан соғломлаштирувчи гимнастикани II—III асрларда яшаб ўтган машҳур табиб Хуа То номи билан боғлашади. Бу гимнастика йўлбарс, айиқ, маймун, турна ва бўғунинг муайян ҳаракатларига тақлид асосида юзага келган.

Вақт ўтиши билан бу гимнастика асосида амалий жисмоний машқлар мажмуаси таркиб топди ва у-шунинг турли «ҳайвоний» услублари ўша ҳайвонлар номи билан атала бошланди.

У-шунинг муайян услуби ёки мактабини яратган устоз қарқара, от ёки йўлбарснинг ҳаракатларидан айнан нусха кўчирмаган. У аввало табиатнинг ғаройиб мўъжизаси саналмиш ҳайвонлардаги ци биоқувватининг ҳаракатга келиш жараёнига ҳос хусусиятларни «очишга» уринди. Минг йиллик ривожланиш босқичлари ҳайвонларни ҳимояланиш ва ҳужум қилишнинг ғаройиб йўллари билан қуролантирган. Кейинги насллар томонидан такомиллаштирилган бу хусусиятлар, яъни у-шу услублари инсоннинг сиҳат-саломатлиги, соғ-омонлигини сақлаш ва яхшилаш, шунинг билан бирга тўғри тушуниб қўлланганда инсонга комиллик бахш этиши, ялпи Мукаммал олам ва ялпи Даонинг бир қисмига эришишда унга қўл келмоғи лозим.

КАРҚАРА ИЛОН билан олишганда қанотларини силкийди, рақибининг бошига тумшуғи билан зарба бериш учун мўлжал олади ва айни дамда узун оёқлари билан тепкилайди. Шу боис «қарқара» усули қадни тик тутиб туриш, сакраб ҳамла қилиш, оёқ билан зарба бериш, қанотни кериб қўл билан кескин савалаш ва худди қушнинг тумшуғидай шаклига келтирган қўл билан шиддатли «чўқиб» уриш ҳаракатларига сероб. Йўлбарс пусиб, сездирмай олдинга силжийди, хаттиҳаракати майин. Шу сабабдан силлиқ, майин машқлар билан бошланадиган, оёқда омонат турib, елка оша думалаб, тўйқусдан рақибининг қалтис жойларига «йўлбарс оёқлари» билан қақшатиб уриш, «панжалари» билан рақибининг нозик аъзоларини тилиб юбориш ва ниҳоят, терини, баданни «ёриб, йиртиб» ўтадиган зарблар бериш «йўлбарс» усулига ҳосдир.

У-шунинг кўпдан-кўп йўллари ва мактаблари орасида икки етакчи йўналиш алоҳида ажралиб туради. Бу дао монахларининг тинимсиз изланишлари натижасида юзага келган «ички», енгил ва «ташқи», кескин жанг турларидир. Буларнинг ҳар қайсисидан бир қанча тармоқлар ташкил топган, улар узоқ вақт мобайнида у-шу мактаблари синовидан ўтган классик усуллар бўлиб, ҳануз етакчи мавқени эгаллаб келади.

«Ички» усуллар асосчиси ҳамда афсонавий устоз сифатида Чжан Санъфэн тан олинган. Бир ривоятга кўра «ички» усулларнинг моҳияти унга шундай аён бўлган экан:

Саратоннинг иссиқ кунларидан бирида Чжан Санъфэн соя жойда ўтирганда қулоғига ғалати товушлар чалинибди. Қараса, ҳовлининг ўртасида турна катта бир илонга ҳужум қилаётган эмиш. Жанг авжига чиққан сайин устоз синчковлик билан кузатишни давом эттирибди. Турна қанотларини озод кериб, гир айланиб ҳимояланар, сакраб тумшуғи билан илонга зарба бермоқчи бўларди. Илон эса, бошини баланд тутиб, жанговор ҳолатда тик қотиб турар, ора-сира сездирмай тебраниб қўярди. У турнанинг тумшуғидан ҳимояланиб, енгил ва оҳиста тебраниб, пайт пойлар, рақибига шиддатли зарба беришга чоғланар эди...

Чжан Санъфэн яратган «Паррандалар ва илонлар» мактабининг шартига кўра, енгил ва оҳиста ҳаракатлар билан инсон вужудидаги жамики аъзолар бир дақиқада мувофиқ равишда ҳаракатга келиши ва фавқулодда зарба бериши кўзда тутилган.

Ривоят қилишларича, бир пайтлар Удан тоғи теварагидаги жойлардан бирида мушти билан бир йўла саккиз ғиштни уриб синдирадиган полвон чиққани ҳақида овоз тарқалади. У Чжан Санъфэн олдига келиб, уни беписандлик билан яккамаякка олишувга чақиради ва шогирдларини унга қолдириб, бу жойдан жўнаб қолишини талаб қилади.

Сун даврининг охирида мушт билан жанг қилиш ғоятда оммалашиб кетган ва бундай рақобатни аёвсиз жанглар тез-тез бўлиб турарди.

Хуллас, жанг бошланади. Анча вақт давогарнинг бақувват мушти ҳавода шувиллаб, таҳдид солади ва ниҳоят, Чжан Санъфэннинг «ички» услубдаги ягона зарбаси олишув тақдирини ҳал этади. Жангдан сўнг, ўзига келгач, даъвогар ғолибга таъзим қилиб, шундай дебди:

«Бу зангори осмон гумбази тагида мендан эўр одам йўқ. Менинг бошимни уриб ёра оладиганни ҳали онаси туғмаган. Бироқ, айтингчи, нечун мен Сиздан енгилдим?»

Унга жавобан Чжан Санъфэн шундай деган экан: «Шуни унутмаслик лозимки, куч фақат тўғри қўллангандагина ҳақиқий қучлигини намоён этади».

Хитой файласуфлари оламни ғоятда улкан ва чексиз муҳит сифатида тасаввур қилишган, улар оламнинг яхлитлиги принципидан келиб чиқиб, у-шу ҳаракатларига доирасимон шакл беришга уринганлар. Зарба ва ҳимоя ҳаракатлари йўли тухумсимон, доира ва тўлқинсимон шакллар касб этган. Шу билан бирга жанг пайтидаги барча хатти-ҳаракатлар ички таъсирдан юзага келиши кўзда тутилган, олишув пайтида ҳаракатлар узвийлик касб этиши шарт, зеро, секинлашиши ёки тўхташ юз бериши инқирозга олиб келади...

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА Шарқ яккакурашининг айрим услублари баён этилган, баъзи машқлари тушунтириб берилган рисолалар чоп этилаётир. Ўйлаймизки, бу ҳаракатлар ҳали хамир учидан патир. Юқорида сиз танишган мақола ҳам рус тилида босмадан чиққан «Тайцзэнцюань. Китайская гимнастика. Туй шоу» номли китобдан олиб эълон қилинди. Бу ўқув-методик қўлланманн УзЛКСМ Бухоро шаҳар қўмитасига қарашли Шарқ яккакурош ва соғломлаштириш системаси Методик кенгаши марказн тайёрлаган.

БИЛДИРИШ

1990 йил 13 ноябрь соат 11 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида (Пушкин кўчаси, 1-уй) жумҳурият ёш ёзувчиларининг VI семинар-кенгаши очилади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви, СССР Адабиёт жамғармасининг Ўзбекистон бўлими ССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир

Жонибек ҚУВНОҚ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, кариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Леонид ТРЕЕР

ОҚ ЭЧКИ

БИР ОЙ ИЛГАРИ кўчада кетаётиб, бир оқ эчкини минг лаънатлаб ипидан тортиб бораётган одамни кўриб қолдим.
— Бас энди! Юрсанг-чи, мараз! — деб бақирарди ҳалиги киши.
— Эчкингизни менга сотмайсизми— деб сўрадим жониворга ачиниб.
У менга ғалати назар солди-да, хўрсиниб қўйди:
— Ҳаммаси такрорланаяпти...
— Нега бундай дейсиз? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ярим йил бурун худди сизга ўхшаб мен ҳам йўлда бу ҳаром ўлгурни гўшт комбинатига судраб кетаётган одамдан сотиб олгандим. Тўғриси, эчкининг эгаси мендан бир чақа ҳам олмай, текин бериб қўя қолди, денг. Бу ярамас махлуқ эса, мени бахти қаро қилди. Мана, энди бир аламимдан чиқмоқчиман!
Мен ҳеч нарсага тушунмасдан у билан ёнма-ён кетавердим. Эчки орқамиздан пилдираб келарди.

— Ҳамма гап шундаки, — дея ҳасратини давом эттирди ҳалиги киши, бу оддий эчкилардан эмас. Тилли эчки — гапиради! Гапиргани ҳам майлику-я. Ҳамма бало шундаки, бу махлуқ фақат ростини гапиради.
— Унда гап бундай, — дедим бўш келмай, — менга бу ҳайвон жудаям зарур. Эчкининг суробини қачон бўлмасин тўғрилаб қўйиш мумкин...
Эчкининг эгаси мендан бир тийин ҳам олмасдан ипни қўлимга тутқазди. Кейин ғамнок ҳолда таъкидлади:
— Бу сизни бир балога гирифтор этмасдан ўзингиз уни бир ёқлик қилиш ҳаракатида бўлинг...
Эчкини етаклаб уйимга олиб келдим-да, рўзнома, жаридалар турадиган столча оёғига боғлаб қўйдим. У хонага бирров кўз югуртириб чиқиб, менга жимгина тикилиб қолди-да:
— Келинг, очиқчасига гаплашиб олайлик! — деди бирданига. Унинг овози жарангдор, бир оз маърагансимон тарзда эшитилди. Мен жон деб рози бўлдим.
— Нега сиз мени гўшт комбинатига жўнаттирмадингиз?
— Сизни қутқазиб қолгим келди.
Эчки ғалати кулди:
— Ёлғон! Менинг ҳаётим — сизга икки чақа! Сизга мен эмас, сиз ўйлаган нарсаларни айтиб бера оладиган суҳбатдош керак. Ўзинг тўғрингдаги бор ҳақиқатни бошқалардан эшитиш — кимга ҳам ёқарди, дейсиз. Эчки айтса — бу бошқа гап, алам қилмайди!
— Фараз қилайлик, сиз ҳақсиз. Шунга қарамасдан, сиз мен туфайли омон қолдингиз. Аммо сиздан миннатдорчилик билдиришингизни кутаётганим йўқ...
— Яна ёлғон гапиряпсиз! Сиз миннатдорчилик билдиришимга маҳталсиз! Сиз ўзини валинеъмат деб ҳисоблайдиганлардансиз. Демак, сизнинг ёрдамингизни асло беминнат деб бўлмайди!
Мен қандай қилиб эътироз билдиришни билмасдан жимиб қолдим. Эчки ҳақ эди.
Эртаси куни олдимга ўртоғим Сажин келиб, яқинда ёзиб тугатган янги поэмасини ўқиб берди. Мен поэмадан бир неча теша тегмаган ташбеҳ келтирдим-да, асарнинг умуман дуруст ёзилганлигини айтдим. Мақтовлардан ҳаяжонланган Сажин қувончини яширолмасди.
— Бас қилинг, ёлғонни! — деди қўққисдан эчки менга ўгирилиб. — Поэманинг бадиий заиф, зерикарли эканлигини, уни ўз ихтиёри билан ҳеч ким ўқимаслигини сиз жуда яхши биласиз. Бор-йўғи иккита чиройли ташбеҳ учун шунча қоғозни исроф қилиш — ахир бу сурбетлик-ку! Нима учун сиз шуни очиқ-ойдин айта қолмайсиз?
— Бу ўтакетган шафқатсизлик бўларди... — хижолатомуз ғўлдирадим мен.

— Шафқатсизлик? — Эчки кулиб юборди. — Ахир у ҳозир уйига чопиб боради-да худди шунга ўхшаган бетайин янги асарни ёзиб ташлайди. Беҳудага вақтини кетказиб, нашриётма-нашриёт санқийди. У ўзини иқтидорли деб ҳисоблайди, ўз ижоди ҳақида турли ёлғон-яшиқларни эшитади. Агар унга чиндан ҳам раҳмингиз келса, рўйи-рост айтинг: «Сажин, бошқа иш билан шуғуллан, сендан шоир чиқмайди!» денг.
Сажин қўлёзмасини юлқиб олди-да: «Энди остонангни елкамни чуқури кўрсин!» — деб бақирганича кўчага отилди.
Мен эчкининг ҳақлигини билардим. Шу онда ўзимни хийла ёмон ҳис қила бошладим.
Эчкини бўлимимиздаги ходимлар ҳам кўргиси келиб қолишди. Шанба куни улар бўлимимиз бошлиғи Соболевский билан меникига келишди. Бир неча шиша «Цинандали»дан ҳам олиб келдик. Кабоб пиширдик. Миясига келганини сўзлайдиган жасур эчки учун ичдик.
Эчки индамасдан ҳамкасбларимга тикилиб ўтирар, ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганарди, шекилли.
Соболевский ўрнидан туриб эчкига яқинлашди-да, унинг оппоқ кифтини силаб деди:
— Қани, жанжалкаш эчкивой, мен ҳақимда қандай фикрдасан?
— Биринчидан, сиз — аҳмоқсиз деди қатъий. — Чунки, ақлли одам бунақа аҳмоқона савол бермайди. Иккинчидан, сиз умуман тарбия кўрмагандайсиз! Чунки тарбия кўрган киши бегоналар билан «сен»лаб эмас, «сиз»лаб гаплашади.
Орага кўнгилсиз жимлик чўкди. Соболевский қизариб кетди. Вазиятни юмшатиш учун мен:
— Бахтимизга Владимир Сергеевич ҳақида одамлар яхши фикрда, — дедим.
Эчкининг аччиғи чиқди:
— Нима қиласиз ҳадеб ёлғон суқиб! Яқиндагина танишларингизга, Соболевский бошлиқ сифатида — ноль, одам сифатида — ундан ҳам баттар, дегандингиз. Ичингизда ундан ўлгудай кулиб юрасиз, пенсияга чиқишини сабрсизлик билан кутяпсиз. Мен сизга қўшиламан, Соболевский — тўнка. Хўш, биз нима учун унинг шунақалигини ҳамманинг олдида дангал айта олмаймиз?
Соболевский кийиниб, индамасдан чиқиб кетди. Унга бошқалар ҳам пилдираб эргашдилар. Шу онда эчки кўзимга балодай кўриниб кетди.
— Кўнглингиз жойига тушгандир энди? — деб сўрадим мен ундан.
— Тўғрисини айтган яхши-да! — деб у тескари ўгирилиб олди.
Бир ой ичида бор ёру дўстларимдан айрилдим. Мени маоши камроқ ишга ўтказишди. Таниш-билишларим меникига келмай қўйишди, мабодо бехосдан кириб қолишсаям, эчкини ваннахонага бекитиб қўядиган бўлдим. Унинг тўғри сўзлиги мени ҳолдан тойдирганди.
Бир куни ҳикоя ёзиб, баланд овоз билан ўқиб чиқдим.
— Мана, шу қашшоқ асар учун сизга қанча тўлашади? — деб сўради эчки истеҳзо билан. — Пулга жуда муҳтож бўлиб қолгандагина шундай ёзишади!
Чидай олмай унга қараб бошмоғимни улоқтирдим.
— Ана, тумшуққа тушириш ҳам бошланди, — деди эчки, хўрсиниб, — ҳаммаси жойига тушяпти.
Уялиб, ундан кечирим сўрадим.
— Шундай бўлиши турган гап эди! — деди эчки, лўнда-лўнда қилиб. — Баъзилар бошиданоқ чидай олишмайди, баъзилар — кейинроқ. Ўйлайманки, тугун ечилай деб қолди.

КУНЛАРНИНГ бирида ҳузуримга мен уйланмоқчи бўлиб юрган Юлия келди. Эчкини ваннахонага қамаб қўйгандим.
Биз Юлия иккимиз қаҳва ичдик, магнитафон эшитдик, хуллас, вақтни яхши ўтказдик. Туйқисдан ваннахонадан маърагансимон кулги эшитилди ва эчки гапира бошлади:
— Бас, қилинг, қизни алдашни! Айтишларича, Юлия енгилтак, лекин ёқимтой қиз эмиш. Тушунаман, жинсий мойиллик ва бошқалар... булар ўтиб кетади. Кейин қарабсизки, ўз тақдирингизни қандайдир эсипаст қўғирчоқ билан боғлаб қўясиз! Ахир сиз уни бир йил ўтмасдан қўлида чақалоғи билан ташлаб кетасиз-ку...
Ғазабим сел бўлиб кетди. Мен ваннахонага отилиб кирдим.
— Ўлдираман сени, иблис! — деб ўдағайладим.
Эчки хиринглади:
— Сиз мени ўлдира олмайсиз, қўрқасиз! Ўзингизга душман орттирмаслик учун мени танишларингизга ҳам туҳфа қилолмайсиз. Ахир сиз, ҳаммасидан ҳам душман орттиришдан қўрқасиз-ку! Ҳа, дарвоқе, сизни гўшт комбинати қутқаза олади. Бу сизга жуда қўл келади!
— Кушхонага! — бўкирдим мен ва зудлик билан эчкини гўшт комбинатига қараб етаклаб кетдим.
Кўчада мени нотаниш бир киши тўхтатиб, нигоҳини эчкининг кўзларига қадаганича, деди:
— Айтинг-чи, шу эчкини менга сотмайсизми?..

Илҳом ҲАФИЗОВ таржимаси

ШЕЪР ЎҚИЙМАН

Шеър ўқийман. Қушлар хиромон
Сумбатини ростлаб келади.
Шеър ўқийман. Нилуранг осмон —
Тинглашоққа пастлаб келади.
Чингиз Долимовнинг «Шеър ўқийман...» шеъридан
Шеър ўқийман. Илҳом панадан
Сўзларини бошлаб келади.
Шеър ўқийман. Хотин хонадан
Кўзларини ёшлаб келади.
Шеър ўқийман. Кимлардир қасддан
Мени шу дам ёдлаб келади.
Шеър ўқийман. Қўшним бехосдан,
Эшик қоқиб, додлаб келади.
Шеър ўқийман. Кимга тегадир,
Дадам кўзин лўқ қилиб келар.
Шеър ўқийман. Билмам негадир
Ҳатто ўғлим дўқ қилиб келар.

Абдураззоқ ОБРЎЙ

ИКИР-ФИКРЛАР

У ҳатто деразa ойнасига қараб ҳам фақат ўзини кўради.

⊙

Чинакам руҳий исён танинг озор чекканда кўтарилади.

⊙

Даҳонинг бирламчи вазифаси ўз вақтида туғилишдир!

⊙

Энг мақбул маънавий рағбат — бу моддий рағбатлантиришдир.

⊙

Бирон нарсага диққатни жалб этиш учун баъзан ўша нарсани мато билан хиёл беркитиб қўйиш кифоя.

⊙

«Аҳлат ташлаш ман қилинади. Жарима 50 сўм» деган ёзувлар осиғлик жойларни кўриб, доим «Мана, ҳазинамиз 10—15 минг сўмга бойиди» деган хаёлга борасан.

Аъзам КОМИЛОВ

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли корхонамиз ишчи-хизматчилари!

Келаси шанба куни директоримиз Тўймас Бермасовичнинг туғилган куни муносабати билан бўладиган кечада «энг яхши совға учун» конкурси ўтказилади. Конкурс ғолибининг сурати «Ҳурмат тахтаси»га осиб қўйилади.

●

Идорамиз ходимлари диққатига!

Кеча бошлиғимиз зиёфатга кетганлиги сабабли мажлис ўтказилмаган эди. Бугун икки марта мажлис ўтказилади.

Ёқуб ИСОҚОВ

ЖАҲОН КУЛАДИ

— Яқинда одамга дунё бўйлаб саёҳат қилиб чиқиш учун уч соатгина вақт керак бўлади, — деб минғирлади хотинига сафардан қайтган Томас. — Бир соат сайёрани айланиб чиқиш учун ва қолган икки соат аэропортдан уйга етиб келиш учун.

●

Икки хизматчи суҳбатлашарди:
— Айтишларича, директоримиз штатларни кескин қисқартиришга тайёрланаётган эмиш...
— Бунинг бизга алоқаси йўқ. У хотини билан жанжаллашиб қолибди, энди унинг ҳамма қариндошларини ишдан бўшатмоқчи.

●

Магазинга эндигина ишга қабул қилинган сотувчи бўлим мудиридан сўради:
— Харидор танлаган кўйлаги ювилганда кичраядими йўқми деб сўраяпти. Нима деб жавоб қилай?
— Кийим унга лойиқми?
— Сал каттароқ.
— Унда кичраяди деяқол.

●

— Нимага тарозининг тепасига кўзгу илиб қўйдинг? — деб сўради қассобдан таниши.
— Сен аёлларни яхши билмайсан, азизим, — тиржайди у, — кўзгуга қараб ўзларини томоша қилиш имкони бўлганда улар тарозига қарашармиди.

●

— Кеча операда нима эшитдингиз?
— Бир олам қизиқ гаплар. Смит синиш арафасида. Браун хоним сочини қайта бўяпти. Гринлар бўлса ажралишипти.

Тўпловчи Ҳабиб СИДДИҚ

ЭЪЛОНЛАР

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

«Ўсарфильм» олий киномактабининг кинорежиссура бўлими аспирант-талабаси Саид Ўсар Бек илмий ижодий изланишлар олиб бориб ва тажрибалар ўтказиб, жаҳонда биринчи бўлиб **«ТЎЙ»** номи **КИНОТЕРАПЕВТИК** ўқув кинофильмини суратга олаяпти.
«Тўй» номли шифоловчи ўқув кинофильмининг олий мақсади Сизларнинг ва бизларнинг мажруҳ руҳларимизга малҳам бўлиб, таскин бериш ва даволашдир.
«Тўй» кинофильми Сизларни даволаш билан бирга яширин имкониятларингизни ҳам рўёбга чиқаради.
Дардларингиздан фориғ бўлмоқ истасангиз, Сиз 5 (беш) кун мобайнида бир мартадан «Тўй» ўқув кинофильмини томоша қилиб, сеансларни қабул қилсангиз кифоя.
Соғлом кишилар эса, саломатликларини мустаҳкамламоқ учун 5 (беш) кун мобайнида бир мартадан «Тўй» кинотерапевтик фильмини кўришлари мумкин.
Доимо соғ-саломат бўлингизлар!
Саҳналаштирувчи кинорежиссёр, «Ўсарфильм» муаллифи ва президенти — Саид Ўсар БЕК.
Бизнинг эшигимиз Сизлар учун доимо очиқ: 700000, «Ўсарфильм», Тошкент, Ленинград кўчаси, 48-уй. **Телефон**: 32-01-29 (навбатчилик туну-кун).

ДИНИЙ НАШРЛАРГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг нашрлари — «Ислом нури» жаридаси ва «Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласига обунанинг йўлга қўйилиши ҳаётимизнинг ижобий ўзгаришлар ўзанига тушиб бораётганига бир далилдир.
Деярли кўпчилик диёримизда «Совет Шарқи мусулмонлари» номли мажалла борлигини шу пайтгача билмасди. Ваҳоланки, мазкур мажалла йигирма икки йилдан бери нашр этилмоқда. Бунинг бирдан-бир сири унинг диний руҳда эканлигида эди.
Мана, бугунга келиб асл инсоний қадриятлардан узоқланишга чек қўйилди. Уларсиз ҳаёт мумкин эмаслиги тан олинди. Динимиз эса қадриятларимизни асосини ташкил этади. Бунга сиз «Ислом нури» жаридаси ва «Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласини ўқиб ишонч ҳосил қиласиз.
Булардан ташқари сиз мазкур жарида ва мажаллани ўқиб Ислом дини таълимотлари, динимиз тарғиб этган одоб-ахлоқ мезонлари, динимиз нуқтаи назаридан оила ва ундаги эр ва хотин вазифа ва масъулиятлари, фарзанд тарбияси, алломаларимиз ҳаёт-фаолияти ва асарларидан намуналар, хорижлик биродарларимиз ҳаёти билан яқиндан танишасиз.
«Ислом нури» жаридаси ўзбек тилида бир ойда икки бор араб ва ҳозирги ҳарфларда нашр этилади. Йиллик обуна баҳоси 12 сўм.
«Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласи бир йилда тўрт марта ўзбек, рус, араб, форс ва инглиз тилларида нашр этилиб, йиллик обуна баҳоси 8 сўм.
«Ислом нури» жаридасининг араб ҳарфи билан чиқадиган нусхасининг индекси 64611, ҳозирги ҳарф билан нашрининг индекси 64612.

«Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласининг ҳозирги ҳарф билан ўзбек тилидаги нусхасининг индекси 75405, араб ҳарфи билан ўзбек тилидаги нашрининг индекси 75410.

Араб тилидагисининг индекси 75407
Рус тилидагисининг индекси 75406
Форс тилидагисининг индекси 75408
Инглиз тилидагисининг индекси 75409

«Ислом нури» жаридаси ва «Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласи қадриятларимизни тиклашда сизнинг ишончли қўлланмангиз бўлишига ишончимиз комил.

«Ислом нури» жаридаси ва «Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласига «Союзпечать» бирлашмасининг исталган бўлимида обуна бўлишингиз мумкин.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИНИНГ НАШРИЁТ БЎЛИМИ

СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА

Дорилфунунда бир домламиз бўларди. У доим гапни айлантириб-айлантириб Японияга қадар, халқининг ҳар уч кишидан бири шеър ёзишини айтиб, маърузасини ниҳояларди...

Чойхонамиз сўрисидаги изоҳталаб суратга келган жавоб хатларини кўриб...

«МЕН»ман деган мард билан бир қути «родопи»дан шарт бойлашаманки, энг номдор тўраларнинг ишхонасида ҳам бунчалик кўп қоғоз уюми бўлмайди. Аниқ-ноаниқ ҳисоб-китобларга қараганда, мавсум бошидан буён хирмонга тўкилган «оқ олтин»... э, кечирасизлар, охори тўкилмаган хатлар тўрт миллион тоннадан ошиб кетди. Сўри четига ўтириб олиб, биринчи-иккинчи сўртларга ажратаётиб шу нарсага амин бўлдимки, япон халқининг ҳар уч кишидан биттаси шеър ёзса, туркистонликларнинг ҳар учтасидан бештаси кулгига, аскияга мойиллиги бор экан. Оддийгина таёқ тишлаб югураётган ит cувратига шунақанги кулгили гапларни ўйлаб топишганки...

Келинг, яхшиси шулардан уч-тўрттасини ўзингиз ўқиб кўра қолинг.

●

Сарҳад ортидан келган бу совуқ таёқни қайтариш вақти келди.

Ф. ИКРОМОВ
Бухоро

●

Сиздан қовун-тарвуз, пилла, олтин... яна «озгина» пахта — биздан ТАХТА.

●

Бўйнидаги тасмасидан хат чиқди: «Отар чўпони билан Чернобилга олиб кетилди. М».

Исҳоқ ИСМОИЛОВ
Ғаллаорол

●

Ит: — Эҳ, «стройбат»га тушганимга яраша ўз юртимда хизмат қилсам экан!..

М. ЯХШИБОЕВ
Қашқадарё

●

Эссизгина ёмон бўлди,
ёмон бўлди.
Бола боқмоқ, ота бўлмоқ
армон бўлди.
Нагўшт бор, на бир
суяк бор.
Ёғоч ғажиб юрсак қандай
замон бўлди?

Мунаввар ТОШПЎЛАТОВА
Марҳамат

●

Ит: — Шу чўпни ҳам ташиб кетай, кейин истаганингизча МУСТАҚИЛ бўлаверинг...

Ғулом МИРЗО
Тошкент

●

Ҳа, намунча хурсанд бўлмасангиз?! Худди текинга хўрозқанд ялаётган боғча боласига ўхшаб. Э, ҳали Сиз ошкораликдан хурсанд бўляпсизми? Булар холва! Зўрларини чойхонамизга келсангиз, эшикни ичидан қулфлаб (Атроф хонадагиларга эшитилмасин учун), кўк чойни ичи-и-б ўтириб эшитасиз. Хўш, келасизми? Кутамиз-а. Ҳозирча, ўртамиёнасидан бўлсаям эшитиб тураверайлик, десангиз марҳамат.

Хўжайин марказга ишга ўтдилар. У ёқда таёқ кам дейишади.

Алишер ХОНКЕЛДИЕВ
Олтиариқ

●

«Газни бериб Ўролга,
Ўтин ёққан ўзбегим...»

Мақсудбек МАТНИЁЗОВ
Туркманистон

●

Тишлаганим таёқ бўлди.
Борар жойим қаёқ бўлди—
Вой аламжон, жон алам.

Шуҳрат АБДУРАСУЛОВ
Самарқанд

●

«Ит: — Туйқус Туркистон ҳақида гап очиб қолишди, десам, ҳассаларини йўқотишган экан-да!...

Анвар МИРЗО
Олтиариқ

●

Мамлакатимиздаги барча ишлар планли бўлгандек, бизга ажратилган жой ҳам олдиндан белгилангандур. Шул боис чегарадан чиқмайлик. Бундан ташқари, асал қанчалик ширин бўлгани билан кўп истеъмол қилиш зарарлидур.



Галдаги изоҳталаб cувратга, эшикни ичидан қулфлаб олиб ўқийдиган ажойиб-ажойиб жавобларингизни кутамиз, азиз муштарийлар!

Навбатчи Баҳром БОЛА

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Д. — 3345.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12